

АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ



Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2008

Ушбу тўпладан жой олган «Эркин Сиддиқ нима дейди?» туркуми муаллифнинг бадиий тўқималари эмас, ишонинг. Уларнинг аксарияти ҳаётда ҳам худди шундай, ичакузди, қоринчўзди тарзда содир бўлган. Баъзиларига ўзингиз ҳам гувоҳсиз. Шу боис қувноқ ва фавқулдда ҳозиржавоб Эркин ака билан боғлиқ ҳангомалар маъносини пасайтирмай, шаштини сусайтирмай, ўз уловию ўз тушови билан ифодалашга ҳаракат қилдим. Эҳтимол, баъзиларида ҳажв пилигини бигроз кўтаргандирман. Мақсадим Эркин Сиддиқовни хотирлаш билан бирга, ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йиллари ёшлар нашриётида ишлаган барча ҳамкасбларимга чексиз ҳурматимни изҳор қилиш эди. Бу ниятим нечоғли амалга ошганлигини баҳолаш – сизга ҳавола.

«Шум бола»нинг шумликларидан яхши хабардорсиз, деб ўйлайман. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг сўнгги саҳифасида гоҳ-гоҳ «Аҳмад Оға» тахаллуси билан эълон қилинаётган митти ҳажвия ва латифалар ёдингизда бўлса керак? Улар ҳам менинг кулги майдонидаги машқ ва уринишларим бўлади.

Ўқиб кўринг-чи...

*Муаллиф*

ISBN 978-9943-08-152-9

© Аҳмаджон Мелибоев, «Хотин йўғида».

«Янги аср авлоди», 2008 йил

## ИККИНЧИ УМР

### Сўзбоши ўрнида

Ўшанда 1966 йил эди. Қўшним ва ўртоғим Абдусалом менга ҳарбийдан хат ёзиб: «Аҳмаджон Мелибоев деган бир хизматдошим бор, газетада кўп машқлари босилган экан. Шеърларингиздан юбориб турсангиз, шу йигит кўриб, маслаҳат бериши мумкин», деб хабар қилди. Мен шеърларимдан жўнатиб турдим, уёқдан маслаҳатлар оқиб келаверди...

Дамо-дам ўйлаб қоламан, агар ўшанда Абдусалом тескари иш тутиб, ҳарбийдошининг ёзганларини кўриб беришни менинг зиммамга юклаганида борми, балки бугун Аҳмаджон ака шоирлик қилиб юрган, мен қатта бир газетани бошқариб, унга ширин маслаҳатлар айтиб ўтирган бўлармидим?!

Аҳмаджон Мелибоев университетни тугатиб, ёшлар газетасида ишлаётган чоғларидаёқ билими ва дунёқараши кенг, фикрлаш тарзи ўзига хос, қалами жарроҳнинг нишидай ўткир публицист сифатида кўзга ташланиб улгурган эди. Аммо бадниётдаги қиррасини намоёйишлагга негадир шошилмасди. Бир гал қишлоғимизга борганида, буни ўзига таъна қилсам, газетанинг юмушларидан ҳеч ортиб бўлмаёпти, дея гапни қисқа қилиб қўя қолгани ёдимда.

Тақдирнинг тақозоси билан, кейинчалик битта нашриётда ишлай бошлаганимизда, дўстимнинг «эски касали»ни кўзгатишга, лоақал оғзаки латифагўйликдан ёзма ҳангомачилик сари нуқилашга тиришиб кўрдим. Баҳона яна ўша — ишхонадаги ташвишлар.

Ниҳоят, унинг беназир қишлоғи, ажабфеъл қишлоқдошлари ҳақидаги «Ўнғор эртаклари» китоби пайдо бўлди. Ўшанда айрим касбдошларимиз «йигитта бу томондан ҳам худо берганакан-ку», деб ҳайратланишса-да, мен бу ҳолдан заррача таажжубланмадим — бор нарса бор-да!

Қўлингиздаги ушбу китоб қаҳрамони Эркин Сиддиқов билан бирга ишлаганман, ғирт афандинамо одам эди. Бир умр халқ мақолларини тўплади, бир қисмини нашр эттирди. Нашриётимизга узоқ йиллар беназир инсон Абдулазиз Ваҳобов раҳбарлик қилди. Аҳил ва иноқ жамоамизда Эркин Воҳидов, Хуршид Дав-


рон, Шамси Одил, Нормурод Нарзуллаев, Эркин Миробидов, Абдуворис Абдумажидов, Маҳмуд Яҳёев, Ҳожиакбар Шайхов, Исфандиёр, Мирзо Кенжабек, Тўлқин Имомхўжаев, Латиф Маҳмудов, Муҳаммад Раҳмон каби қанчадан-қанча шоирлар, ёзувчилар ишлашар, гоҳ униси, гоҳ буниси турли сабаб билан ҳафта-лаб кўринмай кетар, бу ўзгаларга у қадар сезилмасди. Аммо унчалар эътиборли бўлмаган бўлимнинг оддийгина ходими Эркин Сиддиқов бир кун ишга келмаса, тезда ўрни билинарди. Унинг кундалик самимий ва беғубор шумликлари кайфиятимизни очар, қувноқ танаффус вазифасини ўтар эди.

Аҳмад Мелибоевич «шунга бир кўз ташлаб чиқинг-чи», дея Эркин ака тўғрисидаги туркумни қўлимга тутқазгач, уйда ўқиб кўриб, туйқус чорак аср ортга қайтгандек, эндиликда кўпи марҳумга айланган дилкаш ишдошларим билан қайта чақчақлашаётгандек бўлиб, беҳад ҳузурландим. Бўлиб ўтган қизиқ ишларни ўхшатиб гапириб бериш ҳам осон эмас, лекин улар ҳақида ёзиш, жигини топиб қоғозга тушириш учун номдор қаламкаш бўлишнинг ўзи озлик қилади. Бунда аввало у ёки бу ҳангоманинг энг ширали нуқтасини белгилай олиш сезгисига эгалик, ғайритабиий бир истеъдод ҳам керак. Бу ҳажвий туркумни ўқиган китобхон ана шу ноёб хусусият адибда ярқираб намоён бўлганлигини пайқамаслиги мумкин эмас. Кулгининг қатида бутун бошли инсон ҳаёти ётибди.

Даврабоп улфат, сирли инсон Эркин Сиддиқов адиб маҳорати туфайли ўзининг иккинчи умрини яшай бошлади. Бу айниқса уни яқиндан билганларга катта қувонч бахш этади. Янада қувончлиси шуки, унинг бу сафарги умри аввалгисидек қисқа бўлмайди. Китобдан китобга ўтиб яшайверади. Илойим, шундай бўлсин.

**Анвар ОБИДЖОН,**  
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ЭРКИН СИДДИҚ НИМА ДЕЙДИ?



## КЎПИК

Ёшлар нашриётида ишлаб юрган кезларимиз. Пешинга яқин Маҳмуд мўйловнинг лағмонхонасига тушадиган пайт, нотаниш бир киши хонага важоҳат билан кириб келди-да, ҳе йўқ, бе йўқ, муаллифларнинг қўлёзмаларини варақлаб ўтирган Эркин акага ўшқира кетди:

— Инсоф қолмабди ўзи сенларда. Беш панжангни оғзингга тиқиб олгансанлар. Индамаса туяни ютворасанлар. Мен билан ҳазиллашма бола, устингдан ёзаман, мана бу жинглак сочингни битталаб юламан, билдингми. Сенларда бор бола-чақа бизда йўқми? Қани, шикоят дафтарингни буёққа ол-чи, магазин деса, саккиз чақирим наридан ўтадиган қилиб ташламасам, юрганаканман...

Эркин ака гоҳ гердаяди, гоҳ чимрилади. Ҳар замонда ойнадан ташқарига қараб қўяди, чуқур эснайди, ёнидан рўмолчасини олиб, четлари қорайиб кетган эски кўзойнагини эринмай артади. Қоғозга алланималарни ёзгандай бўлади. Бу ҳам етмаганидек, чўнтагида мижиғланиб кетган учтўрт сўм пулини қўлига олиб, қайта-қайта санайди. Яна жойига солиб қўяди.

Унинг бу қилиқлари шикоятчини баттар жаҳлантириб, айтмаган-демагани қолмади. Охири ўшқира-ўшқира ҳолдан тойиб, шилқ этиб креслога ўтирди. Бу ҳангоманинг нима билан тугашини била олмай, Абдуворис ака, мен, Муборакхонлар эловланиб турибмиз. Шовқин солаётган одамнинг кимлигини, Эркин аканинг айби нимада эканлигини билолмай доғда эдик.

— Ҳой, қанақа одамсан ўзи, бир нима демайсанми? — сал дам олволиб, қайтадан тихирланди нотаниш кимса. — Ё гунгмисан?

Эркин ака худди шуни кутиб тургандай, пиёлага чой қуйиб, «меҳмон»га узатди. Тортмасидан тахи бузилмаган янги рўмолча олиб, уни ҳам шикоятчига тутди ва тамзамланиб деди:

— Ака, юзингизни артиб олинг. Кўпик сачраб, кир тоғора бўпкетибсиз...

Маълум бўлишича, биринчи қаватдаги озиқ-овқат мағазинида ўша куни апелсин сотишган экан. Навбатга турганлардан беш-олти кишига етмай қолибди. Шунда Эркин аканинг ўзи шумликни уюштириб: «Мағазин мудири учинчи қаватда ўтиради, сочи жингалак, кўзида кўзойнак, озроқ пўписа қилсангиз, омбордан олиб чиқиб беради», дея бу жирраки зотни ҳаволантириб қўйган экан...


Бир зум бўлса-да, ўзингни амалдор ва пулдордек ҳис қилишга нима етсин!



## ОШ ҚАНИ?

Эркин ака билан эрталабки ошга борувдик, қаршимизга навқирон йигитчалар келиб ўтиришди. Ош тортилиб, энди бир-икки ошамдан олувдик ҳамки, Эркин ака худди бир нимасини тушириб юборгандай, столнинг устини, тагини, ён-атрофларини қидириб қолди. Нима экан деб, мен ҳам аланглашга тушдим. Эркин ака лаганларни кўтариб кўриб, ўриндиқлар устига солинган кўрпачаларнинг остини қарай бошлаган эди, йўқолган номаълум нарсани қидиришга столда ўтирган жами ошхўрлар, тинчликми, дея югуриб келган ош тортувчи ҳам қўшилди. Ҳамма ҳайрон, бунақа пайтда хаёлга нималар келмайди, дейсиз. Қўлидан тилла узуги тушиб кетган бўлса-чи? Охири «Эркин ака, нима йўқолди, ўзи?» дея аста сўрадим.

— Шу ерда ҳозиргина бир лаган ош турувди, мабодо кўрганингиз йўқми, — деди Эркин ака йигитчаларнинг олдида турган бўш лаганга ишора қилиб.





Биз гўштни тўғрагунча, азаматлар ошни паққос тушириб бўлишган экан.

Ҳамма гурр этиб кулиб юборди. Ош тортувчининг ишораси билан бўш лаган дарҳол алмаштирилди. Баҳонада бизга ҳам қўшимча таом келди...

## МЕНГА ҚАРАМАНГ...

Бир наҳорги ошда Эркин ака норғул нотаниш киши билан шерик бўлиб қолди. Ош тортилгач, Эркин ака шеригига қараб:

— Ака, сиз менга қарамай олаверинг, — деди.

Бу гапнинг маъноси аслида — менга қараб ўтирманг, қорним тўқ, дегани. Нотаниш киши ҳам, назаримда, шундай тушунди. Аммо Эркин ака икки марта салкам дўппидай қилиб олиб, лаганнинг ярмига етиб қолганида, «Ёпирай, қанақа ошхўрга учраб қолдим ўзи», дегандай, шеригига бурунқараш қилишга мажбур бўлди. Эркин ака лагандан бошини кўтармай писанда қилди:

— Ака, айтдим-ку, менга қарамай олаверинг деб...

## УЧ КИШИЛИК НАСИБА

Одатда, эрталабки ошларга Эркин ака, Абдуворис ака ва мен уч киши борар эдик. Эркин ака тўртинчи шерикни ёқтирмасди. Бир гал учовимиз ошга кириб кетаётсак, эшик олдида нашриётимизда ҳар йили навбатсиз китоб чиқарадиган муаллифларимиздан бири турган экан, тўртинчи бўлиб, бизга қўшилди. Нашриёт муҳаррирлари унинг чалакамчатти қўлёзмаларини таҳрир қилавериш, зада бўлиб кетишган, аммо ўша йиллари баъзи сабабларга кўра бу тўғрида бировга оғиз очиб бўлмасди. Эркин ака шу жойда у билан ҳисоб-китоб қилиб олди:

— Ака, атайлаб уч киши бўлиб келаяпмиз. Уч кишига икки лаган ош қўйишади. Шуңча йўл босиб, таксига фалон сўм тўлаб келганингдан кейин, тўйиб ош еганга нима етсин. Илтимос, ака, дўзахдан қўрқсангиз, эрталабки насибамизни жувонмарг қилманг...

Бу гагдан кейин тўртинчи шеригимиз «хўп-хўп» деди-ю, аста сурилиб, бошқа тўпга қўшилиб кетди...

Ҳа, жаннатдан ҳамма умидвор-да.

## АҚЛИ ЧЎТКА

Нашриёт ишларига доир катта бир йиғинга Эркин ака иккаламиз таклиф этилган эдик. Бино ичкарисига кираверишда пойафзал тозалайдиган электр чўтка бор эди, туфлиларимизни эринмай ярақлатиб олдик. Мен ҳазиллашиб:

— Эркин ака, шу ҳам чўтка бўлибдию, хорижга борсангиз, бундан зўрларини кўрасиз. Оёғингизни тутиб турсангиз бас, аввалига ярақлатиб тозалайди, кейин йиртилган жойларини ямайди, пошнаси ейилган бўлса, нағал ҳам қоқиб қўяди, — дедим.

— Э, шуни ҳам мақтаб ўтирибсизми, — деди Эркин ака пинагини бузмай. — Аргентинадан олиб келиб, уйга ўрнатиб қўйганимни кўрмаган экансиз-да. Оёғингизни тутиб турсангиз, сиз айтгандай, аввалига тозалайди, ямоқ солади, тагига мих қоқади. Ана ундан кейин пайпоғингизни аста ечиб, ўтади. Унча-мунча қийшайган, бужмайган жойларини тухумдай қилиб силлиқлайди, ёрилган жойларига малҳам қўяди. Индамасанг, тирноғингни бўяб, одамни хижолат қилади ҳам.

— Э, қойил-е, — дедим кулиб.

— Бу ҳали ҳаммаси эмас, — деб давом этди Эркин ака. — Ким ўйлаб топган бўлса ҳам барака топсин, шошилмаган киши шимини дазмоллатиб олишиям мумкин...

— Буниси энди сал ошиб кетди...

— Нимаси ошиб кетади? — дея жиддий қиёфада қиялади у. — Мана, кўриб турибсиз-ку, шу шимни кеча эрталаб дазмоллатиб олдим. Чўнтагида ҳемири йўқ эди, кийсам, барака топгур, йигирма беш песо пул солиб қўйибди-я... Айтгандай, бир песо бизни пулга қанча бўлади?..

## КАЛТА ҚЎЛЛИК

Эркин ака магазиндан костюм-шим сотиб олмоқчи бўлибди-ю, хотини иккаласи марказий универмага келишибди. Беш-олтитасини кийиб кўрибди, аммо ҳаммасининг енги узун келибди. Ҳафсалалари пир бўлиб, ташқарига чиқишган экан:

— Дадаси, қўлингиз сал калтароқми, дейман-да, ҳаммага тўғри келган, сизга нимага тўғри келмайди, — деб қолибди хотини.

— Ҳа, шунақа, — дебди Эркин ака қувлик билан, — қўлим калталигидан ҳам сизга уйланганман-да, жоним...



## ТҮҒРИ ЙҮЛ

Эркин ака қишлоғимизга биринчи марта боришидаёқ, ичакузди ҳангомалари билан кўпчиликни ўзига ром қилган эди. Кейин-кейин ҳазилкаш ошна-оғайниларнинг тўй-томошалари Эркин акаси ўтмайди деган бўлиб қолди. «Тўйга Эркин ака келармиш» дейилса бас, тўйхона, кўноқхоналарга улфатлар, ҳангоматалаблар сиғмай кетарди. Ўтган сафар бизни роса болаганди, бу гал бир ўхшатайлик, деб ҳазил-мутойибага астойдил тайёргарлик кўришарди.

Бир гал Эркин ака ёлғиз ўзи йўлга чиқиб, қишлоғимизга яқин қолганида, йўлдан адашиб қолибди. Машинадан тушиб, сув кўтариб кетаётган бир келинчакдан ҳазилнамо қилиб йўлни сўраган экан, у менга тегажўглик қиляпти, деб ўйлаганими, мана шундоқ жавоб қилибди:

— Мана шу тўғри йўлдан уёқ-буёққа алангламай тўғрига қараб бораверсангиз, тўғрига кетган йўл келади. Ўша йўлдан тўғрига қараб тўхтамай юрсангиз, тўппа-тўғри Сафед Булонга борасиз.

Эркин ака бу воқеани эслаб қолса, юзини тириштириб, гудраниб кўярди:

— Ҳа, шўрим қурсин-а! Келиб-келиб қўлантаёқ бир жувон мени ёмо-о-н майна қилганди-да.

## СОЛИШТИРИБ КҮРИШ

Эркин ака Сафед Булонга тунда етиб келибди. Тўйхона қайси томонда экан-а, деб ўйланиб турса, бир йигит «Ака, омон-эсон келдингизми, бола-чақалар соғ-омонмилар, эрталабдан бери йўл қараймиз. Тўйхона сал четроқда, яна адашиб қолманг, деб кутиб турибман-да», дея астойдил сўрашибди. Эркин ака аввалги тўйда шу йигитни аскияда роса тузлаган бўлиб, йигит бу гал ўчимни олмасам бўлмайди деб, тайёрланиб юрган экан.

— Тўйдан кеч қолмадимми? — деб сўрабди Эркин ака.

— Айни пайтида келдингиз-да, — дебди мағлуб йигит, — тушунтирсам ўзингиз топиб борасизми ё бирга-бирга борамизми?

— Бирга борақолайлик.

Йигит асли бир иш билан туман марказига кетаётган экан. Сир бой бермай, хўб деб машинага ўтирибдию, орқага қайтамиз, дебди. Орқага қайтиб ярим соатча йўл юришибди. Оқтом қишлоғига кираверишда «Шу ерда тўхтаймиз» деб машинадан тушибди-да, Эркин акага қараб:

— Ака, худо хоҳласа буёғи оз қолди, ҳозир орқага қайтиб, ярим соат олдин учрашган жойимизга борасиз, машинани сал четроққа оласиз. Тошкентдан олиб келган тўёнангизни қўлтиқлаб, ўнг томонга йигирма қадам юрсангиз, шундоққина тўйхонадан чиқасиз-да, — дебдию ўзи жуфтакни ростлаб қолибди. Шунда Эркин ака унинг ортидан бақирибди:

— Барибир сени мен бундан ёмонроқ болагандим!

## АСАЛ ОШҚОВОҚ

Куз фаслининг бошлари эди. Эркин ака бетобланиб, уида ётиб қолди. Нашриётга келиб, қўлёмасини режага киритиш илинжида юрган бир муаллиф билан кўргани бордик. Йўлда бозорчада тўхтаб, битта қовун, тўртта нон олволдик. Бир кило гўшт, бир шиша ичкилик олмоқчи бўлдик, аммо иккаламизнинг ҳам чўнтагимиз панд берди.

Эркин ака ҳовли саҳнига қўйилган темир каравотда ёнбошлаб ётган экан, биз билан кўришди-ю қўлимиздаги пакетнинг ичига қаради — бор-йўғи тўрттагина нон. Қовунни қўлига олиб, ёш болани ўйнатгандай бир-икки силкитиб кўрди ва ўғилларига «Манабу ошқовоқни тезда сўйиб келинглар, пўстини шилманглар», деб тайинлади. Меҳмон «Э, Эркин ака-е, шаҳарлигингизга борасизда-а, қовун билан ошқовоқни фарқига бормай қолибсиз-а», деб кулди. Эркин ака «Қайдам», деди-ю, индамай қўя қолди.

Сухбатга тушиб кетдик. Бир пайт қовунни каржлаб сўйиб олиб киришди. Қани энди оғизга олиб бўлса — мазаси ошқовоқдан ҳам баттар. Меҳмон иккаламиз бир карждан аранг едик. Эркин ака бўлса «Э, авлиё бўлиб кетинглар-е, кеча дўхтир «Кўпроқ ошқовоқ истеъмол қилинг, иложи бўлса хомлай енг, деб тайинлаганди, роса ўрнига тушди-да», дея бир чеккадан еябошлади. Меҳмон «Уэр ака, бошқа гал

ширинини олиб келамиз», — деган эди, жавоб ўқдай учиб чиқди:

— Укажон, бундан бемаза, расво қўлёмаларга чидаб ётибмиз, уларнинг олдида бу ошқовоқ нақд асалнинг ўзи-ку.

## ТАЙЁРГАРЛИК

Эркин аканикида тунаб қолган бир меҳмон ҳеч кимга гап бермай улфатларнинг гашига тегибди. Чой ундоқ, овқат мундоқ, дея кўринган нарсадан қийиқ топаверибди. Кечқурун диванга ўрин солишса, ёқмабди, пастга кўрпа тўшашса, пол мунча ғичирлайди, дея баттар хунобланибди. Бу ҳам майли-я, ароқни тугал сифатсизга чиқарибди.

Эркин ака ҳаммасига чидабди, аммо ароққа келганда бирдан пешонаси тиришибди. Хаёлига меҳмонни озроқ тарбия қилиш керакка ўхшайди, деган фикр келиб, аввалдан машҳур «Меҳмон қочди» операциясига киришибди. Эшитмаган бўлсангиз, айтиб қўяй, Эркин ака ўзи ихтиро қилган ва инжиқ кўноқларга бир неча бор ҳўллаб, синовдан муваффақиятли ўтказган бу операциянинг маъноси шу: меҳмон ароққа тўйиб, «фарқ пишганида» уйдан оппоқ, ҳали ишлатилмаган чойшаб олиб чиқиб, яхшилаб ўрин солинади. Орадан бирор соатлар ўтгач, бир маромда хуррак отаётган меҳмон, ҳар эҳтимолга қарши бир-икки туртиб кўрилади. Қотиб ухлаётганига ишонч ҳосил қилингач, бир чойнак или-милиқ фамил чой меҳмоннинг чотидан чойшабга жилдиратиб қуйилади. Эрталаб меҳмон кўрсаки, аҳвол чатоқ, чойшабдаги доғ ҳар балога ўхшайди...

Сафед Булондаги бир тўйда бу операциянинг айрим тафсилотларини Эркин аканинг ўзи латифадай қилиб, кўноқхонадагиларга гапириб берди. Кечқурун ётиш олдидан мундоқ фаҳмласам, меҳмоннинг қалтис ҳазилларидан аламзада бўлган бир-иккита мезбон йигитлар кўрпани ҳўллаб қўйишга, шу билан Эркин акани мот қилишга тайёргарлик кўришяпти. Оббо, ишқилиб, мен хижолатга қолмасайдим, дея ташвишланиб турган эдим, Эркин ака гап нимадалигини сезиб турган экан, қулоғимга аста шивирлади:

— Парво қилманг, тўйга тайёргарлигимни кўриб келганман.

Эркин ака шундай дея, қўйнидан нақд супрадай келадиган клеёнка чиқариб чойшаб устига ёзган эди, гурр этиб кулги кўтарилдию, қўноқхона деворлари оша бутун маҳаллага таралди...

## ҲИСОБМАС...

Биз томонларда тўй деганингиз улоқчопди, яъни кўпкарисиз ўтмайди. Ўнфорнинг чор-атрофларидан келган чавандозлар қўноқхоналарда меҳмон бўлишади. Худди балиқчилардай, кўрган-кечирганларига қўшиб-чатиб, бир-бирларига навбат бермай, тонггача отларини мақташади, битта семиз қўйни калла-почасигача пок-покиза туширишади. Эртасига эрталаб Мунчоқтепа ортидаги сайхонликда улоқчопти бошланади.

Бу томошани кўрмабсиз — дунёга келмабсиз. Кечаги улфатлар бошларига қулоқчин кийиб, ашаддий рақибларга айланиб, олишувга киришадилар. Отларнинг пишқириғи, асабий ҳайқириқлар, кайвониларнинг дўриллаган овозлари, ишқибозларнинг қий-чуви бир-бирига қўшилиб, бетакрор бир манзара ҳосил қилади. Меҳмонун мезбон, ёшу қари, хотин-халаж, бола-чақагача қирнинг кунгай томонига тизилишади. Совринлар келтирилгач, тўйбошининг фотиҳаси билан пака белгиланиб, улоқ, яъниким сўйиб, ичи тозаланган, териси тикилган бузоқча ўртага ташланади. Ана буёғини кўринг энди, биров бировни танимайди, биров бировга йўл бермайди. Ур-ҳо ур, сур-ҳо сур. Қамчи зарбидан отлар пишқириб, оёқларини кўтариб олдинга ташланади. Бўйни узун, бақувватлари рақиб отларини четга суриб, тўда ичига ёриб киради. Томошага берилиб кетиб, тўдага яқинлашиб қолганингизни билмай ҳам қоласиз. Қорнингиз чуриллаб турганига қарамай, томошадан кўз уза олмайсиз.

Удумга биноан, тўйга келган меҳмонларга от миндирилади. Эгарда ўрнаб, тўпни бир айланиб чиқса бас, ҳурмат маъносида соврин ҳам беришади.

Бир гал Эркин ака ҳам от миниб, зўр соврин олган. Яқин дўстларимиздан бирининг тўйида Эркин акани қўярда-қўймай битта қирчангига миндиришиб, қўлига қамчин тутқизиш-

ди. Эркин ака тажрибасизлик қилиб отга бир қамчи урган эди, қирчанғи шатталаб, меҳмон от устидан қорга учиб тушди. «Ҳисобмас, ҳисобмас» дея бошқа от олиб келишди. Эркин ака от устида ўрнаб-ўрнамай, қопга ўхшаб яна ерга қулади. Оломон қийқириб кулар, ҳамма бараварига «ҳисобмас, ҳисобмас...» дея бақирар эди. Учинчи отни олиб келишаётганида, яна бир кори-хол юз бермасин, дея аранг тўхтатиб қолдим. Эркин ака, ранглари дув оқарган, кўзлари ола-кула, менга илтижо қилди:

— Яхши одат экан. Аммо, меҳмон ўлса ҳисобми, дейман-да...

## ИБН СИНО ҲИКМАТИ

Бир гал Эркин аканинг «Бирлик» даҳасидаги соя-салқин ҳовлиларида улфатларга навбатдаги зиёфат берилди. Тахтапуллик, тақачилик жўралари, ношир дўстлари, маҳалладошлари роса яйрашди. Иккита қозонда пешма-пеш пиширилаётган таомлар, бунга қўшимча буюртма норин, буюртма сомса, беш-олтита қази паққос туширилди. Ичимлик деганингиз, Эркин аканинг таъбири билан айтганда, сувдек оқди. Охирида мезбоннинг ўзи дамлаган девзира палов катта сопол лаганларга сузилди. Яқунловчи сўз уйнинг эгасига берилди. Эркин ака ёнидан тахи бузилмаган рўмолча олиб, аввалига кўзойнакни яхшилаб тозалади. Сўнг улфатларига бирма-бир тикилиб, аста сўз бошлади:

— Биродарларим, гап таомда эмас. Худога шукур, юртимиз тинч, ош-нон топилади, бу ёмон қоринни ҳамма жойда тўйғазиш мумкин. Мен сизларга анчадан бери бир гапни айтмоқчи бўлиб юраман, аммо ҳеч мавриди келмайди. Мана, бугун шу гапдан сизларни бохабар қилиб қўйиш имконияти туғилди...

Эркин акадан ҳеч қачон бундай вазмин, сирли гап эшитмаган жўралар беихтиёр жим бўлиб қолишди.

— Сизлар бугун ош еяётган мана бу лаган бизларга раҳматли бувамиздан мерос қолган. Балки уларга ҳам оналаридан қолгандир. Эҳ-ҳе, унга кимларнинг қўли тегмаган дейсиз. Бундай табаррук лагандан таом ейиш уёқда турсин, унга шунчаки қўл теккизиб қўйишнинг ўзи катта



савоб. Мен сизларга айтмоқчи бўлган гап шуки, шу лаганнинг тагига улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино ҳазратларининг табаррук бир ҳикматлари ёзиб қўйилган. Кимки таомни охиригача еб, идишни ихлос билан тозалаб қўйса, яъниким исрофгарчиликка йўл қўймаса, ана шу ҳикматга биринчи бўлиб кўзи тушади...

Бу гапдан кейин улфатлар, қоринлари аллақачон тўйган бўлса ҳам, алоҳида шиддат билан ошга такроран ҳужум бошладилар. Савобдан қолмаслик учун нариги столда ўтирганлар ҳам дув келиб, лаганга қўл чўзишди ва ҳаш-паш дегунча уни ялагадек қилиб тозалаб қўйишди. Ўқиб кўришса, «Ибн Синонинг ҳикматли сўзлари» мана бундоқ экан: «Охиригача ейиш шарт эмас. Бизда ҳам бола-чақа бор. Эркин Сиддиқ Олимбой ўғли».

Ўшанда вулқондек портлаган қаҳқаҳани эсласам, ҳамон қулоқларим пардаси зириллаб кетади.



## БУРНИМНИ АВАЙЛАЙМАН

Эркин ака, мен, Маҳмуджон деган дўстимиз учовлашиб бир жойга меҳмонга борувдик. Хонадон соҳиблари дастурхонни қуюқ ёзиб, бизни роса сийлашди. Овқатлар устма-уст келиб турибди. Бири-биридан ширин, аммо Маҳмуджонга нима дард тегди — ҳаммасидан бир камчилик топавериб, Эркин аканинг гашини келтириб қўйди. Бир маҳал уй эгаларидан ижозат сўраб, кетмоқчи бўлгандик, улар ошни емай жилиш йўқ, деб қаттиқ туриб олишди. Ош бўлса кейин ермиз, дея энди кўндирганимизда Маҳмуджон «Яхши таом қолгунча ёмон қорин ёрилсин, еб кетамиз» деса бўладими. Ноилож қайта дастурхонга ўтирдик. Ошнинг бироз ҳаяли бор экан, мусиқа эшитиб ўтиришга тўғри келди.

Бир пайт Маҳмуджон «Уҳ, ошнинг таги олди» деб қолди. Уй эгалари чиқиб овқатни сузиб келишди. Таги дурустгина олган экан. Бир-икки ошамдан тановул қилдигу дастурхонга фотиҳа ўқидик. Ташқарига чиққанимизда Маҳмуджон қорнини мағрур силаб, Эркин акага танбеҳ бергандай бўлди:

— Ош куйиб кетай деди, сезмадингиз-а, э, ўргилдим бурнингиздан.

— Сезувдим, — деди Эркин ака мулойимлик билан, — лекин одатим шунақа — бировнинг уйида бўлар-бўлмас жойга бурнимни суқавермайман. Отам раҳматли «Бурун суқишинг шарт бўлса, таниш кавакка суққин», деб насиҳат қилганлар.

## ЭЧКИ ГҶШТИ

Бир гал Эркин ака билан «Чорсу» бозорига тушдик. Оладиганимиз — икки кило гўшт. Бозор гавжум. Гум-гурсдай йигитлар «Ёғ бор, гўшт бор, думба-жигар бор», дея бир зумда атрофимизни ўраб олишди.

Эркин ака ҳеч нимага парво қилмай, кимнидир роса излади. Гўшт бозорининг бу бошидан у бошига бир-икки бориб ҳам келдик. Охири бир четда қизғин савдо қилаётган семиз, юзлари бақбақа бойлаб кетган аёлнинг олдига келиб, қулоғига алланималарни шивирлади.

— Э, Эркин, тирикмисан, тани-жонинг соғми, болаларинг тинч-ми? — дея аёл эски қадрдонлардай ҳол-аҳвол сўрашга тушди.

Эркин ака унга шивирлаб яна нимадир деган эди, аёл шарақлаб, бутун бозорга эшиттириб кулди.

— Эркин, шу жиннилигинг қолмади-қолмади-да.

— Жиннилик эмас, — деди Эркин ака жиддий, — сен билан ади-бади айтиб ўтиришга вақтим йўқ. Икки кило дориликка керак. Мана бу оғайнимизга зарил бўлиб қолибди.

Аёл ишонқирамай, менга бошдан-оёқ разм солди. Гап нимадалигини билмасам-да, юзимни ҳорғин кўрсатиб «Опа, илтимос» дедим.

Аёл иккиланиб туриб қолди. Буни кўриб, Эркин ака зуғумга ўтди:

— Бўл тезроқ, бу ердан топилмаса, Қўйлиққа бўлса ҳам борамиз.

Гўшт сотувчи шундан кейингина атрофга бир-икки ўғринча назар ташлаб, Эркин акага шипшиди:

— Хўв Бахтиёрда бор, бориб секин қулоғига айтсанг, беради. Аммо бозорни бошингга кўтариб шанғилтэма.

Бахтиёр деганлари новча, шопмўйлов йигит экан. Унинг олдига тасодифан бориб қолгандай бўлдик.

— Келинг ака, ёғ бор, гўшт бор. Қўлда боқилган қора қўчқорнинг гўшти, пулингиз ўзингиз билан кетади.

Икки килолик сарпанжани кўра бошладик.

— Кўринг ака, эркак қўй, эрталаб сўйилган.

Эркин ака гўштни қўлига олиб, одатдагидай, кўзойнагини шошилмай тозалаб, унга узоқ тикилди. Худди умрида биринчи бор гўшт харид қилаётгандай, уёғини ағдариб кўради, буюғини ағдариб кўради. Бу ҳам майли, бир бўлагини қулоқларининг остига олиб келиб, қисирлата бошлади. Гўшт сотувчига қўшилиб, мен ҳам ҳайрон бўлиб қолдим. Чунки, гўшт танлашнинг бундай усулини умримда кўрмаган эдим-да.

Эркин ака бошқа бир бўлакни олиб, уни ҳам бир неча бор қисирлатиб кўрди, «Ё тавба, ё тавба», деди-да Бахтиёрнинг қулоғига бир нима деб шивирлади. Худо ҳақи, мен «шип» деган овознигина эшитдим, холос. Қарасам, Бахтиёр ҳам, қўлимиздаги гўшт ҳам йўқ.

Эркин ака гўшт сотувчининг қулоғига «Укажон, бу ҳаром ўлган эчкининг гўшти-ку» деган экан...

## ТЕНГ ЕГАННИ...

Бир куни Эркин ака Бешқайрағочдан Тахтапулдаги эски ҳовлиларига бормоқчи бўлиб, ўғли билан кўчага чиқибди. Аммо, ўчакишгандай, ҳадеганда такси тўхтайвермабди. Ўша пайтларнинг баҳосида борадиган жойлари тахминан 80 - 100 сўмлик йўл экан. Эркин ака бетоқат бўлиб, охири қўлига учта бели синмаган юзталиқни елпигичдай қилиб ушлабди-да, йўловчи машиналарга қўл кўтарибди. Пул ўлсин, дарров биттаси келиб тўхтабди. Эркин ака юзталиқларни такси ҳайдовчисига намо-йишкорона кўрсатиб:

— Ҳозир хотинбойнинг кўзини шамғалат қилиб, уйдан ўмариб чиқдим. Ўғлим қараб турди, мен шилдим. Илтимос, бизни Тахтапулга ташлаб қўйинг, — дебди.

Учта яп-янги юзталиқ шундоққина бурнининг учида турган ҳайдовчи индамай рози бўлибди. Эркин ака йўл-йўлакай қизиқ-қизиқ ҳангомалардан гапириб, шофер йигитнинг бошини айлантириб ташлабди. Охири у:

— Ака, қаерда ишлайсиз? — деб савол берибди.

Худди шуни кутиб турган Эркин акага жон кириб, дарров жавоб қайтарибди:

— Э, сўраманг, бир расво касбни танлаган эканман, ёшим олтмишдан ошди ҳамки, бирим икки бўлмайди. Ҳар куни бўлмаса ҳам, кунора хотиндан мана шунақа шилиб турамиз, бошқа иложи йўқ.

— Нима иш ўзи? — қизиқсиниб сўрабди ҳайдовчи.

— Айтишга ҳам уяласан, мақолчиман. Мақол йиғаман.

Бундай касбни умрида эшитмаган ҳайдовчи ростмана ҳайрон бўлибди.

— Ҳайрон бўладиган жойи йўқ, — дебди Эркин ака. — Мана, сиз ҳам, ҳойнаҳой, беш-олтита мақол билсангиз керак?

— Ҳа, биламан, — дебди шофёр.

— «Тенг еганни тангри суюбди» деган мақолни эшитганмисиз? — астойдил сўрабди Эркин ака.

— Эшитганман.

— Маъносини биласизми?

— Ҳа энди, бир ўзингни ўйлама, бир нарса топсанг, бошқалар билан бўлишиб е, баҳам кўр, деганидир-да, — дебди шофёр бўш келмай.

Эркин ака хурсанд бўлиб кетибди.

— Ҳа, баракалла, офарин сизга. Баъзи ноинсофлар шу оддий мақолга ҳам амал қилишмайди, беш панжаларини бараварига оғизларига тиқишади... Қарабсизки, мусулмончиликка путур етиб турибди-да...

Бу орада машина Тахтапулга етиб -келибди. Эркин ака таксидан тушар экан, қўлидаги юзталикларни тақсимлай бошлабди:

— Тенг еганни тангри суюбди, биродар, Мен унақа озкўз, ўзим бўлай дейдиган ярамаслардан эмасман. Бугун уч юз сўм топдимми, бошқалар билан албатта бўлишаман. Мана бу юзталик сизга, мана буниси қоровуллик қилиб турган ўғилчамизга, қолган биттаси — менга. Ана мусулмончилик-у, мана мусулмончилик! Лаббай?

Анграйиб қолган ҳайдовчи «ҳа... ҳа...» дейишдан нарига ўтолмабди....

## ЭРКИН СИДДИҚОВ НЕЧТА ОДАМ?

Очерк жанри ҳўб ривожланган етмишинчи йилларни яхши эслайман. Ёш сут соғувчилар, чўлқуварлар, механизатор ёки қурувчилар ҳақида ёзсангиз, газеталарда тўхтовсиз бо-силарди. Очеркка қалам ҳақи бошқа мақолаларга нисба-тан бир мунча кўп тўланарди.

Ўша йиллари поплик ҳамкасбимиз Ортиқали Номозовнинг ёшлар матбуотида ўндан ортиқ очерклари эълон қилинган Уларнинг баъзилари танловларда ғолиб ҳам бўлган.

Бир куни раҳматли дўстимиз Мирзакарим Пирматов Ортиқалини кўриб қолиб, унга яхши бир таклиф айтади:

— Дўстим, очеркларингизни ўқиб боряпман, беш-ўнтаси-ни кўчиртиринг, ёшлар нашриётида тўплам қилиб чиқара-миз. У ердаги оғайнилар билан сизни ўзим таништираман.

Ортиқали хурсанд бўлиб, дарҳол ишга киришади. Қўлёз-мани икки нусха кўчиртириб, Тошкентга келади. Мирзака-рим Маҳмуд мўйловнинг лағмонхонасида уни Эркин Сидди-қов билан таништириб қўяди. Эркин ака Ортиқалига кутил-маганда жуда мулойим муомала қилади:

— Келганингиз яхши бўлди-да, дўстим. Очерк китобла-римиз кам ўзи, раҳбарлар нуқул шеър, ҳикоя чиқаравер-

май, комсомол-ёшлар ҳаётини ҳам ёритинглар, деб танбеҳ беришгани беришган. Худо хоҳласа, тез орада босмахонага туширворамиз. Дарвоқе, ҳажми қанчалар бор?

— Беш листча чиқади, — дейди Ортиқали хурсанд бўлиб.

— Э укажон-ей, китоб деганни ҳар кун и чиқармайсиз-ку, беш лист деганингиз нима бўлади. Яна беш лист қўшинг, ўзим муҳаррирлик қиламан.

Бу гапдан кўнгли тоғдай кўтарилган Ортиқали орадан бир ҳафта ўтгач, кўлёмани қаппайтириб, Мирзакарим билан нашриётга кириб келишади. Аммо Эркин ака нимагадир Ортиқалини танимайди. Бу ҳам майли, Мирзакаримни астойдил койиб кетади:

— Оғайни, дуч келган одамни нашриётга бошлаб келаверасизми? Ким ўзи бу бола, туришини қаранг. Нима, китоб чиқазиш сенларга ўйинчоқ бўлиб қолдими ҳали?..

Ортиқали ҳангу манг бўлиб қолади. Бир ҳафта олдинги гап қаёқдаю бугунгиси қаёқда. Хонадан шўппайиб ташқарига чиқишгач, Мирзакаримга дейди:

— Ака, қўйинг шу китоб чиқаришни, тинчгина очеркимни ёзиб юраверай. Ўзиям ер қилиб юборди-ку. Ғалати одам экан-а?

— Э, сиз парво қилманг, — дейди Мирзакарим, — шунақа ҳазилкашлиги бор. Бир нарсадан хафа бўлиб турган экан шекилли, эрта-индин бошқа келамиз.

Бошқа келишга Ортиқалининг юраги дов бермайди. Аммо орадан уч-тўрт кун ўтгач, лағмонхонада кутилмаганда Эркин акага дуч келиб қолади.

— Э, Ортиқали ука, қаёқларда юрибсиз? — дейди Эркин ака у билан кучоқ очиб кўришар экан, — Китобингизни режага киритиб қўйдик, сиздан бўлса дарак йўқ. Эртага албатта келинг, хўпми?

Бу гапдан кейин шўрлик муаллифнинг кўнглида яна умид чироғи ёнади. Эртасига эрталаб бир ўзи нашриётга, Эркин аканинг хонасига кириб келади. Эркин ака кимнингдир кўлёмасини таҳрир қилиб ўтирган экан, уни кўриб:

— Ҳа ука, кунда-шунда бўлиб қолдингиз, бирор ишингиз борми? — дейди энсаси қотиб. — Бўлса айтинг, кўриб турибсиз, бандман, ҳали замон сизга ўхшаганлардан яна нечтаси келади. Қани, тез-тез гапиринг...

Ортиқали нима дейишини билмай, шартта бурилиб хонадан чиқиб кетади. Қўшни хонага қириб, телефонда Мирзакаримни топади.

— Алло, Мирзакарим ака, бу Эркин Сиддиқов деганлари ўзи битта одамми ё иккитами?

## БИР МИНУТЛИК ГАЗЕТА

Саксонинчи йиллар бошида тилимизга кириб қолган кўплаб ажнабий сўзлар ўрнини ўзбекча муқобили билан алмаштириш роса урф бўлди. Газета-журналларда министрни «нозир», районни «туман», аэропортни «қўналға», факултетни «куллиёт», журнални «ойнома, мажалла», газетани «рўзнома» деб ёзиш бошланди. Касалхоналардан бирида ўзим кўрганам — «перевязочная» деган сўзни «чандиш хонаси» деб ёзиб қўйишибди.

Бир даврада тилимизнинг ёш жонқуярларидан бири шу мавзудан гап бошлаган эди, Эркин ака сўраб қолди:

— Биродар, бир ҳафтада бир марта чиқадиган газетани «ҳафталик» десак, ҳафтасига икки марта чиқадиганини нима деймиз?

Даврадагилардан бири луқма ташлади:

— Шунини ҳам билмайсизми, «нимҳафталик»да.

Эркин ака эътироз билдирди:

— Йўқ, ундай эмас, уч кунлик дейиш керак. Баъзи газеталар бор, сарлавҳаларига уч минутда кўз югуртириб чиқса бўлади, уларни уч минутлик деймиз. Бир минутликлари ҳам бор. Узоқдан кўрсангиз бўлди, мазмунини бемалол айтиб бераверасиз...

Даврада шундай нашрлардан бирининг муҳаррири ҳам бор эди, ўнғайсиз аҳволга тушиб қолди.

## МУАЛЛИФНИНГ ИЛТИМОСИ

Нашриётларимизда навбатсиз китоб чиқариш бўйича катта тажриба орттирган бир муаллифнинг навбатдаги қўлёзмасини таҳрир қилиш Эркин акага топширилган эди. Муаллиф акамиз эрта тонгдан хонага кириб келади-да Эркин аканинг ёнига астойдил жойлашиб ўтириб, сўрайверади:

— Эркинжон, жонинг тасалдуқ, кўриб бўлдингми, қачон топширасан? Ўтган галги китобимнинг ҳарфлари майда бўлиб

қолди, китобхонлар қўнғироқ қилишиб, сал каттароқ ҳарфларда теришса бўлмасмиди, дея ҳоли-жонимга қўйишмаяпти. Босмахонадагиларга ўзинг тайинлаб қўйгин-а, болам.

— Хўб бўлади, — дейди Эркин ака пешонаси тиришиб.

— Сен яхшилаб туширавер, қисқартирма, унча-мунча жойига ўзингдан ҳам озроқ қўш, юпқа бўлиб қолмасин тагин. Тўй қилсанг, уч кило сояки майиз биздан, — дейди муаллиф столни аста муштлаб.

Вақти-соати келиб, китоб нашрдан чиқади, аммо муаллифдан дарак бўлмайди. Эркин ака унинг ғашига тегиш учун уйига телефон қилади.

— Ака, китобингиз чиқди, табриклайман. Илтимосингизни бажариб қўйдим...

У ёқдан «Нима илтимос эди?», деган савол келади.

— Ҳарфини айтаяпман, ҳар биттаси Каттақўрғоннинг сояки майизига иккита келади, — дейди Эркин ака.

## БОЛАСИ БИЛАН...

Тақачи маҳалласидаги чойхонада касбдош ноширлар гурунги қилиб ўтирган эдик. Ошнинг келиши сал ҳаяллагандай бўлди. Бир-икки киши безовталана бошлаган эди, йўқ, хайрият, катта лаганга сузиб олиб киришди. Гўшти, қазиси, беҳиси, саримсоқпиёзи тўғралиб, лаганга бараварига қўл чўздик. Эркин ака ҳаммага эшиттириб, шундай деб қолди:

— Узр оғайнилар, мен ош ейишни гўштдан бошлайман, уйда уйланмаган ўғлим бор. Эшитган бўлсангизлар керак, уйлайдиган ўғли бор одам ҳар гал қўли лаганга борганда, дастлаб ўзи томонга биттадан гўшт юмалатиши керак. Ана ўшанда, ҳар қандоқ жойга совчи юборса, қайтариб юборишмайди.

— Агар иккитадан олса-чи? — сўраб қолди рассомимиз Абдубоқи Фуломов.

— Иккитадан гўшт олса, қиз томоннинг ўзи ташаббус билан чиқади, — деди Эркин ака ва гўштни жуфтлаб ола бошлади. Ишлаб чиқариш бўлимига яқинда ишга келган Рустам исмли йигит кутилмаганда ингичка бўйнини чўзиб, баҳсга аралашди:



— Учтадан олсачи?

Эркин аканинг жаҳли чиққандай бўлди.

— Ҳой бола, эсинг жойидами, учтадан олсанг, совчи юборишнинг ҳам, тўй қилишнинг ҳам ҳожати қолмайди-я. Ўғилни армияга жўнатсанг бас, хотин деганни боласи билан олиб келади...

## СИЗНИ ВА...

Эркин аканинг қув-қитмир, харажат деса қирқ жойига учуқ тошадиган бир оғайниси бор, лақаби Қаттиқхўжа. Асли исми нималигини билмайман, аммо улфатлари таққан бу лақаб ўзига ҳам маъқул шекилли, айтсангиз жаҳли чиқмайди. Тўй-ҳашамларда ажабтовур шумликлар қилиб, ҳаммани кулдириб юради. Адашса — фойдасига адашади, бир нима унадиган жойни зимистонда кўзини юмиб топади.

Эркин ака «дом»ни ҳовлига алмаштириб, Бешқайрағочга кўчиб келганида ўзича етти маҳаллага хат бериб, ҳаммани «ҳовли тўйи»га таклиф қилган ҳам — шу Қаттиқхўжа бўлади. Ўшанда Эркин ака бир кўй, ёшроқ новвос сўйиб, гўштни аранг учма-уч қилган эди.

Баногоҳ, шу оғайнилари ўғил уйлайдиган бўлиб, маслаҳат қилгани Эркин аканинг ишхонасига келиб қолади.

— Қанча гуруч дамламоқчисиз? — сўрайди Эркин ака, бу қитмирга жавоб қайтариш пайти келганидан хурсанд бўлиб.

— Келинингиз билан маслаҳатлашиб, шу 30-40 кило етар, деб турибмиз, — дейди Қаттиқхўжа.

— Ие-ие, нималар деяпсиз? — эътироз билдиради Эркин ака. — Чор атрофга донғи кетган одамсиз. Буёғи Ачавот, буёғи Дўмбирабод, Чилонзору Қўйлиқда номингиз машҳур бўлса, қирқ кило урвоқ ҳам бўлмайди. Кимсан, ўзимизнинг Қаттиқхўжа акамиз тўй бошлабдилар, хизматда бўлайлик, деб одамлар гуррас-гуррас келади, юз кило ҳам етмайди.

— Одамнинг ўтакасини ёрманг-да, — дейди Қаттиқхўжа гапни ҳазилга буриб. — Олдингизга келганим, босмахонага алоқангиз бор, ошга таклифнома керак бўлар экан, бир-икки

қатор шеъри билан тайёрлатиб берсангиз дегандим. Бизда ҳам қолиб кетмас...

— Шу холосми? — дейди Эркин ака енгил тин олиб. — Худо хоҳласа икки кунда ес қиламиз. Пулидан ташвиш тортманг, биздан тўёна. Мана, намуналари ҳам бор. Келин-куёвнинг исмини ўзгартирсак, тўйхона манзилени ёзсак, тагига Қаттиқхўжа, деб номингизни чиройли ҳарфларда териб қўйсак бўлди-да.

Қаттиқхўжа намуна таклифномаларни бирин-кетин ўқий бошлади: «Сизни ва оила аъзоларингизни...» Ҳаммасида шундай.

— Эркинжон, шу дейман «...оила аъзоларингизни» дегани ортиқча-да, шу жойини олиб ташласа бўлмайдами? — дейди.

— Бўлади, — дейди Эркин ака, — сазангиз ўлмасин, «оила аъзоларингизни» деган жойини бироз таҳрир қиворамиз...

Тўй куни Қаттиқхўжа мундоқ қараса, одамлар маҳалла-маҳалла, «дом-дом» бўлиб, гуррас-гуррас ошга келишяпти. Бу келишда ҳа-ҳу демай қозоннинг таги кўринади. Ичидан зил кетиб, ёнида турган оғайнисидан сўрайди:

— Одамларга бир бало бўлганми, бутун маҳалла худди ош кўрмагандай ёпирилиб келишяпти-ку?

— Таклифномада шундоқ деб ёзилган-да, — дейди оғайниси кулиб.

Қаттиқхўжа шоша-пиша таклифномани олиб ўқиб кўрса, Эркин ака «Сизни ва оила аъзоларингизни» деган жойини «Сизни ва маҳаллангиз жамоасини...» деб ўзгартирган экан.

Шум улфатлар қўшни ҳовлида ҳар эҳтимолга қарши ўттиз кило ош дамлатиб қўйишмаганда борми...

## ШОГИРД

Бир даврада Эркин ака, мен, яна уч-тўрт киши яйрашиб ўтирган эдик. Бир пайт қаёқдандир бир йигит пайдо бўлдию «Э, бормисиз устоз, сизни ҳам кўрадиган кун бор экан-а», деб Эркин акани астойдил бағрига босиб кўриша кетди. Меҳмонни сўрига таклиф қилдик. Ош сузилди.

Меҳмон дастлаб соқийликни қўлга олди. Пиёлаларга тўлдириб-тўлдириб қуйиб, тантанавор оҳангда деди:

— Муҳтарам жамоа! Мана мен, оддий бир ялангоёқ, дуч келган кўчани чангитиб юрган калтажун бир пўстак, ким эдиму ким бўлдим? Мана шу устозим туфайли одам бўлдим, йўлимни топдим. Чўнтагимга пул, кулбамга хотин тушди. Худога шукур, бировдан кам эмасман, тўртта улфатга бир чўқим ош қилиб бериш қўлимдан келади. Устозим сўй десалар, оёқларининг тагига қора кўчқор сўяман. Қани, шу улуг устоз учун олайлик.

Олдик. Шогирд иккинчи қадаҳдан кейин янада очилди:

— Мен ким, бир пандавақи, текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрадиган бир шилқим-хархаша эдим, азонлаб кўчага кўндаланг турмасам, кўнглим жойига тушмасди. Мана шу улуг устоз менга йўл кўрсатдилар, оғзимга туфлаб дуо қилдилар. Кам бўлмадим. Яшанг устоз, умрингиздан барака топинг, келинг, бағримга бир босай...

Тўртинчи қадаҳдан кейин шогирд айниди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқа бошлади. Ҳали яримламаган ошни гупчакдай-гупчакдай қилиб зўрлаб ошатишга бошлаган эди, мен аста Эркин акага шипшидим:

— Зап шогирдингиз бор экан. Шу дейман ўшанда оғзига сал ўйлаброқ туфласангиз бўлармиди...

— Фалокат оёқ остида тураркан, — деди Эркин ака худди шу саволимни кутиб тургандай. — Аслида башарасига туфлаган эдим, оғзига ҳам озроқ сачраган шекилли-да.

## ЎЗИМНИКИ ҚАЧОН ЧИҚАДИ?

Бир куни Эркин ака анча кеч бўлишига қарамай, уйга телефон қилиб, аста гап бошлади:

— Минг бор узр. Йўқ демасангиз, эртага ишхонангизга бир киши боради. Тақачилик яқин дўстларимиздан, аввалги ўтиришда ўзингиз ҳам кўргансиз. Шеърлар машқ қилиб туради. Ўтган йили, ё ундан аввалмиди, биттаси қайсидир газетада чиққан. Уч-тўртта машқларидан олиб борса, кўриб берарсиз.

Хўб дедим, аммо қайси ўтиришдаги қайси одам ҳақида гап кетаётганини англай олмадим.

Эртасига эрталаб наҳорги ошдан чиқиб, тўғри редакци-яга келсам, савлатли бир киши мени кутиб ўтирибди. Қўлтиғида

бир папка шеър. Анча аввал битилганми, айрим варақлардаги ёзувлар ўқиб бўлмас даражага келган. «Ташлаб кетаверинг, бамайлихотир ўқиб чиқамиз», десам кўнмади. Мажбур бўлиб, ҳаммасини бир бошдан кўриб чиқдик. Афсуски, пичоққа соп бўладигани учрамади. Нима дейишни билмай туриб қолдим. Одам дегани кўзингга бақрайиб тикилиб турса, гапингни йўқотиб кўяр экансан. Охири:

— Ака, шеърларингиз, ҳар ҳолда ёмон эмас, аммо газетада чиқариш учун ҳали кўп ишлаш керак, — дегандай бўлдим аранг.

— Эркин ака билан қадрдонлигингизни биладан, шунинг учун ҳам олдингизга келдим, бир амаллаб ҳеч бўлмаса биттасини чиқариб берсангиз дедим-да, — деди бақрайганча.

Йўқ дея олмай, уч-тўрттасини олиб қолдим.

— Қачон хабар олсам бўлади? — деди шоир акамиз сал тетиклашиб.

— Озроқ сабр қилиб турасиз. Шеър жуда кўп. Ҳаракат қиламиз, — дедим бошқа гап топа олмай.

Орадан икки кун ўтиб кўнғироқ бўлди:

— Ука, ҳар куни яхши ниятда бир дастадан газет сотиб оламан, биззи шеър чиқай деб қолдимми?

— Ҳа, худо хохласа, чиқади, бироз сабр қиласиз-да.

Яна уч кун ўтиб, эшикдан ўзи кириб келди.

— Кутган ёмон экан, укаxon, маҳалладагиларга айтиб қўйган эдим, эрталабдан газит дўконга ўчир туришади, тезлаш-тирмасангиз бўлмайди. Эркин жўрамиз ҳам бир хурсанд бўлардилар-да.

— Ака, — дейман асабларим ўйнаб, — газетамиз ҳафтасига бир марта чиқади. Ташлаб кетганингизга энди беш кун бўлди. Жуда шошириб юбордингиз-ку.

— Ҳа, майли-майли, ишқилиб шу жумадан қолиб кетмаса бўлди.

Илож қолмади. Бўлимда деярли қайтадан ёзиб, охири саҳифага қўйвордик. Эрталаб ишга келсам, шоир акахонимиз кираверишда мени кутиб турибди. Қўлида газета. Мохорка чекадиган кашандаларга ўхшаб буклаб олган. Раҳмат айтгани овора бўлиб келибди-да, деб ўйладим. Қаёқда дейсиз.

— Укаxon, — деди у мени кўриб ғалати бир оҳангда, — мана бу ерда битта шеър чиқибди. Сарлавҳаси меники,

тагидаги исм ҳам меники, аммо шеър бошқа. Адашдингларми, деб сўрагани келувдим.

— Шу шеър сизнинг шеърингиз, табриклаймиз. Мана, ваъдамизнинг устидан чиқдик. Биздан Эркин акага дуо айтинг.

— Шошманг, шошманг, бу шеър меники бўлса, мен ташлаб кетган шеърдан бор-йўғи уч-тўртта сўз қолибди холоску. Буниси қандоқ бўлди?

— Ҳа, шундоқ бўлиб қолди, — дедим аранг, бошқаси ярамади. Бошқа ёзишга тўғри келди.

— Э, шундоқ демайсизми, — хурсанд бўлиб кетди шоир акахонимиз. — Демак, бу шеър бошқа! Ундай бўлса, ўзиники қачон чиқади?...

## ҚОҒОЗИ ЯХШИ, АММО...

Эркин ака билан хонада қўлёзма ўқиб ўтирган эдик, ҳар икки куннинг бирида нашриётга келиб, муҳаррирларнинг бошини қотирадиган «жўқий» муаллифларимиздан бири, қўлида бир папка шеър, очерк ва мақолалари билан «Ассалому алайкум» дея кириб келди. Бундан атиги уч кун аввал ҳам келиб, ўзининг айтиши бўйича, кеча кечаси ёзиб тугатган ҳужжатли қиссасининг қўлёзмасини ташлаб кетганди. Иш кўплигидан уни варақлаб чиқишга ҳам улгурмагандик.

— Мана, янги шеърларимдан олиб келдим, Умар Ҳайёмга ҳавас қилиб, беш юзта рубоий, уч юзта тўртлик ёздим. Мабодо керак бўлиб қолса деб, туман газетасида босилган очеркларимни ҳам ола келдим. Бир кўрасизлар-да, акалар, — деди у умидворлик билан.

Эркин аканинг пешонаси тиришди, сабаби нашриёт раҳбарлари тавсиясига кўра шу муаллифнинг ижод намуналаридан умумий тўпламга киритишни режалаштирган эдик. Ҳар икки кунда бир папкадан қўлёзма олиб келади, аммо уларнинг ичидан битта ҳам яроқлиси чиқмайди.

— Домлажон, — деди Эркин ака ҳазин бир оҳангда, — худо хайрингизни берсин, бизга раҳмингиз келсин, бошқа ҳамма ишларни йиғиштириб, уйга ҳам бормаи қўлёзмаларин-

гизни ўқиб ётибмиз. Аммо ҳалигача маъқул бўладиганини топа олганимиз йўқ.

— Майли, майли, — деди муаллиф хотиржамлик билан, — булари ёқмаса бошқасини олиб келаман, уйда ҳали кўп.

— Ундай бўлса мана бу ўтмаганларини олиб кетинг-да, биродар, шкафлар тўлиб кетиб, қўйишга жой топа олмаял-миз, — кесатгандай бўлди Эркин ака. Шу пайтгача инда-май ўтирган эдим, гапга аралашгим келди.

— Овора бўлиб кўтариб юрадиларми, яхшиси макулату-рага топшира қолайлик, — деган таклиф киритдим. Эркин ака дарҳол жавоб қайтарди:

— Э, йўқ, ўтган ҳафта икки қоп қилиб олиб борсак, уёқ-буёғини титкилаб кўришди-да олишмади. Изза бўлиб қай-тариб олиб келдик.

Бу гап муаллифга ҳам қизиқ туюлди шекилли:

— Ие, нега олишмайди, сифатли оқ қоғозга босилган бўлса, — дея ҳайрон бўлиб сўради. Эркин ака суҳбатга нуқта қўйди:

— Макулатурачилар ҳам жа ўзларидан кетишибди. «Қо-ғози ёмон эмас, аммо шеърларига чидаб бўлмайди» дейишяп-ти, ярамаслар...

## ИККИ ЯРИМ ЙИЛГАЧА ХАЙР...

Бошқа нашриётларни айта олмайман, аммо «Ёш гвардия»-да ишлашнинг ўзига хос кун тартиби бор эди. Эрталаб, ишга биринчи келган киши, албатта чой қўйиши керак. Бир-икки пиёладан мириқиб ичилгач, муаллифларнинг қўлёз-малари билан ишлаш бошланади. Соат ўн иккиларга яқин-лашганида қўшни хонадагилар чиқишади. Муаммо битта — тушликни қаерга қилиш масаласини ҳал қилиш керак. Бор-дию сомса ейдиганлар кўпчиликни ташкил қилса, бирорта чаққонроқ йигитларни олдиндан ўчирга қўймаса бўлмайди. Лағмон ейиладиган бўлса ҳам шундай қилинади. Баъзан Эркин ака Миробидов ёки Ҳамид Жалоловнинг кўнгли «думба-жигар», яъниким ўша пайтлари бағоят машҳур бўлган тўрт тийинлик пирожка тусаб қолади. Бошқалар қаршилиқ қилишмаса, пастта тушиб ўтирмай, хонанинг ўзида овқатла-

на қоламиз. Бир гал мен, бошқа бир гал Саидғани Сайдо-  
лимов хизматда бўламиз.

Пирожкахўрлик тугагач, шахмат мусобақаси бошланади.  
Ўтган кунги олишувда қаттиқ эзилганлар рақибларидан ўч  
олиш мақсадида астойдил жангга киришадилар. Мусобақа  
то директоримиз тушликдан қайтгунларича давом этади.

Эркин ака шахматга унча қизиқмайди, томоша қилиб  
туришни, ютқазаетган томоннинг асабига тегадиган луқма-  
лар ташлашни ёқтиради. Шу боис, баъзи ўйинлар охирига  
етмайди, жанжал бошланиб кетади.

Бир куни китоби нашриёт режасига кирган, аммо қўлэз-  
маси муҳокамадан ўтмаган бир муаллиф келиб қолиб, шах-  
мат ўйинига киришиб кетди. Устма-уст уч марта ютқизди.  
Асаби таранглашиб турган эди, Эркин ака оловга керосин  
пуркади:

— Ука, аввал ҳам шахмат ўйнаганмисиз?

Муаллифнинг жон-пони чиқиб кетди. «Мени ким деб  
ўйлаяпсиз, фалон-фалончиларни эзиб юрган одамман. Раз-  
рядим бор. Хоҳласангиз, сизни ҳам... эзиб қўйишим мумкин.  
Ўйнайсизми?», деди жаҳл устида.

— Ўйнайман, — деди Эркин ака босиқлик билан, —  
менинг разрядим йўқ, аммо битта арзимас шартим бор.

— Қанақа шарт? — ҳайрон бўлди муаллиф.

— Ютқизиб қўйсам, беш йилгача қўлимга шахмат ушла-  
май, эртадан кечгача қўлэзма таҳрир қиламан. Мабодо  
ютиб олсам, беш йилгача нашриётга келмай турасиз. Омон-  
эсон пенсияга чиқиб олай, ана ундан кейин бемалол...

Эркин ака шундай дея тахта устига шахмат доналарини  
шахдам тера бошлади. Ўйин бошланди. Бир зумда хонага  
одам тўлди. Униси уни юр, буниси буниси юр, деб тургандан  
кейин нима ҳам бўларди. Орадан ярим соат ўтиб ҳар икки  
томон ҳам дурангга рози бўлишди.

— Ҳўш, — деди муаллиф Эркин акага қараб, —  
шартингиз нима бўлди?

— Икки ярим йилгача хайр, — деди Эркин ака ва  
ўрнидан даст туриб ташқарига чиқиб кетди.

## «ЖАБАЛАПА»

Нашриётда йилига бир-икки марта мукофот пули ҳам олиб турар эдик. Бундай пайтлари Эркин аканинг сахийлиги тутиб, бизларга тушликда лағмон ёки сомса олиб берар, баъзан бошқаларни аралаштирмай, иккаламиз собиқ «Тошкент» меҳмонхонасининг олтинчи қаватига кўтарилиб, бир-биримизга зиёфат берар эдик.

Шундай зиёфатлардан бирида сафимизга нотаниш бир йигит келиб қўшилди. Иккаламиз билан ҳам қирқ йиллик қадрдондай кучоқлашиб кўришди. «Э акахонлар, сизларни ҳам кўрадиган кун бор экан-ку, дея гоҳ Эркин акани, гоҳ мени бағрига босади, суюнганидан кўзларига ёш олади. Бу ҳам майли, официантни чақириб, қовурилган жўжа, бедана, ичкилик буюради. Ароқни стаканларга тўлдириб-тўлдириб қуяди. Э, охири бахайр бўлсин-да, дея бир-биримизга қараб турибмиз, чунки чўнтагимиз бақувват эмас. Янги танишимиз бўлса овқатни паққос тушириб ётибди.

Эркин ака аввалига ҳазил-ҳузул қилиб бемалол ўтираверди, аммо меҳмон йигит қўшни столда ўтириб, биз томонга ишвали қараётган ширакайф аёлларга бизнинг номимиздан бир шиша коньяк, бир шиша шампан виноси, шоколад совға қилган эди, бирдан ҳушёр тортди.

— Дўстим, — деди у меҳмон йигит томонга аста энгашиб, — сиз ҳадеб овора бўлаверманг, овқат топилади, аммо дўст топилмайди. Аҳмаджон билан гаплашиб туринглар, мен бориб антиқа бир таом буюраман, мазза қилиб еймиз, ана ундан кейин бизникида бир кеча меҳмон бўласиз...

Бу гап меҳмон йигитга маъқул келди. Эркин ака ўрнидан туриб, аввал бизга хизмат қилаётган официант аёл билан бир нималарни гаплашди, жаҳли чиқиб, бироз тортишгандай ҳам бўлди, сўнг ошхона томонга ўтиб кетди. Орадан беш-ўн дақиқа ўтгач, хотиржам бўлиб қайтиб келди ва меҳмон йигитга деди:

— Э биродар, ўзиям қайнанаси суйган йигитлардан экансиз, зўр таом буюриб келдим. Бир мазза қилайлик. Анави бемаза официант бўлса «Жабалапа» тамом бўлди, дейди-я. Тўппа-тўғри ресторан бошлиғининг олдига кирдим, илтимос қилдим. Олдига бир пачка пулни поп этиб ташладим. Ўзиям



«Хўб бўлади, ака» деворганини билмай қолди. Қани, овқат келгунча элликтадан олиб турайлик...

Меҳмон бундай номли таомни эшитмаган экан, қизиқиб сўраб қолди:

— Ака, «Жабалапа» дегани нима ўзи?

— Французларнинг таоми, — бамайлихотир жавоб берди Эркин ака, — бизда энди-энди урф бўлаяпти, Парижда бўлса, истаган пайтингда ейсан. Бир ой яшаб роса тўйдим. Озроқ ҳиди бор, аммо жоннинг роҳати. Э, юрган эканмиз-да паловхонтўрага маҳлиё бўлиб.

Меҳмон бирдан ҳушёр тортди.

— Ака, бу таомингиз яна, ҳалиги... қурбақанинг гўшти эмасми?

— Ие, биласиз экан-да, — хурсанд бўлиб кетди Эркин ака, — гўшти эмас, сон гўшти денг. Ўзим кўзим билан кўриб, ёғлисидан танладим. Эҳ, бир мазза қиладиган бўлдик-да.

Меҳмоннинг рангги қув оқариб кетди. Ёнини кавлаб, бир сиқим пулни официант аёлнинг қўлига тутқазди-ю, биз билан хайр-хўшлашмай ҳам жуфтакни ростлаб қолди...

## НОС ЎРАШГА...

Бир куни Эркин ака билан Эски Жўвадаги китоб магазинга кирдик. Мен болаларбоп бир-иккита рангли китоб сотиб олдим. Эркин ака бўлса пештахтага қўйилган ҳар битта китобнинг нарҳини эринмай сўраб чиқди, аммо ҳеч нима олмади. Сотувчи йигит охири «Ака, қанақа китоб олмоқчисиз ўзи?», деб сўрашга мажбур бўлди. Эркин ака унинг қулоғига паст овозда шивирлади:

— Носпурушман, нос ўрашга эскироқ, арзонроқ китоб керак эди. Иложи бўлса, шунақасидан бир-иккита топиб беринг...

Сотувчи йигит аввалига ҳайрон бўлиб туриб қолди. Аммо Эркин аканинг юзидаги жиддийликни кўриб, пештахта тагига энди эгилган эди, магазинга кириб келган бир йигит дабурустан:

— Э, Эркин ака, соғ-саломат юрибсизми, ошна-оғайнилар тинчми, нашриётлар гуллаб ётибдими, — дея сўраша кетди. Сиримиз фош бўлди. Сотувчи йигит бизларни таниб

қолиб, пештахтанинг бир четида турган битта китобни олиб Эркин аканинг кўлига тутқазди ва қувноқлик билан деди:

— Эркин ака, нос ўрашга мана шу китоб жуда ҳам мосда, олинг, қиммат эмас.

Китобга қараб шарақлаб кулиб юбордим. Негаки, сотувчи йигит Эркин аканинг ўзи тўплаб яқинда нашр эттирган «Денгиздан томчилар» сарлавҳали мақоллар тўпламини берган экан.

Эркин ака шунда ҳам бўш келмади. «Нос кўп, битта китоб етмаса керак», деди-да ўзининг китобидан роппа-роса ўн дона харид қилди.

### ҚИРҚ ЙИЛДАН БЕРИ...

Бир куни нашриёт раҳбарлари «Ҳамма учга тўрт ҳажмда иккитадан сурат олиб келсин, ҳужжатларни янгилаймиз», деб қолишди. Касаба уюшмамиз вакили, одатига кўра, «Бу ишни уюшқоқлик билан бошлайлик, йўқса суратларни бир ойда ҳам тўплай олмаймиз», деди-да, пастдан ёш бир сураткаш болани гаплашиб чиқди. Аввал аёллар, сўнг эркеклар узун-қисқа бўлиб расмга туша бошладик.

Эркин аканинг сурат олдиришга сира тоби йўқ эди. Уч-тўрттамиз «Ҳужжатиңизни янгиламасангиз, ишхонага ҳам, босмахонага ҳам киритишмайди», деб қистовга олганимиздан сўнг, ноилож тарвақайлаб кетган оқ-кўкиш жингалак сочларини тарай бошлади. Суратчи йигит, бу ҳунарни яқинда бошлаган экан, «жингалак соч ака»ни суратга туширгунча бўлари бўлди. Дастлаб, эътибор қилмай қолибмиз, Эркин ака бошларида қорақалпоқча «папах» билан тушибди. Кимдир:

— Ҳой, бу нимаси, ҳужжатга бошланг тушади-ку, — деб қолди. Анча тортишувдан кейин Эркин ака қайта расмга тушадиган бўлди. Аммо шунақа ҳўмрайиб, кўзларини лўқ қилиб ўтирдик, бундай ҳолатда олинган расмни биров кўрса, шайтонлаб қолиши ҳеч гап эмасди. Суратчи бола «Бўлинг тезроқ, бошқа ишхонада ҳам мени кутиб туришибди», дея илтимос қилади, аммо Эркин ака «Хоҳласанг мана шундоқ оласан, тиржайиб тура олмайман», деб қайсарлик қилиб, бола бечорани қийнаб юборди. Сал илжайиб туриш-

га бир амаллаб кўндирдик. Фақат... эртасига расмни кўрсак — нақд масхарабознинг ўзгинаси. Бир кўз юмуқ, ўнг қулоқнинг орқасидан бир тутам соч бўй бериб турибди. Бунақа расво расмни ҳужжатга ёпиштириб бўлармиди.

Яна қайтадан тушишга тўғри келди. Суратчи бола пастга тушиб, устозини бошлаб келди. Икковлашиб ишни бир пастда битиришди. Икки кундан кейин суратларни олиб келишганди, хайрият, бу гал чидаса бўладиган даражада чиқибди. Танимаган одам Эркин акани Шевернадзенинг бирор бир қариндоши деб ўйлаши мумкин.

Суратнинг пулини тўлаётиб, Эркин ака сураткаш болага писанда қилди:

— Сен бола дуруст бола эмас экансан, қара, мендек отанг тенги одамнинг суратини расво чиқариб ўтирибсан. Уялмайсанми? Яхшилаб, сиппа-силлиқ қилиб чиқарсанг бўлмай-дими?

Сураткаш бу гапнинг маъносини тушунмай, жиддий жавоб қайтарди:

— Юзингиз фотогеничний бўлмаса мен нима қилай...

Эркин ака бу сўзни авваллари эшитмаганми, жаҳли чиқиб кетди:

— Сен бола, нималар деяпсан ўзи, қирқ йилдан бери шу жойда ишлайман, қирқ йилдан бери энг расво, ўқиш уёқда турсин, қўлга олиб бўлмадиган қўлёмани ҳам одам қиламан, билдингми. Баъзи муаллифлар уялмай-нетмай бошқа бировларнинг китобларидан кўчирмакашлик қилишганида ҳам, гинг демаганмиз, эпақага келтирганмиз. Сен бўлсанг, таппа-тайёр натуранинг расвосини чиқариб ўтирибсан-а...

## НОСҚОВОҚ

Саксонинчи йилларнинг ўрталарига келиб катта-кичик давраларда баъзи мулоҳазалар аввалгига нисбатан сал очиқроқ айтила бошланди. Бир ўтиришда кимдир ҳозирги Амир Темур хиёбони чеккасига ўрнатилган, ҳар ўн беш дақиқада жаранглаб овоз бериб турадиган соат, аслида, немисларники экан, ошкоралик бўлди, энди қайтаринглар деб қолишса-я, — дегандай хавотирли гап қилган эди, Эркин ака дарҳол жавоб қайтарди:

— Ўша немислар келиб менга учрашсин. Битта қариндошимиз урушда ўлган. Ёнида фил суюгидан ишланган чиройли носқовоғи бўлган. Айтишларича, қариндошимиз уни урушдан олдин Эски Жўва бозорида бир ҳинд савдогаридан сотиб олган экан. Ўша носқовоқни топиб, биз меросхўрларга қайтаришсин, ана ундан кейин соат масаласини бемалол гаплашаверамиз...

## ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС...

Қайси вилоятга борманг, тўртта ижодкорнинг боши қовушди дегунча, Эркин акадан гап очилади, «Э, анави жингалак соч, кўзойнакли кишими, зап қилиқлари бор-да», деб мириқиб кулишади.

Бир гал бухоролик шоир йигитлардан бири нашриётга топширган қўлёмасидан хабар олгани Тошкентга келиб, Эркин аканинг уйида уч-тўрт кун туриб қолибди. Эркин ака: «Сиз бемалол қайтаверинг, режага кирса, ўзим хабар қиламан», деса ҳам кўнмай: «Босмахонага тушишдан олдин ўзим бир ўқиб берсам яхши бўларди-да», деб туриб олибди.

Бир куни Эркин ака ишдан кейин мени уйига таклиф қилиб қолди.

Ҳовли юзидаги темир каравотда уч киши шалдир-шулдир гаплардан гаплашиб, бир-биримизга навбат бермай ўтирибмиз. Чоғроқ лагандаги нонбостини бир пасда туширдик. Энди бир пиёладан чой ичган ҳам эдикки, Эркин аканинг кенжа ўғиллари ҳар биримизнинг қўлимизга бир варақдан қоғоз тутқазиб кетди. Нима экан, деб ўқидиму ҳанг-манг бўлиб қолдим. Босмахонада бинойидеккина қилиб тайёрланган бланка тепасига «Ҳисоб-китоб варақаси» деб сарлавҳа қўйилибди. «Ф.И.О» деган жойига исм-фамилиям қўлда батхатроқ қилиб ёзилган. Ўша кунги число қўйилган. Кейинги графада рақамлар: Гўшт — 280 сўм. Ёғ, чой, нон ва бошқалар — 180 сўм. Ичкилик — 560 сўм. Бошқа харажатлар — 150 сўм. Жами — 1170 сўм.

Ҳеч нарсага тушунмай, бошимни аста кўтарсам, меҳмон қўлидаги қоғозга тикилганча кўзлари жовдираб турибди: жами — 28 минг 690 сўм. Эркин ака бўлса «Жуда инсофдан чиқиб кетишди-да», дея тоқчадаги эски чўтни олиб,

ўзининг харажатларини қайтадан ҳисоблаб ўтирибди. Бироздан кейин меҳмон иккимизга қараб узр сўрагандек бўлди.

— Хафа бўлмайсизлар... Уч ойдан бери уйда аҳвол шу. Ёшимиз бир жойга борганда орамиздан оламушук ўтиб, хотин акам билан қозон-товоқни ажратиб олганмиз. Бунинг устига бозорнинг кўтарилганини айтмайсизми. Маошнинг аҳволи бўлса маълум. Ўтган ой бир ҳафталик овқат пулини вақтида тўлолмаган эдим, мана оқибати, эллик фоиз жаримаси билан ёзишибди, ноинсофлар.

Эркин аканинг дарди ичида экан, кўзлари ёшланди. Чуқур хўрсиниб, меҳмондан сигарета сўради.

— Гап шу ерда қолсин, қулоққа хунук эшитилади, — давом этди ҳазин бир овозда. — Счетни ташлаб кетаверинглар, ўзим бир амаллаб тўлаб қўяман. Мана, помидор ҳам қизарай деб қолди. Тўрт жўяги меники, бозорга олиб чиқсам, бир даста пул бўлади. Ҳали шу чоққача бирорта меҳмонга пул тўлатганим йўқ. Бу сафаргиси анча кўп, аммо амалласа бўлади.

Эркин аканинг айтишича, меҳмон этасига эрталаб, тухумли қовурдоққа ҳам қарамай жўнаб қолибди...

## КўП ЯХШИ БЎЛДИ-ДА

Эркин ака кенжа қизларини узатганларида нашриёт раҳбарлари «Э, муборак бўлсин, нима камчилик бўлса, тортинмай айтаверинг, ҳаммасини тўғрилаб берамиз, қамишдан бел боғлаб ёнингизда турамиз» дейишадию тўйга битгалари ҳам келишмайди. Тўйдан кейин узр-маъзур айтишади:

— Эркинжон, хафа бўлмайсиз-да энди, қаранг, насиб қилмаган экан-да. Ўша куни мажлис чўзилиб...

— Ҳечқиси йўқ, — дейди Эркин ака бошини сарак-сарак қилиб, — яхшиямки мажлиснинг чўзилгани. Ҳаммамизни худо бир асради.

— Ҳай-ҳай, тинчликми ўзи? — ҳайрон бўлиб сўрашади раҳбарлар.

Эркин ака хурсанд бўлиб жавоб қайтаради:

— Одам кўпайиб кетди. Ичкилик, биринчи-иккинчи овқатимиз аранг учма-уч бўлди. Сизлар борганларингизда, овқат етмай, роса шарманда бўлардим-да. Яхшиямки, мажлис чўзилиб... Э, мажлисни ўйлаб топганларга офарин-е!

## ЎЛГУНЧА ЭМАС, ТҶЙГУНЧА...

Ёшлар нашриётида ишлаб юрган кезларимиз ўзаро баҳслашиш одати хўб авж олган эди. Бир киши фалон нарса фалондай деса, иккинчиси йўғ-е, писмадондай деб, бир пасда тортишиб қолишар, ўртага уч-тўртта ҳайбаракаллачи тушиб, кичикроқ зиёфат ундириларди. Ўртадагиларга ким ютиб, ким ютқизишининг мутлақо фарқи бўлмасди, нима бўлганда ҳам улар зиёфатга шерик эдилар-да.

Шундай баҳслардан бирида Эркин аканинг қўли баланд келди. Умрида ютқазмаган Абдуворис ака (ёшлар матбуотида узоқ йиллар ишлаган бу устозимизни кўплар Апсапий деб чақирар, бу ном у кишининг ўзига ҳам маъқул эди) ютқаздилар. Шарти — Эски Жўвада энди-энди урф бўлаётган хонаки кабобдан тўйгунча олиб бериш. Зиёфат иштирокчилари — ўзаро баҳслашган икки киши, мен ва умумий улфатимиз Аъзамжон ака.

Ўзаро келишувга мувофиқ, шанба куни эрталаб соат олтида кабобхонага айлантирилган чоққина ҳовли эшиги олдида учрашадиган бўлдик. Абдуворис ака «Бир дақиқа кеч қолган киши ўз ҳисобидан кабоб ейди» деб йиғилиш шартини анча оғирлаштирди.

Кечаси деярли ухламай (бунақа текин зиёфат яна қачон бўлади-ю), ўн минути кам олтида белгиланган жойга борсам, мендан бошқа ҳамма аллақачон етиб келиб, кабобхона эшигининг очилишини кутиб туришган экан. Ичкарига кириб, сизга тортилган кабобларнинг қўрага терилишини томоша қилиб ўтирдик.

Ниҳоят, зиёфат бошланди. Эркин ака кабобпазга «Укажон, саккизта-саккизта қўяверасиз, совутмай иссиқ-иссиқ тушираверамиз», деб қаттиқ тайинлади. Абдуворис ака, аввалига «Нима, есаларинг олтидан кабоб ейсизлар-да, кўпи эрталабда ошқозонга оғирлик қилади», деб бамайлихотир ўтираверди. Аммо, кабоб текин бўлгандан кейин, одамнинг иштаҳаси бошқача очилиб кетар экан. Аъзамжон ака саккизта еб, бас қилди. Мен у кишини бироз ортда қолдирдим. Эркин ака нақд ўн олтитасини тинчитди. Пулини тўлаши керак бўлган устозимизнинг ўзи тўртта билан кифояланиб, «майли-майли, енглар, ош бўлсин», дея чой қуйиб ўтираверди.

Аммо Эркин ака кабобпазга «Ҳой ука, яна саккизта қўйвор» деганида росмана жаҳли чиқиб кетди.

— Эркин, — деди бошқа кабобхўрлар эшитиб қолмасин дея паст овозда, — шартимиз нима эди ўзи?

Эркин ака дарҳол жавоб қайтарди:

— Тўйгунча кабоб...

— Ҳа, баракалла, тўйгунча! Ўлгунча эмас!

Абдуворис ака бу гапни шунақа оҳангда айтдики, дастурхонга фотиҳа ўқишдан бошқа чорамиз қолмади.

## МИРОБИДОВ ШУНДАЙ ДЕЙДИ...

Маҳмуд мўйловнинг лағмонхонасида тушлик баҳона кўплаб ижодкорлар йиғилишиб, лағмонхўрлик жиддий гурунгларга айланиб кетар эди. Таниқли ёзувчилар, санъаткорлар шу ерда овқатланишар, аслида эса, улар учун овқатланишдан кўра ўзаро мулоқот, ҳазил-ҳузул гаплар муҳим эди. Шахсан менинг ўзим етмишинчи йилларнинг ўрталарида жуда кўп устоз ёзувчиларни, ҳозирги Миллий академик театримизнинг таниқли санъаткорларини биринчи бор шу ерда кўрганман. Адабиётшунос олим Тўхтасин Жалолов: «Менинг бу ҳаётда эришган энг катта ютуғим шуки, Маҳмуд мўйловнинг қудаси Фотима опа менга лағмонни ўчирсиз беради», дегучи эди. Беназир санъаткор Қудрат Хўжаев: «Таомни, айниқса чойни бироз совутиб ичган маъқул», деган фикрни такрор-такрор уқдирардилар. У кишининг овқатланиши ҳам, ҳеч муболагасиз, катта санъат эди. Моҳир таржимон Эркин ака Миробидов бўлса, биз ёш лағмонхўрларга: «Ҳамирини узмай енглар, ана ўшанда маза қиласизлар» дея насиҳат қилиб, овқатланишнинг бу ноёб усулини амалда намойишлаб берарди. Нашриёт корректура бўлимининг бошлиғи Саидғани бўлса, устозларга чой ташишнинг ҳадисини хўб олган эди-да.

Бир куни лағмонга қачон тушган маъқуллигини муҳокама қилиб турган эдик, муҳаррирлар ўтирадиган хонага кутилмаганда нашриёт директори Абдулазиз Ваҳобов кириб қолди. Ўша кунлари қўлёмаларни босмахонага топшириш режаси бажарилмай, йиллик мукофот пулимизнинг тақдири

қил устида турган эди. Эркин ака директорни пайқамай, мавзуни давом эттираверди:

— Лағмоннинг гули соат ўн бир яримда бўлади-да. Хамири роса етилади, шўрваси тобига келади, сув аралашмайди. Тушликка бориб ҳаммаси айниydi. Лағмон эмоқчи бўлган одам...

— Ие, Эркинжон, бундан чиқди, сиз ишни ташлаб, соат ўн бирдаёқ лағмонхонада бўлар экансиз-да, — деб қолди Абдулазиз ака жиддий қиёфада. — Режа бажарилмаётганининг сабаби мана, қаерда! Давлатнинг иши сизга ўйинчоқми?

Эркин ака шошиб қолмай, дарҳол жавоб қайтарди:

— Ҳзим тушиб кўрмаганман, ўлай агар... Миробидов шундай дейди...

## ҚАЛТИС САВОЛ

Нашриётда кунда, кунора бир ҳангома бўлиб турарди. Китоби нашр режасига кирган муаллиф хурсанд, кирмагани хафа, тиражи «двойной» бўлиб, қалам ҳақи дурустроқ чиққани — чойхонада ош дамлайди, камроқ бўлиб қолгани — димоқ-фироқ қилади. Бунинг устига, баъзи муаллифлар нашриёт муҳаррирларининг таҳрирлари билан келишмас, орачира даҳанаки «жанг»лар ҳам бўлиб турарди.

Шундай «жанг»лардан бирига гувоҳ бўлганман. Воқеа Эркин ака ижтимоий мавзуда ёзилган бир қўлёзмани ўқиб, ҳафсаласи пир бўлишидан бошланди. Жаҳли чиқиб менга, Абдуворис акага, айна шу мавзу таҳририни жиддий ўзлаштирган Муборак Фозиловага айрим жойларини ўқиб берди — қўлёзма газета мақолаларидан, аввал чиққан китобу китобчалардан олинган кўчирмалардан иборат эди. Шу сабабли, муаллифга қўнғироқ қилиб, нашриётга бир келиб кетишини сўради.

Эртасига эрталаб хонага ўрта ёшлардаги олим киши кириб келди. Эркин ака чой дамлаб кутиб ўтирган эди, худди эски қадрдонлардай астойдил сўрашиб, меҳмонни ўтиришга таклиф этди. Биз чурқ этмай, ишимизни давом эттиравердик. Улар ўртасида, тахминан, мана шундай мулоқот бўлиб ўтди:



Эркин ака:

— Яхши келдингизми, домлажон, соғлигингиз яхшими, бола-чақалар тинчми?

Домла:

— Яхши, яхши. Кўлёмани ўқидингизми, қаери ёқмади?

Эркин ака:

— Ўқидим, умуман ёмон эмас. Аммо...

Домла:

— Нима аммо? Чайналмай айтаверинг, дарсим бор, вақтим зиқ.

Эркин ака:

— Нима десам экан, баъзи жойлари такрор бўлиб қолибди-да. Мана, масалан...

Эркин ака муаллиф билан суҳбатга жиддий тайёргарлик кўрган экан, ҳаммасини бир бошдан кўрсатиб берди. Аввалига домланинг жаҳли чиқди, «Фалон институтнинг домласиман, профессор деган номим бор, сен ўзинг ким бўлибсан, умрингда бир нима ёзганмисан, китоб қандай ёзилишини биласанми?» деб астойдил жанжал кўтарди. Аммо кейинроқ Эркин аканинг кўпдан-кўп далилларига изоҳ бера олмай, мулоҳимлаша бошлади.

Эркин ака:

— Мана бу жумлаларга қаранг, домлажон, жуда чиройли ёзилган, гап йўқ, аммо бундан икки йил аввал ўзимизда чиққан мана бу китобчада ҳам айти шу фикрлар сўзма-сўз бор. Кўринг-а. Ёшлар тарбиясига оид мана бу таклифингиз уч йил аввал ўзим таҳрир қилган мана бу брошюрада юрибди. Шу жойларига сал тушунмай турибман-да, домлажон. Пиёлангизни беринг, чой қуйиб берай...

Домла:

— Шошманг-шошманг, шогирд болалар сал чалкаштирганми дейман-да. Қани, менга беринг-чи, ёш болани ишга буюр, орқасидан ўзинг югур, дейдилар-ку. Бировга бир нарса топшириб бўлмайди-я. Ўзим уйда яхшилаб кўриб келаман, бундай бўлиши мумкин эмас.

Домла, гарчи кайфияти анча бузилган бўлса-да, билдирмасликка ҳаракат қилиб, ҳаммамиз билан хайрлашиб чиқиб кетди. Эшик олдида Эркин ака у кишининг кўнглини кўтаргандай бўлди:

— Домлажон, айбга буюрмайсиз, сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

— Майли-майли, сўрайқолинг.

— Одам одамдан бўладими?

Бу савол профессорни тамомила довдиратиб қўйди. Эркин ака жиддий деди:

— Хафа бўлманг, домлажон, китоб ҳам китобдан бўлади-да...

## ТИЛЛАНИ ТОПМАГУНЧА...

Эркин ака туғилган Тахтапулдаги ҳовли янги йўл қурилиши боис, бузиладиган бўлди. Ҳовли қуриш учун бошқа жойдан ер беришди. Уйи бузилган одамлар калта-култа тахта, гишт, тўсин ва яна шунга ўхшаш қурилишга ишлатса бўладиган материалларни машиналарга юклаб, янги жойларига ташиб кета бошладилар. Райижроқўм ҳаммани транспорт билан таъминлаб турди.

Эркин ака ёғоч, хом гишт, шифернинг синиғигача қўймай машинага ортади, ижроқўм вакили «Бўлдими ака, бошқа ҳеч нарса қолмадими», дея зорланади. Чунки бошқаларнинг ҳам материалларини ташиш керак-да.

Эркин ака шошилмайди:

— Тупроқ тагида ҳали анча-мунча нарсамиз ётибди. Тушдан кейин яна бир «рейс» қиламиз.

Машина тушдан кейин қолган-қутганларни ортиб, янги қурилаётган участкага бориб келади.

— Розимисиз ака? — дейди ижроқўм вакили.

— Эртага эрталаб яна бир марта келсин, шу билан бўлади, — дейди Эркин ака ён бергандай бўлиб.

Эртасига эрталаб вакил машинани олиб келса, Эркин ака бузиб теп-текис қилиб қўйилган ҳовли ўртасида мунғайибгина ўтирган эмиш. Олдида эски хумнинг беш-олти бўлак синиғи, бошқа ҳеч нарса йўқ. Вакилнинг энсаси қотади.

— Ака, инсофингиз борми ўзи, шуни юклаймизми? — дейди жаҳл билан.

— Эрта азондан бери сизларни кутиб ўтирибман, ўзи исполкомда ҳам тартиб деган нарса қолмабди, — жавоб қайтаради Эркин ака жиддийлик билан. — Мана бу хум синиқларини кўряпсизми?

— Ҳа, кўряпман, хўш нима эди?

— Менинг додам, додамнинг додалари ичи бўм-бўш хумни ерга кўмиб, навара-авараларини лақиллатадиган соддамуғомбир бўлишмаган, билдингизми? Зудлик билан бориб эксковатор топиб келинглар, ҳовлининг ўрнини кавлаймиз. Шунча тиллани ташлаб кетадиган ахмоқ йўқ. Қарашворсаларинг, сизлар ҳам бир нималик бўлиб қоласизлар. Ҳар эҳтимолга қарши, машина шу ерда турсин. Топиладиган шунча тилла билан таксига ўтириб бўлармиди...

Вакил нима дейишини билмай, бир серраярмиш, бир илжайрмиш.

## ГУВАЛАНИНГ БАҲОСИ

Эркин ака Қорақамишдаги «дом»ни «Бирлик» даҳасидаги чала битган ҳовлига алиштирдилар. Бир-икки бориб хабар олдик. Бир гал борганимизда:

— Ўзбекнинг ҳовлиси қирқ йилда ҳам битмайди, дурустроқ ҳашар қилмасак, ҳали-вери ҳовлига ўхшамаяпти, — деб қолди. Маслаҳатлашиб ҳашар кунини белгиладик. Бир-иккита улфатларни таклиф этдик.

Белгиланган кунни Аҳрор Аҳмедов билан ҳовлига азонда етиб бордик. Абдуворис ака бизни кутиб ўтирган экан, енг шимариб ишга тушиб кетдик. Вазифа — бир-икки мингта гувала қуйиш. Аҳрор лой қора бошлади. Мен гувала ётқи-зиладиган жойни текисладим. Энди ишимиз қовушган ҳам эдики, Эркин аканинг тақачилик жўралари ҳашардан хабар топиб, келиб қолишди. Қозонга ёғ қуйилди, гўшт тушди, шишаларнинг оғзи очилди. Сал ўтмай, ҳашарчиларни йўқлаб яна уч-тўрт киши кириб келди. Ҳайҳотдай каравот жўралар билан тўлди. Қозон қайтадан осилди. Эркин аканинг ўғли зириллаб ҳали қассобхонага, ҳали дўконга чопади. Икки яшик ароқ, тўрт яшик пиво, қази-қарта суҳбатни қизитиб юборди. Аския, қийқириқ авжида. Уч-тўрттаси Эркин акдан пул олиб, қарта ўйинни ҳам бошлаб юборишди. Бу ёқда биз гувалани қуйиб ётибмиз. Кечгача аранг салкам уч юзтага етказдик. Ўзиям бўлиқ, салмоқли гувалалар денг.

Улфатлар зиёфатни қош қорая бошлаганда ниҳоясига етказишди. Уларни бир амаллаб кузатар экан, Эркин ака

бирданига қўлига қоғоз-қалам олиб, алланималарни ҳисоб-китоб қила бошлади. Гувалаларни бир санади, икки санади, адашиб кетгандай, бошини сарак-сарак қилиб, яна бошқатдан санай бошлади.

Абдуворис аканинг тоқати тоқ бўлиб кетди.

— Эркин, тинчликми ўзи?

— Тинчлик бўлганда қандоқ, — қувноқ оҳангда жавоб қайтарди Эркин ака. — Мана буни ҳашар деса бўлади, битта гувала ўттиз сўм саксон олти тийинга тушиб турибди. Бунақа ҳашарни инсон боласи ҳали кўрган эмас. Қуриши билан ҳар биттасини авайлаб қоғозга ўрайман-да, чордоққа яшириб қўяман. Бундоқ нодир гувалани деворга уриб, исроф қиладиган ахлоқ йўқ.

Ўша пайтлари ўттиз сўмга ярим кило қўй гўшти берар эди...

## ҚОРИН КУЛГИ

Эркин аканинг «пуф» деса тўкилиб кетадиган эски «Москвич»ида Мирзачўлни кўп бор кезганмиз. Ҳар гал йўлга чиқишимиз олдидан Эркин ака икки-уч кило қўй гўштини «мариновка» қилиб, сихлаб оларди. Машинанинг орқасида бир пақир кўмир, чоққина кўра, зиравор, битта-яримта «шиша» доим шай турарди. Йўлга тушиб, озроқ юришимиз билан, сабил қолгур машина бир қилиқ чиқаради — ё баллони тешилади, ё бензин келмай ўчиб қолади.

Эркин ака тузатишни билмайди. Шу боис, дарров кўрани ўрнатиб, олов ёқиб юборамиз. Кабобнинг тутунини кўриб, албатта, кимдир тўхтади. Эркин ака шарт қўяди:

— Ака, ўт олдириб беринг, бир жуфт кабоб биздан...

Ҳазил-ҳузул билан яна йўлга тушамиз, Чинозга етмай яна бир марта, Жиззахгача камида икки марта кабобхўрлик қилишга тўғри келади.

Бир гал Пахтакор туманига етай деганимизда йўл чеккасида бир кишининг қўлида пақир турганига кўзимиз тушди. Анча ўтиб кетганимиздан кейин, мен беихтиёр «Бечора, бензини тугаб қолибди-да» дегандим, Эркин ака машинани шартта тўхтатди.

— Қайтамиз, беш-олти литр бензин кимни ўлдирибди.

Йўлнинг ўртасига бетон тўсиқ ўрнатилгани учун, олдинга яна уч-тўрт километр юриб, орқага қайтдик. Бензин сўраб турган одамнинг олдига келдик, аммо буриладиган жой йўқ, орқага яна беш-олти километр юришга мажбурмиз.

Шу яқин-атрофдаги қишлоқлардан бирида яшайдиган қозоқ йигит экан, қайтганимизни кўриб, қувониб кетди.

— Э, раҳмат-е, бовурлар. Икки соатдан бери қўлимни кўтариб турибман, биттаси тўхтамайди-я. Дорига келувдим, шу ерга етганимда бензин тугаб қолса бўладими. Уйда бир бўчкасини ғамлаб қўйганман. Бугун бизникида меҳмон бўласизлар энди...

Бу гапни эшитиб, Эркин аканинг шумлиги тутди.

— Йўқ, тўғри келмайди. Боришга борамизу, эшикдан киришимиз билан, бизда одат шунақа, деб бирорта маймоқ кўзичоқни сўйишга уринсангиз, хижолат бўламиз-да, ука.

— Кўзичоқ эмас, катта қўй сўяман, борсаларинг бўлди, — деди янги танишимиз.

— Аҳмаджон, бормасак бўлмайди шекилли, вақт ҳам кеч бўлиб қолди, бир йўла «заправка» қилиб оламиз, бензиннинг таги кўриниб қолди, — деди Эркин ака менга маъноли қараб.

Қозоқ йигитнинг бизникидан-да эски, битта балонидан ёш боланинг калласидай шиш кўриниб турган машинаси олдинда «лўкиллаб», биз орқада, «селкиллаб» йўлга тушдик. Овулга етиб борсак, бир бўчка бензин шунчаки омади гап экан. Уй эгаси қўлига эски пачоқ пақирни олиб бензин қидириб кетди. Катта ўғлига тайинлаган экан, кўрадан ўртача семизликдаги битта қўйни олиб чиқиб, олдимизда бўғизлади. Эркин аканинг ишораси билан машина бағажидан кўрани олиб, олов ёқиб юбордим. Саксовулга ўхшаш қуруқ ўтин экан, бир зумда чўғ бўлди. Тайёр сихлаб қўйилган гўштимизни олиб, кўра устига чиройли қилиб тердик...

Шу пайт уй эгаси — Бозорбой ака, пақирни бензинга тўлатиб кириб келди. Қараса, бир томонда катта ўғли ҳали қўйнинг терисини шилиб улгурмаган. Ҳовлида эса набиралари кабоб еб юришибди. Эркин ака у кишига ҳам бир жуфт иссиғидан берган эди, бир кабобга, бир ҳали гўшти нимталанмаган қўйга қараб ҳайрон туриб қолди.

Уша кунни Бозорбой аканикида тунаб қолдик. Яқин-атрофдаги қўни-қўшнилари ҳам чиқишди, Эркин ака эрталабга-

ча ҳаммаининг ичагини узвораи деди. Нонушта қилаётганимизда даврага яна бир киши қўшилди. Узоқ йиллар райком секретари, совхоз директори бўлиб ишлаган киши экан. Шунақа семириб кетганки, биров ёрдамлашмаса, ўзича ён томонига ўгирила олмайди ҳам.

Бозорбой ака қаттиқ туриб илтимос қилди:

— Меҳмонлар, шу оқсоқолга ҳазил қилманглар. Ўзи кўрс, кўпол одам, оғзи чатоқ, аёл киши бор-йўқ демай сўкиниб кетади.

Эркин ака хўп, деб ваъда берди. Аммо бир пиёла чой ичиб ҳам улгурмагандик, ваъдаси ёдидан чиқиб кетди. Оқсоқолнинг осилиб, дастурхонга тегай-тегай деб турган қорнини икки кўли билан ушлаб силкита бошлади. «Отахон, қоринни расвосини чиқарибсиз-ку, кесдириб терисини топширинг, овулдаги келинчакларга бир жуфтдан шиппак чиқади», деган эди, Бозорбой аканинг ранги кув учиб кетди, дастурхон атрофидагилар оғизларидаги чала чайналган луқмаларига дам бериб, жим туриб қолишди. Оқсоқолнинг ўзи бўлса, аввалига, ҳаммамизга бир-бир ёвқараш қилди, сўнг... шунақа кулдики, бошқалар ундан илҳомланиб, ўринларидан туриб, катта-кичик қоринларини силкилатиб-силкилатиб кула бошладилар. Бозорбой ака бўлса кўли билан оқсоқолни кўрсатиб:

— Кулди, кулди, — дейди холос.



## ЭСИЗ МАҲАЛЛА...

Шоир ва таржимон Маъруф Жалил Эркин аканинг қалтис ҳазилларидан бешиб юрарди. Кўча-кўйда кўриб қолса, бемаза гапини эшитмайин, дея ўзини четга оларди. Чунки Эркин ака Маъруф Жалилнинг азбаройи содда, қувлик-шумликни билмайдиган феълидан фойдаланиб, кўрган жойида бир гапни такрорлайверарди:

— Маъруфжон дўстим, юринг, уйга олиб кетай, бошқа ҳеч ким йўқ, иккаламиз гаплаши-иб ётамыз. Эриб кетсам битта ўптираман.

Бир куни эрталаб Маъруф ака ишга отланиб турса, у киши яшайдиган кўп қаватли уйнинг ҳовлисида Эркин ака турганмиш.

— Э, Маъруфжон, шу ерда турасизми? Э, қойил, кўшни бўладиган бўлмиз-да. Эшитгандирсиз, юқоридаги қаватга кўчиб келаяпман. Худо хоҳласа, маз-за қилиб яшаймиз энди, — депти Эркин ака хурсанд бўлиб.

Маъруф ака ишхонага кайфияти бузилиб кириб келибди. Ҳамхоналари: «Тинчликми, жуда афтодаҳол кўринасиз?» деб ҳол-аҳвол сўрашса у:

— Тинчлик-тинчлик, аммо маҳалланинг расвоси чиқади-ган бўлди-да, — дермиш бошини сарак-сарак қилиб.

## ПИЛЛАПОЯ

Ёшлар нашриётида болалар ёзувчиси, содда, беғубор ва бениҳоя ишонувчан кимса сифатида ном қозонган Шамси ака Одилов билан бирга ишлар эдик. Шамси ака табиатан беозор одам эди, каттага ҳам, кичикка ҳам бир хилда юмшоқ муомала қилар, ҳамиша кулиб турарди. Эркин ака иккалалари жуда қадрдон бўлиб, бир-бирлари билан ҳамиша ҳазиллашиб туришарди. Гоҳо ҳазил дегани сал ошиб кетса, Шамси ака бироз ранжигандай бўлардию, аммо эртасигаёқ ҳаммаси унут бўлиб кетарди.

Кунлардан бирида нашриётда райижроқўм нашриёт ходимларига дала ҳовли қуриш учун ер ажратибди, деган хабар тарқалди. Дала ҳовли қуриш кимга ёқмайди, дейсиз.

Кўпчилик, шу жумладан Шамси ака ҳам бу ҳазил гапни чинга йўйиб, тегишли ҳужжатларни тайёрлай бошлашди.

Ҳазилкашлар ер олувчиларнинг рўйхатини тузишди, унга нашриётда узоқ йиллар ишлаган барча ходимларнинг фамилиялари киритилган эди.

Шамси ака рўйхатга қараса, фамилияси йўқ. Кимдир янглишиб тушириб қолдиргандир, дея Эркин акага мурожаат қилди.

— Эркинжон жўра, менинг фамилиям ер олувчилар рўйхатига киритилмабди-ку?

— Шунақа бўлиб қолди, — деди Эркин ака афсус билан.— Сизни ҳам рўйхатга киритмоқчи бўлдик, аммо иложи бўлмади. Қоидага тўғри келмас экан.

— Қанақа қоидага? — ҳайрон бўлиб сўради Шамси ака.

— Дарвозахонангизнинг тепаси болахона-а?— жиддий сўради Эркин ака.

— Болахона, нима эди?

— Яхши эмас, ўртоқ Одилов. Қанча йиллардан бери бирга ишлаймиз, бир жойдан маош оламиз. Афсуски, шу чоққача болахонангизга кўтариладиган пиллапояларнинг сони нечталигини билмаймиз. Бу тўғрида месткомга ҳам ҳеч нима демагансиз. Мана энди, ҳаммамизнинг юзимиз шувит бўлиб турибди.

Шамси ака кутилмаган бу гапдан ҳайрон бўлиб туриб қолди.

— Эркинжон жўра, дала ҳовлига пиллапоянинг нима алоқаси бор?

— Ҳа, баракалла, — деди Эркин ака бош чайқаб, — энди ўзингизга келдингиз. Жуда алоқаси бор-да. Исполкомнинг қарорига кўра, болахонага кўтариладиган пиллапояларнинг сони тўққизтадан ошса, иморат кўпқаватли ҳисобланади. Сизники роппа-роса ўн битта экан. Ўртоқлар бориб санаб келишди. Кўпқаватли ҳовлиларда яшовчиларга эса дала ҳовли берилмайди.

— Эҳ, шунисини ҳисобга олмаган эканман-да, — астойдил хўрсинди Шамси ака. — Нима дейсиз, ошна, зинани саккиз пиллапояли қилиб, бошқатдан қурдирсаммикин?

Эркин ака ўзини тутолмай, қаҳқаҳа отиб юборди.



## САДОҚАТ БЕЛГИСИ

Шамси ака бетобланиб касалхонага тушиб қолди, ҳаммамиз галма-галдан бориб хабар олиб турдик. Ҳар гал борганимизда, у киши: «Эркин жўрамдан негадир дарак йўқ, ўзи ишга келаяптими?» деб биздан сўрайди. «Комиссия келиб қолди, бандлар», — деб баҳона қиламиз. Шамси ака «Ҳа, ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, йўқса албатта келарди, минг йиллик қадрдоним-а», деб хотиржам тортади.

Орадан икки ҳафта ўтгач, даволанишни тугатиб, Шамси ака ишга чиқди. Эркин ака узун йўлакнинг бошида шай бўлиб турган экан, Шамси акани кўрибоқ, истиқболга ошиқди. Икки жўра қучоқлашиб кўришишди. Хонага киришгач, Шамси ака бироз ўпка қилгандай бўлди:

— Эркинжон жўра, ҳамма кўргани борди, сизни роса кутдим, бормадингиз-а?

— Э, Шамсиддинхон ака, қизиқ одамсиз-да, нима қилардингиз шошилиб, яна бирор ҳафта-ўн кун ётганингизда, борар эдим-ку.

Бу гап Шамси акани қониқтирмади. Бунга сезган Эркин ака дарҳол ҳужумга ўтди:

— Менга қаранг, жўра. Кўргани кимлар борди? Фалончиписмадончиларми? Қани, улардан бирортаси сизга садоқатини намоиш этсин-чи? Этолмайди, чунки номигагина борган холос. Мен бўлсам, сиз жўрамга нисбатан вафодорлигимни лубой жойда, масалан ҳозир ҳам исботлаб бераман. Исботлайми?

Эркин ака шундай дедию, бу гапни тинглаб турганларнинг жавобини ҳам кутмай ёнидан... Шамси аканинг суратини чиқариб, ўпиб қўйди.

— Шамсиддинхон ака, кўрдингизми, садоқат, вафоданлари мана бундоқ бўлади. Суратингизни доимо ёнимда олиб юраман. Қийин аҳволда қолсам, нигоҳингизга тикилиб, сиздан маслаҳат сўрайман. Қани, бирорта бошқа одамда ҳам суратингиз бўлсин-чи...

Табиатан кўнгли оқ Шамси ака бу гапдан таъсирланиб кўзига ёш олди ва Эркин акани самимий бағрига босди.

— Яшанг, жўражон...

— Ҳа, гап мана бундоқ бўпти! — деб гердаиб қўйди Эркин ака.

## ДҮППИЧА ОШ

Нашриётга ҳар йили кўплаб шеърий ва насрий кўлёзмалар ҳавола этилади. Уларнинг ҳаммасини ҳам алоҳида-алоҳида чоп этишнинг иложи йўқ. Шу боис, йилига бир марта ёш бошловчи муаллифларнинг шеърий машқларини тўплам ҳолида нашр этишга мажбур бўлар эдик. Бир йили ана шундай тўпламда марғилонлик бир ҳаваскор шоирнинг беш-олтита шеъри эълон қилинди. Муаллиф хурсанд бўлиб нашриётга келиб коридорда Эркин Сиддиқовга йўлиқди.

— Ака, — дейди ийманибгина, — шеърларимни чоп этган устозларга чойхонада дўппидай ош қилиб бермоқчиман. Ўзингиз бош бўлсангиз...

Эркин ака шоир йигитчанинг бошида омонат ўрнашиб турган марғилон дўппига тикилиб боқди-да, деди:

— Майли ука, гаплашиб бераман, аммо ошингиз Марғилон дўппича эмас. ҳеч бўлмаганда Андижон дўппича бўлсин...

## ЛАҚИЛЛАТИШ

Бир гал нашриётда «Эркин Сиддиқовнинг юқорида танишлари кўп экан, улар ёрдамида номзоди мукофотга қўйибди» деган гап тарқалди. Бу ҳам майли, «Эркин ака тўплаб юрган мақолларини чет элда нашр эттираётганмиш, пулига яна битта ҳовли олармиш» деган миш-миш чиқиб, анча-мунча одамнинг пешонаси тиришиб кетди. Эркин аканинг ўзи нашриёт бош ҳисобчисининг олдига кириб, чет эл валютасидан солиқ тўлаш қоидаси қандайлигини сўраган эди, миш-миш гап чинга айланди-қўйди.

Шамси ака аввалига бу гапларга эътибор бермади. Аммо Эркин аканинг юриш-туриши, кийиниши, ҳатто тушликда лағмонга пул тўлаши ҳам ўзгариб қолганидан кейин, хаёли бўлинди: «Наҳотки рост бўлса? Чет элда нашр қилса бўладиган китоби йўқ эди-ку!»

Ўйлаб-ўйлаб, охири Эркин Миробидовга ёрилди.

— Эркинжон, сиз эшитмадингизми, Сиддиқовнинг қайси китоби чет элда босиладиган бўпти?

Миробидов ўзига хос вазми оҳангда жавоб қайтарди:

— Шамси Одирович, жўрам-жўрам дейсиз, шумлигини билмайсиз-да, келиб-келиб французларни лақиллатибди бу ярамас.

— Ие, қандай қилиб? — сўради Шамси ака.

— Қандай бўларди. Йиғиб юрган мақолларини ўзим тўқиганман, деб ишонтирибди. Соддаси тушмагурлар, шу гапга лаққа тушиб, ётиб еса қирқ йилда ҳам тугамайдиган пул тўлашаётганмиш. Аммо, хафа бўлманг, гонорарини олиб, бир қисмини сўмга алмаштириб олгач, Ўринбой аканинг чойхонасида улфатларга ош қилиб бераман, деяётганмиш.

— Э, шу гапга ишониб ўтирибсизми? — деди Шамси ака хафсаласи пир бўлиб. — Кимсан французларни лақиллатган Эркин Сиддиққа бизни алдаш иш бўлибдими...

## БАҚА ГЎШТИ

Эркин ака бир ҳафта ишга келмади. Тушлик пайти ҳамма Шамси акага эшиттириб қаердалигини сўрайди. Аммо ҳеч ким жўяли бир гап айтмайди. Лағмоннинг қайласини аралаштираётган Тўлқин Имомхўжаев ўзича «Ҳа, ишқилиб болаларининг бахтига омон-эсон бориб келсин-да», деган эди, Шамси ака астойдил қизиқиб қолди.

— Тўлқинжон, бизнинг жўра бирор ёққа кетганмилар?

Тўлқин ака худди биров эшитиб қоладигандай овозини пастлатиб деди:

— Ие, ҳали эшитмадингизми, жўрангиз уч кун бўлди, Парижга учиб кетди. Французлар билан аллақандай шартнома имзолаши керак экан.

— Шартнома дейсизми? Э, ҳа, тўплаган мақолларини ўша ерда чиқармоқчи эди, шунга бўлса керак-да.

— Йўқ, бошқа масала. Эркин Сиддиқовни сиз яхши билмайсиз. Деворда ҳақи бўлса, тупроғини ивитиб, сомони оладиганлар хилидан.

— Хўш-хўш, яна нима қилмоқчи экан? — Шамси ака лағмон ейишни тўхтатиб, Тўлқин аканинг ёнига яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Биласиз, французлар қурбақа гўштини истеъмол қилишади. Бир килосини йигирма долларга олишар экан. Эркин Сиддиқов уйдаги ҳовузда қурбақа етиштириб, французлар-

га сотмоқчи эмиш. Ҳозирча намунага ўн кило олиб кетибди. Маъқул келса, шартнома имзолашар экан...

Гапга Эркин Миробидов аралашди:

— Маъқул келмайди. Французлар жайдари қурбақани ейишмайди. Уларники зотдор, ҳар битта оёғи товуқнинг сонидан катта.

— Сиддиқов бу масалани аллақачон ҳал қилиб қўйган, — деди Тўлқин ака. — Аввалги борганида, ўша ёқдан шиша идишда ўн-ўн бешта зотдоридан олиб келган экан. Ўзимизнинг жайдари бақаларга чатиштирибди. Ўзим кўрдим, ҳар биттаси камида беш килодан чиқади. Гўшти Париждаги олий мақом ресторанларга кетар экан, терисидан эса ҳурлиқо хонимларга қўлқоп тикишади.

Биз билан бирга тушлик қилаётган Носир Фозилов луқма ташлади:

— Ҳовузга дори солиб, бақаларни сунъий равишда семиртираётган бўлса, халқаро жанжал чиқиши тайин.

Шамси ака аввалига жим туриб эшитди. Кейин битта жумла билан бу антиқа суҳбатга якун ясади:

— Ҳа, Эркинбой жўрамиздан ҳар балони кутса бўлади. Бечора французлар-ей, шартнома тузишга бошқа одам қуриб кетганакан-да?

## ЧЕМПИОННИНГ ТАБРИГИ

Нашриётда Шамси аканинг эллик ёшини нишонлаётган эдик. Раислик қилувчи Нормурод Нарзуллаев менга сўз бериб қолди. Ўша кезлари Багио шаҳрида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги давом этаётган эди. Қўлимга қоғоз олиб, жиддий оҳангда «ўқий» бошладим:

— «Телеграмма. Шошилинч. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Таниқли ўзбек болалар шоири Шамси Одиловга. Туғилган кунингизнинг шонли 50 йиллиги билан чин қалбимдан табриклайман. Ижодингизни анчадан бери кузатиб бораман. Содда, равон ва беғубор шеъриятингиз ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Рақибим Каспаров устидан қозонган кечаги ғалабамни сизга бағишлайман. Жаҳон чемпиони Анатолий Карпов».

Нашриётда иш бошлаганимга кўп бўлмаган, ҳазил-ҳузулларда иштирок этишга улгурган эмасман. Бунинг устига ҳар ҳафтада икки марта телевидениенинг «Бугун оламда нима гап?» кўрсатувида иштирок этаман. Қисқаси, янги иш жойимда ёш сиёсатдон сифатида танила бошлаганман. Шу боисданми, телеграммани кўпчилик жиддий қабул қилиб, чапак чалиб юборишди. Ҳаттоки бош директоримиз Абдулазиз Ваҳобов ҳам «қойил» дегандай бошларини қимирлатиб қўйдилар. Эркин ака ўрнидан туриб Шамси акани маҳкам бағрига босди.

— Қойил, Шамси Одилович, ўзбек адабиёти тарихида ҳали бунақаси бўлмаган.

Шамси ака ҳам бўш келмади:

— Жўра, сен тан олмайсан холос, қара, дунё қойил қолиб турибди-я...

— Энди тўғриси айтқолай, — деди Эркин ака. — Шу одам тан олиниши керак деб Карповга китобингизни мен жўнатганидим. Қани, заказной хатнинг пулини тўлаб қўйинг-чи.

## МОШ ОШ

Нашриётда бирорта шоирнинг пиёзнинг пўстидек қалинликда китобчаси чиқса ҳам чойхонада, албатта, «ювиш» маросими ўтказилар эди. Соғлиғи туфайли парҳез қилиб юрган Шамси ака бундай ўтиришларга деярли бормасди. Бир куни Эркин ака жиддий туриб олди:

— Шамси Одилович, шу сафар бормасангиз бўлмайди, ўзим сизбоп қилиб мошдан парҳезли ош қилиб бераман, илтимос, йўқ деманг.

— Мошдан қанақасига парҳезли ош бўлади?— ҳайрон бўлиб сўради Шамси ака.

— Э, соддасиз-да, жўра, шу ёшга кириб мошдан ош дамлашни билмасангиз-а, — ажаблангандай бўлди Эркин ака. — Эшитинг: қозонга сув қўйилади, қайноққа келгач, бир кило мош ювилиб, тоши терилиб, солинади. Билқиллатиб қайнатилади. Суви тортилгач, пиёз билан гўшти соласиз, яхшилаб қовурасиз. Ана ундан кейин сабзини босасиз. Масаллиқ роса етилгач, сув қўйиб, устига икки кило ивигилган мошни босасиз-да, дам товоқни ёпасиз. Эҳ, жўра, бунақа ошни емабсиз, дунёга келмабсиз...

Эркин аканинг ҳазил-ҳузулларини кўп эшитган Шамси ака аввалига тараддулланиб туриб қолди. Кейин бирдан хужумга ўтди:

— Уч кило мош тўрт кишига кўплик қилмайдами?

Эркин ака дарҳол жавоб қайтарди:

— Дастлабки солинган бир килоси «газак»ка кетади. Қозон бошида эллик грамдан олиб турилмаса, оддий ошни билмадиму, мош ош ланж бўлиб кетади...

## КОММУНИСТ ЧАЙҚОВЧИ

Бир йили нашриётда ғалати миш-миш тарқалиб қолди — коммунист Эркин Сиддиқов ишдан бўш пайтлари чайқовчилик қилаётган эмиш. Ишхона тўғрисидаги ярмаркада болаларнинг пайпоқларини сотаётганини корректура бўлимидагилар кўришибди. Кимсан, катта муҳаррир, местком аъзоси бўлса. Ишхона номига иснод эмасми?!

Бу масалани жамоа йиғилишида муҳокама қилиш таклифи тушди. Аммо, қўлга тушмаган ўғри — ўғри эмас, чайқовчилик қилаётганини ўзимиз кўрайлик, нима сотаётганини билайлик, ана ундан кейин ҳар қанча муҳокама қилсак тўғри бўлади, дегувчилар ҳам топилди. Узоқ тортишувдан кейин Эркин Миробидов, Абдубоқи Ғуломов, Шамси ака ва мендан иборат норасмий комиссия тузилиб, зиммамизга коммунист Сиддиқовнинг ноҳўя хатти-ҳаракатларини аниқлаш вазифаси юкланди.

Ярмарка атрофларида кузатув ишларини бошлаб юбордик. Эркин ака бизни кўрди дегунча ўзини оломон ичига уриб, кўздан ғойиб бўлади. Тўртинчи кун деганда, аввалдан тузилган режага биноан, харидорларга чақалоқларнинг рангли пайпоқчасини кўрсатиб турганига дуч келиб қолдик. Бизга кўзи тушдию, қўлида бир боғлам пайпоқ, нима қилишни билмай, турган жойида туриб қолди. Бироздан кейин ўзига келгандай бўлиб, астойдил ялинишга тушди:

— Жўражонлар, кечиринглар, бир ахмоқчилик қилдимда. Бошқа қайтарилмайди, қолган бўлса йигирма ё ўттиз жуфт қолди, холос. Сотиб бўламану бошқа қилмайман. Кечдим даромадидан. Мени шайтон йўлдан урди, кечиринглар...

Шамси ака чидаб туrolмади:

— Яна бу киши комунис...

— Тсс! — дея гапни бўлди Эркин ака. — Анави пайпоқ-фурушлар ҳам партия аъзоси-я!

## Фойдали сурбетлик

Шамси аканинг бошқа кўп қаламкашларда учрамайдиган яхши бир одати бор эди. Бирор нима ёзса, ҳамкасб дўстларига ўқиттириб, уларнинг фикрини оларди. Бир гал янги шеърий достонини шоир Анвар Обиджонга ўқишга беради. Анваржон устознинг ҳурматини қилиб, қўлёзмага унча кўп қалам теккизмайди.

— Яхши дoston ёзбсиз, актуал мавзу, — дейди у Шамси акани табриклар, — бемалол китобга киритаверсангиз бўлади. Аммо, айбга бужурмайсиз устоз, сурбетлик қилиб, бир-икки жойини таҳрир қилдим. Бир жойида сал қайтариқ бор экан, қисқартириб қўйдим. Тузатишларим маъқул келмаса, майли, олдингидай қолдираверинг.

Бу гапни эшитиб турган Эркин Сиддиқов мен ҳам бир ўқий-чи, дея қўлёзмани сўраб олади. Орадан уч-тўрт кун ўтади. Шамси ака тоқатсизланиб, «Эркинжон жўра, дostonни ўқидингизми, маъқул бўлдимиз?», деб сўрайвергач, Эркин ака бир хўрсиниб олиб, дейди:

— Эҳ, Анваржони тушмагур-ей, янаям дадилроқ сурбетлик қилавермабди-да...

## Қайтими керак эмас

Маҳмуд мўйловнинг лағмонхонасида Раҳмат ака исми ошпаз ҳар куни пешинда катта қозонда ош дамлар, у кишининг ёнида «қори» лақабли бир йигит чой дамларди. Эркин ака деярли ҳар куни лағмонга навбатга туришдан олдин ошпазнинг олдига келиб, ҳаммага эшиттириб «Ош дўхтирдан ўтганми?», деб сўрайди. Раҳмат ака капкирнинг учиди бир ошамча ошни тарелкага солиб узатади. Эркин ака уни шошилмай, узоқ чайнаб ейди. Ҳамма кутиб туради. Еб бўлиб, бир ошпазга, бир хўрандаларга сигирқараш қилади ва ҳукм чиқаради:

— Рухсат, сотаверинг.

Шундан кейин Маҳмуд мўйловнинг қудаси бўлмиш Фоти-ма холанинг олдига бориб, беўчир лағмон олади. Бўш столлардан бирига бориб ўтиргач, «қори»га дейди:

— Қори бола, чой дамлаворинг!

Чойнинг прејскурантда ёзилган нархи уч тийин. Аммо беш тийиндан сотилади. Ҳамма шунга кўникиб кетган. «Қори бола» жумракдан чойнакка доғ сув бураётган ҳолда сўрайди:

— Аччиқроқ бўлаверсинми?

Бу ўн тийинлик бўлаверсинми, дегани. Эркин Сиддиқов анойилардан эмас, дарҳол жавоб қайтаради:

— Уч тийинлик бўлаверсин, қорихон, уч чойнагига нақд ўн тийин бераман. Сизда ҳам бола-чақа бор, қайтими керак эмас.

## ХОТИН ЙЎҒИДА...

Нашриётнинг йиллик режасида вилоятларда яшаб ижод қилаётган шоир-ёзувчиларга ҳам алоҳида эътибор берилар эди. Қўлэзмалари режага кириб қолса, йилда бир-икки келиб,\* хабар олишар, бўлажак китобчанинг муҳаррири, расоми билан бирга тушлик қилишар эди.

Шундай ёш ижодкорлардан бири бир куни эрталаб нашриётга кириб келди. Бухоронинг ноёб қандолатчилик маҳсулотларидан олиб келган экан, хонанинг ўзида эрталабданоқ зиёфат бошланиб кетди. Орадан икки соатлар ўтгач, ҳаммамиз Маҳмуд мўйловнинг лағмонхонасига тушдик. Муаллифимиз хийла қўли очиқ йигит экан, ўша куни қўшимча бир жуфтдан сомса ҳам ейилди, икки шиша ароқ сувдай кетди.

Зиёфат охирлаб қолганида Эркин ака меҳмоннинг елкасига қўлини қўйиб мулозамат қилиб қолди:

— Меҳмон, бугун бизникида қоласиз, уйда хотин йўқ, иккаламиз бир мазза қилайлик...

Аскияга унча хуши йўқ меҳмонга бу гап бироз ғалати туюлиб, ўзини ўнғайсиз сеза бошлади. Эркин ака вазиятга аниқлик киритди:

— Хотин йўғида қозонга гўшт-ёғни кўпроқ соламиз-да, биродар. Сиз нима деб ўйловдингиз?..



## СУЮҚ БОШЛИҚ

Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўминнинг китоблари асосан ёшлар нашриётида чоп этиларди. Шу боис, устоз билан тез-тез кўришиб турардик. Хувайдо маҳалласидаги чойхонада Пўлат ака иштирокида тез-тез ошхўрлик ҳам бўлиб турарди.

Пўлат аканинг одати шундаймиди ёки дурустроқ лавозимда ишлайдиган танишлари бормиди, бунни аниқ билмайман, аммо ҳар йили 8 март байрами арафасида у кишининг ташаббуси билан нашриётда аёлларга мўлжалланган савдосотиқ уюштирилди. «Ёш гвардия»га магазин келибди, деган хабар бир зумда бошқа жамоаларга ҳам етиб борар, ҳаммалари келишиб, навбатга туришар, чўнтакка қараб, атир-упа, совға-салом харид қилишарди.

Бир йили магазинчиларнинг каттасига Эркин акани узоқдан кўрсатиб, «Нашриётимизнинг раҳбари шу киши, нима деса хўб денглар, иложи бўлса, арзон қилиб сотинглар, яна бир кори-хол бўлмасин», деб тайинладик. Майли, ҳаракат қиламиз, дейишди.

Тушликка яқин Эркин ака, кўзларида кўзойнак, бошларида қундуз телпак, қўлларида эски «Москвич»нинг калити, виқор билан савдо бўлаётган жойга кириб келдилар. Магазинчилар тараддудланиб қолишди.

— Хўш, савдонинг бориши қандай? — сўради Эркин ака овозини баттар жиддийлаштириб.

— Ёмон эмас, — дейишди сотувчилар.

— Менга ҳурматли ва муҳтарам аёлларимиз ишхонада социалистик мажбуриятларни ҳам ортиғи билан адо этгач, «Роҳат» кўлига чўмилгани боришганида киядиган либосу либосчалардан кўрсатинглар. Размери, рангги, бичими, тикилиши, чидамлилиги, айниқса кўзга ташланиши турлича бўлсин. Монекен олиб келмабсизлар-да, баданда қандай туришини кўриб олардик...

Бу гапдан кейин сотувчи аёллар ўзларини нақд йўқотиб қўйишди. Нимани кўрсатишни, қандай кўрсатишни билишмайди. Эркин ака жиддий бўлиб турибди. Битта шаддодроғи бор экан, мана кўринг, анча сифатли товар, деб, ҳаворанг чўмилиш либосини Эркин аканинг олдига қўйди. Нашриёт «раҳбари» уни

астойдил кўздан кечирди, сал кунда титилиб кетмайдими, деб қайта-қайта сўради. Титилиб кетмайди, деб кафиликка ўтиш-гач, бир жуфтани четта тортди ва:

— Яна нима бор, тез-тез кўрсатинглар, — деди.

Сотувчилар сал жонланиб, яна беш-олти хилини кўрса-тишди. Эркин ака ҳар бирдан битта-иккитадан харид қилди. Ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, сотувчилардан яна бир бор сўради:

— Размерлари хар хил бўлди-а?

— Ҳар хил бўлди, — баробарига жавоб беришди сотувчилар.

Эркин ака харидини кўтариб, хонаси томон йўл олди. Ёрдамлашмоқчи бўлгандик, бунақа ишларга аралашманглар, деб жеркиб берди. Сотувчилардан бири бизларга қараб «Жуда заҳар одам экан раҳбарингиз», деб пичирлаганди, шаддодроғи қўшимча қилди:

— Заҳарлигини билмадим, аммо суюқлиги аниқ...

## ЯНГИЛИК

Шанба кунларининг бирида шоир Анвар Обиджон билан Эркин аканинг «Бирлик»даги ҳовлиларига бордик. Сафед Булонга борганларида дадам раҳматли Эркин акага бир дона ёнғоқ кўчати берган эдилар. Шу кўчат ҳовлининг ўртасида бўй чўзиб, ҳосилга кирди. Боришимиздан мақсад — ёнғоқ дарахти қандай ўсаётганлиги кўриш, бу йилги ҳосилининг чўғини чамалаш ва... Эркин ака ишхонада оғиз кўпиртириб мақтайдиган тилларанг, «еган кишининг жонини киритадиган» олхўридан насиба олиш эди.

Бордик. Эркин ака ҳовлида куймаланиб юрган экан. Мевали дарахтларнинг кўплигидан ҳаммаёқ соя-салқин. Аммо ҳосил яхши эмас. Вақтида шакл берилмаган шоҳлар мева тугиш ўрнига тарвақайлаб, бир-бирига киришиб ётибди.

Анваржон олтиариқликларга хос синчковлик билан атрофни кузатар экан, Эркин акага маслаҳат солгандай бўлди:

— Шунча жой бор экан, манави қуруқсатанг дарахтларни чиқариб ташлаб, ўрнига бодринг экканингизда борми, даромаднинг тагида қолиб кетардингиз-да.

Эркин ака жавоб қилмай, уйга кириб, уч литрли бонкада тузлама бодринг олиб чиқди.

— Анваржон, бодрингшуносликда сизларга етадигани йўқ, — деди тузламанинг қопқоғини очиб. — Аммо мен бироз бошқача усулини топдим. Мана қаранг, уч ой олдин шу бонканинг ичига йигирма дона бодринг уруғи, уч-тўрт чимдим туз, озроқ зиравор ташлаб, оғзини маҳкамлаб қўйган эдим, келишингизга етилиб турибди-да.

— Э, қойил! — девордик иккаламиз бараварига. Эркин ака хурсанд бўлиб кетди.

— Шунақа, бир сўтик жойдан бир тонна ҳосил оладиган олтиариқликлар ернинг умрини бекорга ўтказмай, келиб биздан ўрганишин..

### ШУ ЕРДА АКАМ ЯШАЙДИ...

Бир кун и Эркин ака кенжа ўғли билан «Бирлик»дан шаҳар марказига қараб қатнайдиغان автобусга чиқади. Патта олай деб, чўнтакка қўл солса, пул бошқа шимда қолиб кетибди. Нима қилишни билмай туриб қолади. Яна иккита бекатдан кейин тушишлари керак.

— Тоҳиржон, — дейди ўғлига, — қўлимдан ушла, кўзим кўрмай қолди, тушамиз.

Кўзи ростакамига ожиздай, ўриндиқларни ушлаб, пайпаслаб, автобусдан тушишади. Ҳайдовчи ййигит «Ҳой биродарлар, кўзи ожиз амакига йўл беринглар», дея ёрдамлашворди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Эркин аканинг ўзи яна шу автобусга чиқиб қолади. Ҳамма билан чақчақлашиб, бемалол кетаётганини кўриб ҳайдовчи ҳайрон бўлади. Буни сезган Эркин ака аста юриб унинг олдига келади.

— Биродар, — дейди ҳайдовчига, — илтимос, тўхтаворинг, шу ерда кўзи ожиз акам туради, бир хабар олиб кетай...

## ҲАР ЭҲТИМОЛДАН...

Сирдарёлик шоир Абдурашид Пардаев Эркин аканинг яқин дўсти бўлиб, иккалалари бир-бирларини тез-тез йўқлаб туришарди. Абдурашид юборган чўлнинг неъматларидан гоҳида нашриёт ходимлари ҳам баҳраманд бўлиб турардик.

Бир гал куз оёқлаб қолишига қарамай, Абдурашиддан дарак бўлмади. Иш билан банд бўлиб, ўзи келолмаса, бошқалардан ул-бул нарса жўнатиб турадиган одати ҳам бор эди, бу ҳам бўлмади. Эркин ака эски «Москвич»ининг чангини артиб, андак бозор қилиб, чўлга қараб кўл олди. Борса, дўсти бетоб, кўрпа-тўшакка ўралиб, астойдил ётган эмиш. Эркин аканинг келганини эшитиб, дурустроқ овоз ҳам чиқармабди. Шунда Эркин ака беморнинг ёнига чўккалаб, кўрзон тиловатини бошлаб юборибди.

— Ҳай-ҳай, нима қилаяпсиз? — дебди Абдурашид кўрқиб кетиб, — тирикман, ҳали ўлганимча йўқ...

— Э, хайрият-е, — дебди Эркин ака, — худога шукур, тирик экансиз. Миқ этмай ётганингизни кўриб кўнглим бузилиб кетди. Иссиқ жон, ҳозир на ёшга, на қарига ишониб бўлади. Ўтган ҳафта кўшни маҳаллада битта йигит ҳе йўқ, бе йўқ, жўнаворса бўладими? Энди бундай қиламиз, биродар. Сиз хотиржам, бошни ўраб ётаверинг, мен эса, ҳар эҳтимолдан, бошлаган сурани охиригача ўқиб қўяй. Рангингиз бир аҳволда, дардингиз оғирми дейман-да. Шундай бўлгандан кейин, ўзингиздан қолар гап йўқ. Ишли одамман, бу томонларга яна қачон йўлим тушадию...

Абдурашид бу гапни эшитиб, ётган жойида кулиб юборди. Бошқалар ҳам маза қилиб кулишади. Шу кулги сабаб, ўша куннинг ўзидаёқ беморнинг кўрпа-тўшаги йиғиштирилади.

## «БАКОВУШКА»

Бир йили Эркин ака билан поездда Фарғонадаги Ғафур Ғуллом номи билан аталувчи машҳур хўжаликка бордик. Аксига олиб, раис бува дам олишга кетган экан, у киши билан суҳбатлаша олмадик. Танимаганини сийламас, деганларидек, таъбимиз ҳар жиҳатдан тирриқ бўлди. Бунинг устига ўша йиллари Тошкентдан ким меҳмон бўлиб келса, бу

тўғрида туман катталарини хабардор қилиш таомили бор экан, бизни кутиб олганлар раҳбарларнинг «Ким келди, нима учун келди, қаерда бўлди, ким билан суҳбатлашди» қабилдаги сўроқ-истагига дуч келиб, кайфиятимиз баттар бузилди. Обрўйимизнинг борида жўнаб қолайлик, дедик-да, енгил-елпи хайр-хўшлашиб, кечқурун Қўқон поездига аранг чиқиб олдик. Оёқ қўйишга жой йўқ.

Иккимизда битта билет бор. У ҳам бўлса «баковушка»нинг тепаси. Индамай келаверсак бўларди, аммо Эркин аканинг ичида шайтон қимирлади. Кўзойнагини тақиб, қўлига қоғоз-қалам олди-да, вагондаги йўловчилар билан суҳбатлаша бошлади:

— Қалай кетаяпсизлар?

— Вагон ойналари синган экан, шамоллаб қолмайсизларми?

— Билетни қаердан олдинглар?

— Оғайни, сиз, дейман, билетсиз чиққанга ўхшайсиз, қанчага гаплашдингиз?..

Ҳаял ўтмай вагон мутасаддиси етиб келди.

— Ассалому алайкум, акахонлар. Бир оғиз айтмабсизлар-да. Қани, буёққа марҳамат. Меҳмонларга аталган жойимиз бор...

Эркин аканинг пешонаси тиришди.

— Ў, биродар, — деди жиддий туриб, — сиз ҳам хизматдасиз, биз ҳам. Келинг, бир-биримизга халақит бермайлик. Ҳали қанча одам билан гаплашишим керак. Жўйингизда бўлиб тулинг, ҳалироқ чақираман...

Бу гапдан кейин проводник ўзини тамомила йўқотиб қўйди.

— Акахон, йўқ деманг, ичкарига киринг, тоза жой, бемалол гаплашаверасиз.

Шу пайт бақалоқ, аммо чехраси фариштали поезд бошлиғи пайдо бўлдию, иккаламизни қўярда-қўймай икки кишилик шинамгина хонага олиб киришди. Бир пастда дастурхон ёзилиб, мева-чева, қанд-курс қўйишди. Кимдир қоғозга ўроғлик икки шиша ароқ ҳам олиб келди. Эркин ака кутилмаганда қатъиян рад этди:

— Хизмат пайтида ароққа бало борми? Бўлди, озроқ дам олайлик, ҳали бошқа вагонларга ҳам ўтишимиз керак. Дарвоқе, поезд бўйича «баковушка»ларнинг сони қанча?

Ярим кечагача хонамиздан одам аримади. Ҳали у вагондан, вали бу вагондан, икки жойда станция бошлиғидан дастурхон келиб турибди.

Эрталаб Тошкентга етиб келиб, вагондан тушаётганимизда Эркин ака проводник йигитнинг чўнтагига озроқ пул солиб қўймоқчи эди, бечора жон ҳолатда ўзини олиб қочди:

— Жон ака, раҳмингиз келсин, пенсияга олти ой қолди, бола-чақанинг олдида шарманда бўлмай...

— Дарвоқе, шармандалик! — деб лаб жимирди Эркин ака. — Худо бизниям шарманда қилмаганига шукур.

## БИЗГА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

Саксонинчи йилларнинг охири эди. Эркин ака умр бўйи тўплаган мақолларидан бир қисмини анча югуриб-елиб нашр эттирди. Баъзи олим акахонларимиз «Мақол тўплаш илмий ишга киради, дуч келган одам шуғулланаверадими, бу соҳанинг ўзига яраша тадқиқотчилари бор», дегандай ланж гап қилишди. Эркин ака «Бу менинг илмий-тадқиқот ишим эмас, олимликка давоим йўқ, шунчаки савоб бир иш», деб расмий равишда ёзиб берганидан кейингина ишлар юришиб кетди. Аммо қалам ҳақи тўлаш масаласига келганда, пул ўлсин, нашриёт мутасаддилари билан бироз нари-берига бориб қолишди.

Хонада шу баҳсли масалани жиддий муҳокама қилиб ўтирган эдик, фаол муаллифларимиздан бири кириб келди. Бир ой Японияда бўлиб қайтган экан, тушликкача сафар таассуротларини гапириб берди. У кишининг айтишича, Японияда, бордию бирор киши раҳбаридан хафа бўлиб қолса, у билан ади-бади айтишиб ўтирмас экан. Раҳбарнинг қабулхонасига катта-кичик бошлиқларнинг резинадан ишланган бюслари ўрнатилиб қўйилар экан, эркаклар боксчиларга ўхшаб муштлаб-муштлаб, аёллар бўлса жуволдиз санчиб, хуморларидан чиқишар экан. Компьютер ким қанча мушт еди, жуволдиз неча бор санчилди — ҳаммасини ҳисоблаб, тегишли жойга маълум қилиб турар экан.

Қалам ҳақини қандай қилиб бўлмасин ундириш тўғрисида ўйлаб ўтирган Эркин ака:

— Яхши одат экан, — деди чуқур хўрсиниқ билан, — лекин бизга тўғри келмайди. Бу тажрибани мабодо нашриётда синаб кўрадиган бўлсак, ҳайкалчаларни ҳар икки кунда, баъзиларини ҳар икки соатда янгилашга тўғри келади. Бунча резинани қайдан оламиз?

## **БАЪЗИ ЎҚИМАГАНЛАР...**

Ёшлар кўмитасида ўтказиладиган йиғилишлардан бирига Эркин ака билан бирга келган эдик. Тушликда ошхонага кириб, одатимизга кўра, лағмон емоқчи бўлдик. Вилоятлардан келган бир неча таниш котибу котибалар биз билан бирга ўтиришди. Эркин ака қошиқни нари суриб, лағмонни Эркин Миробидов усулида санчқи билан узмай ея бошлади. Бунни кўриб ҳамроҳларимиз мийиғларида кула бошлашган эди, Эркин ака дарҳол жавоб қилди:

— Ё тавба, баъзи ўқимаганлар лағмонни қошиқда ейди-я, ундан кўра мастава ич, шундоқ таомни хор қилиб нима қиласан...

Бу гапдан кейин ҳамроҳларимиз дув ўринларидан туриб санчқи излаб кетишди. Чунки уларнинг ораларида «ўқимаганлари» йўқ эди-да...

## **ТОПШИРИҚҚА БИНОАН...**

Нашриётда ишлаб юрган кезларимиз ҳар икки йилда бир жиддий муаммога дуч келар эдик. Москвадан ревизорлар келишиб, ҳисоб-китоб ишларини роса қирқ кун тафтиш қилишарди. Директоримиз Абдулазиз Ваҳобов ниҳоятда эҳтиёткор, молиявий ишларда белгиланган тартибга ҳар қандай шароитда ҳам амал қиладиган одам эди раҳматли. Бош ҳисобчимиз Антонина опа бировга, шу жумладан ўзига ҳам бир тийин ортиқча пул ёзадиганлар хилидан эмасди. Шу боис, тафтишчилар қанчалик текширишмасин, жиддий бир нуқсон топиша олмасди. Муаммо шунда эдики, меҳмонларни қирқ кун овқатлантириш, сайру саёҳатга олиб бориш, кўрмаганларига Самарқанд ва Бухорони кўрсатиш, қайтаётганларида совға-салом масалаларини кўнгилдагидай ҳал этиш

лозим эди. Бу ҳам майли, энг қийини — меҳмонларга қўшилиб ичиш эди.

Ҳар гал ревизорларга раҳбар бўлиб келадиган Мазуренко исми бош тафтишчининг бир ўзи кунда тўрт шиша ароқ ичарди. Бинобарин, унга ҳамроҳлик қилувчи ҳам кам деганда кунига иккитадан шишани бўшатиши лозим бўларди.

Бир гал жаноб Мазуренкога ҳамроҳлик қилиш навбати Эркин акага келиб қолди. Директоримиз «Эркинжон, сизни биламиз, текин ароқ бўлса, Мазуренкога ўшаганларнинг тўрттасини йиқитасиз. Сизга топшириқ, меҳмон қанча ичса, қўйиб беринг, аммо ўзингиз кўзини шамғалат қилиб сув-пув ичиб туринг, яна думалаб қолиб, ҳаммамизни шарманда қилманг», деб қаттиқ тайинладилар. Бу гап Эркин акага унча ёқмаса ҳам, хўп деб ҳамроҳликни бошлаб юборди. Аммо орадан бир кун ўтиб, чойхонада қовун туширди.

Раҳматли Тўлқин Имомхўжаевнинг маҳалласидаги чойхонада меҳмонлар шарафига ош дамланди. Харажатларни ҳаммамиз бўлиб олдик. Ичкилик олиш Эркин аканинг чекига тушди. Ош сузилиши олдидан шишаларнинг оғзи очилиб, пиёлаларга қулқуллатиб ароқ қўйилди. Абдулазиз ака меҳмонлар шарафига қадаҳ сўзи айтдилар. Уриштирдик ва...

Ичсам, менинг пиёламга ароқ эмас... сув қўйилган экан. Директоримизнинг пиёласидаги ҳам сув экан. Биринчи гал худди ароқдай афтимизни буриштириб ичдик, мева-чевадан газак қилдик. Иккинчисида Абдулазиз ака ҳайрон бўлиб, уёқ-буёққа қараган эди, Эркин ака аста шивирлади:

— Меники ҳам сув, меҳмонларнинг кўзини шамғалат қилиб ароққа ўшатиб ичаверамиз. Топширигингизни миҳдай қилиб бажараяпмиз-да, хўжайин.

## КЕРАКЛИ ОДАМНИНГ ФИКРИ

Нашриётимизга Москвадан келган текширувчилар ниҳоят ишни тугатишганидан қувониб кетган директоримиз Эркин Сиддиқовга: «Мулла Эркинбой, бозордан ўзингиз юмшоқ қўй гўштини танлаб олиб келиб, ўзбекча кабоб қанақа бўлишини меҳмонларга бир кўрсатиб қўйинг», деб қолди.

Эркин ака билан бозорга бирга бордик. Директоримизнинг гаплари эсингиздан чиқдимиз, дейишимга қарамай, у



безрайиб тумтайганича, қари молнинг чандирсимон гўштидан уч килосини арзон баҳода сотиб олди. Сўнг, узоқ танлаб, барра қўй гўштидан ярим кило харид қилди.

Нашриётга қайтдик. Эркин ака кабобларни пишириб, меҳмонларга иссиқ-иссиқ ҳолда иккита-иккитадан тарқатиб чиқар, бошқаларга мол гўштини бериб, директорнинг олди-га ҳар сафар қўй гўштини қўярди. Меҳмонлар кабобнинг қаттиқлигидан шикоятланиб ғудрана бошлашган эди, директоримиз уларга ола қараб қўйиб, Эркин акага деди:

— Вой ношукурлар-ей, иликдек кабобни қаттиқ деб ўтиришибди-я. Нима бало, буларнинг тиши хамирданми?

Эркин ака кабобга берилган баҳодан гердаийб, директорга жилмайганича таъзим қилди:

— Мен учун муҳими — сизнинг фикрингиз, хўжайин. Бошқаларнинг фикриям, тишиям мени қизиқтирмайди.

## ЧУМЧУҚЛАР БЎЙИЧА МУТАХАССИС

Наманганлик бир муаллифимиз нашриётга келганида, гагдан гап чиқиб, боғидаги гилосларни чумчуқлар чўқиб кетаётгани туфайли анчагина моддий зарар кўрганлигини ачиниб гапириб қолди. Шунда Эркин ака: «Ие, аканг қарағайни вақтида ёрдамга чақирмаганингизни қаранг!» — деб унга дашном берди. Муаллиф: «Нима, чумчуқларни чўзмада уришга устамисиз?» — деб сўраган эди, Эркин ака кўзини қассобларникидек чақнатиб, жавоб қилди:

— Чўзма отиб юриш бизга тўғри келмайди. Лекин чумчуқларни ушлаб берсанглар, уларни аёвсиз кабоб қилиб, шерикларини қўрқитишга ниҳо-о-ятда устаман!

## ҚАНОТЛИ «ТАНҚИДЧИ»ЛАР

Эркин Сиддиқов, Анвар Обиджон ва мен ошхонада тушлик қилиб ўтирсак, бир таниқли танқидчи окрошка кўтариб келиб, ўртамизга суқулди. Бир окрошкани хўриллатади, ўн оғиз гапиради, бир нонни лунжигга тикади, яна ўн оғиз гапиради. Орада Анваржонга қараб: «Ука, Эркин Воҳидов билан битта жойдан экансизлар-да, а?» — деган савол

берган эди, Анваржон бош қимирлатиб тасдиқлади. Танқидчи қитмирона илжайиб: «Буларнинг қайси бирига ҳайкал қўйсак эка-а-н деб, олтиариқликларнинг боши қотиб юрган-дир», деб кесатгач, Анваржон бепарволик билан: «Бошингга қушлар кўниб булғашини ўйласанг, ҳайкал бўлишдан ҳам кўнглинг совийди», деди.

Буни эшитган Эркин Сиддиқов оғзидаги овқатни шошапиша ютди-ю, танқидчи томонга кўз қирида сал қараб қўйиб, Анваржонга дакки берди:

— Бунақа нарсани кўнгилга олмаслик керак, мирзо Анвар. Шоир бор жойда танқидчилар ҳам бўлади-да.

## АФСУСЛАНАРЛИ ҲОЛ

Тўрт-беш нафар ҳамкасблар тушликдан сўнг нашриётимиз қаршисидаги ярмаркада айланиб юрсак, Анвар Обиджон «Тир»нинг олдида тўхтаб, пневматик милтиқни отишга тушди. Отган бешта ўқининг ҳаммаси нишонга теккан эди, буни кўриб турган Эркин Сиддиқов: «Катта қўғирчоқларни уриш ҳам иш бўлганими? Зўрман десангиз, ҳў пастроқда ёниб турган шамчаларнинг ўтини ўчириб беринг-чи», деб қолди. Анваржон тушмагур бешта ўқда бешта шамни ўчириб ташлади.

— Энди милтиқни битта қўлда ушлаб отинг, — дея ишлов беришда давом этди Эркин ака.

Анваржон милтиқни бир қўлда отиб, бу гал ҳам бешала ўқни нишонга ургач, таҳсин эшитиш мақсадида Эркин акага чимрилиб боққан эди, Эркин ака бирдан қовогини уйиб: «Ҳе ата-а-нг, ҳе атта-а-нг!» — дея афсусланишга тушди. Сўнг менга юзланиб, деди:

— Бу ўртоғингизни Пушкин бўлади деб юрсам, ғирт Дантес экан-ку! Ҳе атта-а-нг...

## АДАБИЁТ ВА ТЕННИС

Шоир Анвар Обиджон пневматик милтиқ отишнинг ҳадисини олиб, Олтиариқдаги «Тир»ларнинг совринларини қийратиб юргангани, яхшигина футбол дарвозабони ҳам бўлганини илгаритдан билардим. Нашриётимизга ишга келгач, унинг

яна бир қирраси кўринди — стол теннисида ҳам камдан кам ўйинчига ютқазар экан.

Унинг ўйинларини кўриб юрган Эркин Сиддиқов: «Илгаритдан ўйнармидингиз теннисни?» — деб сўраб қолди. Анваржон: «Қишлоқда оз-моз ўргангандим, бу ерда анча очилдим», деб жавоб қилди. Сўнг қўшиб қўйди: «Энди қишлоқдаям теннисни тарғиб қиляпман. Ҳозирда Полосондаги жиянчалар, қўни-қўшнилари бу ўйинга роса қизиқиб қолишди».

Шунда Эркин Сиддиқов доноларча сузилиб қўйиб, деди: — Шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ўлади, деган матални эшитганидим. Энди билдимки, яхши теннисчилар шаҳарда туғилиб, охири қишлоқда тренер бўлади.

## ЧАПАНИЧА УЛФАТЧИЛИК

Эркин Сиддиқов вилоятдан келган бир муаллифни «тантанавор» кузатиб қўймоқчи бўлибди-ю, уни тўкилиб бўлган машинасига ўтқазиб, темирўл вокзалига олиб борибди. Меҳмон паттани олиб чиққач: «Поездингиз кетишига ҳали анча вақт бор экан, сой бўйидаги чойхонада икки кишилик ош қилиб, бўрсиқдек яйрасакмикан», деса, меҳмон: «Чойхонада ошхўрлик қилганга яраша, ярим кечагача чақчақлашиб ўтирадиган шароит бўлса экан. Кейинги келишимда шундай қилармиз», деб ишни орқага сурибди.

Пича вақт ўтгандан кейин Эркин ака: «Бекорчиликдан кўра, анави ошхонага кириб биттадан шўрва ичайлик», деган экан, меҳмон: «Ёзда ошхонанинг шўрвасидан худо асрасин, ҳар қошиқ солишда тўртта пашша чиқади», дея ижирғанибди. Салдан сўнг Эркин ака иккитагинадан чебурек еб олишни таклиф қилса, меҳмон қиймали нарсага тоби йўқлигини айтибди. Бу гапдан Эркин аканинг пешонаси тиришиб, пича жимиб қолибди-да, охири меҳмонга мўлтираб тикилиб, дебди:

— Жон ука, ҳеч бўлмаса биттагина нон олинг, иккаламиз бўлишиб еймиз.

## ТОҒ ҲАВОСИНИНГ ФОЙДАСИ

Москвадан тафтишчилар келишганда, одатда, шанба-якшанба кунлари уларни Бурчмулла томонларга дам олдиргани олиб чиқиш ҳам одат тусига кирган эди. Бир гал меҳмонлар, нашриёт ходимлари, қиз-жувонлар — кўплашиб, тоққа чиқдик. Кечгача мириқиб дам олдик. Эркин ака бири-биридан лаззатли таомлар тайёрлаб турди.

Кечги пайт ҳаммамиз йиғилиб ўйин-кулги қилмоқчи бўлдик. Аммо, ҳадеганда дам олувчиларни тўплаб бўлмади. Меҳмон қизлардан иккитаси, ўзимизнинг йигитлардан ҳам шунчаси йўқ, қаёққадир ғойиб бўлишибди. Кимдир «Тоғ ҳавоси кони фойда, айниқса модда алмашинувига яхши», деган эди, Эркин ака бу гапга озроқ тузатиш киритди:

— Мода алмашинувига ҳам...

## ОШНИНГ РЕЦЕПТИ

Тафтиш давомида меҳмонлар чойхона паловларимизга роса тўйишарди. Аввалига жуда ёғли овқат экан, дея ноз қиладиганлари ҳам охирида ўзимиздан қолишмайдиган ошхўр бўлиб кетишади.

Бир йили украиналик ёш тафтишчи йигит уйига қайтиш олдидан чойхона паловнинг рецептини ёзиб беринглар, деб илтимос қилиб қолди. Эркин ака кўлига қоғоз-қалам олиб, ёза бошлади: «Рис, масло, лук, чеснок, курдюк, барани мясо — задни ножка...»

Меҳмон йигит ҳайрон бўлиб сўради:

— Именно задняя ножка?

— Да, конечно, — жавоб қилди Эркин ака.

— Почему?

— Задни ножка — ближе курдюку!

Меҳмон тушундим, дегандай бош ирғаб қўйди.

Аэропортга чиққанımızда Эркин ака меҳмоннинг қулоғига муҳим бир нарсани шипшиди: «Биродар, бу рецепт уйда қилинадиган ошники, борди-ю бирорта жонон билан ошхўрлик қилмоқчи бўлсанг, гўштга кўшиб бир жуфт қази ҳам олишинг керак...»

Меҳмон шарақлаб кулди. Афтидан, унинг кўз ўнгида қазининг шакли намоён бўлганди.

## СОВҒА

Эркин ака ҳар 8 март байрамида нашриётда ишлаётган хотин-қизларга бири-биридан ноёб, ҳали шу чоққача бирор бир кишининг хаёлига келмаган антиқа совға-саломлар улашар эди. Совғанинг ўзидан кўра уни топшириш маросими муҳим бўлиб, ҳатто эркаклар ҳам «Мулла Эркинбой бу йил қанақа каромат кўрсатар экан», дея байрам кунини аёлларга кўшилиб кутишарди.

Нашриётда неча йил бирга ишлашган бўлсак, Эркин аканинг аёлларга аталган навбатдаги совғалари нима бўлишлигини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаганмиз. Корректурга ўқиладиган хонада деярли бутун жамоа иштирокида усти ялтироқ қоғоз қутичалар очилиб, ҳамма бирданига «ваҳҳ» деб юборганидагина кўрардик уларнинг нималигини. Бир йили ҳамма аёлларга ошни дамлашдан олдин қозонда қолган сувни буғлатиш учун ишлатиладиган дамчўп совға қилганини биламан. Бошқа бир гал қозонювгич, мўйчинак, чойнак жўмрагига илиб кўйиладиган шома илгич улашган. Энг қизиқ совға саксон тўртинчи йилнинг баҳорида топширилган эди.

Байрамдан бир-икки кун аввал, одатдагидай, ҳамма аёллар ишлайдиган корректурга хонасига тўпланди. Ўшанда нашриётимизда уч-тўртта янги оила қурган келинчақлар бўлиб, Эркин ака анчадан бери уларга махсус совға тайёрлаётганларини айтиб юрарди. Ҳамма йиғилгач, совға қутиларини очишдан кўрқмайдиган Зоя Нажотова маросимни очиқ деб эълон қилди. Бундай деяётганимнинг сабаби, баъзи йиллари шунақа совғалар ҳам топширилганки, ҳозир мен айтсам бўлмас, қизиққанлар ўша йиллари нашриётда ишлаган эркаклардан сўраб билиб олишлари мумкин.

Хуллас, совғаларни топшириш маросими бошланди. Ҳайҳотдай рангли телевизор қутичасини гулдурос қарсақлар остида хонага кўтариб олиб киришди. Қути ичида кичикроқ шундай қути, унинг ичида янада кичикроғи. Энг охиргисини очишган эди, чиройли қилиб ўралган тўрт бўлак совға чиқди. Биринчисининг ичида бешта пластмасса чақалоқ — иккитаси қиз, учтаси ўғил, пишиллаб ухлаб ётишибди. Иккинчисида — тўрт ўғил, тўрт қиз. Учинчисида — беш ўғил,

беш қиз ва ниҳоят тўртинчисида — еттита қиз, олтитаси оппоқ, биттаси қорамағиз, жингалак соч...

Эркин ака аёлларни мана шундай табриклар эди. Ҳисобкитоб, режалаштириш ва ишлаб чиқариш бўлимларининг бошқазабон хонимларини қий-чув қилишларига қарамай, хонама-хона юриб, юзларидан атай овозини чиқариб чўлпиллатиб ўпар экан, бу турфа хил бўсаларни нашриётда ишлашнинг ягона даромади дея, ўзига ўзи тасалли берарди. Энг муҳими ва кулгилиси, ўпишиш пайтида юзига юқиб қолган камалакнусха лаббўёқларни иложи бўлса иш кунининг охиригача артмай, ҳаммага кўз-кўз қилиб юрарди.

### ЧЕТДАН КЕЛДИМ...

Одатда нашриётда ишловчи аёллар кеч соат бешлардаёқ уй-уйларига жўнаб қолишар эди. Эркин ака эшик олдига туриб олиб, уларнинг кўпчилиги кузатиб қўяр, нимагадир «Четлаб юринг!» деб қўяр эди. Бу гап йиллар давомида такрорланаверганидан, эркагу аёлларга сингиб кетган бўлиб, ҳеч ким Эркин ака бу билан нима демоқчи эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмасди.

Бир куни бошқаларга нисбатан шадлодроқ сингилларимиздан бири эрталаб ишга келаётиб Эркин акага дуч келади. Салом-аликдан сўнг аканинг доимий ҳазил-ҳузулларига монанд қилиб шундай дейди:

— Четдан келдим, Эркин ака!

— Ие, кеча уйга бормадингизми?— овозини пастлатиб сўрайди Эркин ака. — Сиздан буни кутмагандим-а.

### ДЕВНИНГ БОЛАСИ

Бир куни Эркин ака мандан «Қирғизистонга хуш келибсиз, муҳтарам ўзбекистонлик дўстлар» деган жумлани, яна беш-олтита сўз ва мақолни қирғизчага таржима қилиб беришимни сўраб қолди. Сабабини сўрасам, айтмайди. Шоир ва таржимон Турсунбой Адашбоев билан айтганларини бажариб бердик. Орадан йигирма кунча ўтиб, Эркин акага қирғизча сўзлар нега керак бўлиб қолганлиги аён бўлди.

Ўша пайтлари республика курортлар бошқармасидан «Иссиқкўл» санаториясига йилига битта-яримта йўлланма ажратилар эди. Эркин ака месткомга ариза ёзиб борган экан, «Иложи йўқ, сиз оддий ходимсиз, бунинг устига унвонингиз ҳам йўқ, ўзимизда дам олавермайсизми?» дегандай гап қилишибди. Бу гапдан астойдил жаҳли чиқса-да, ҳеч кимга билдирмай, ариза ёзиб, меҳнат таътилига чиқиб кетди. Орадан йигирма кун ўтгач, офтобда қорайиб, бошига... қирғиз қалпоқ кийиб, ишхонага кириб келди. Ҳаммамиз билан қирғизчалаб салом-алик қилди. Буни кўриб, раҳбарлар ҳам ҳайрон бўлиб қолишди.

— Эркинжон, «Иссиқкўл»га бориб келдингизми? — ажабланиб сўрашди ундан.

— Э, борганда қандоқ, жоннинг роҳати экан, болачақани ҳам олиб боргандим, маза қилиб чўмилишди-да, — деди Эркин ака бошидан қирғиз қалпоқни олиб стол устига қўяр экан. — Биз томонлардан борганларга бир сидра устбош беришаркан, шу одатларига қойил қолдим...

Эркин ака шундай дея ён чўнтагидан бир даста суратлар олиб, атрофида ҳангу манг бўлиб турган ҳамкасбларига кўрсатди. Ҳаммаси мовий кўл бўйида, пештоқига «Гостиница «Иссиқкўл» деб ёзиб қўйилган меҳмонхона кираверишида олинган. Бинолардан бирининг пештоқида эса... Адашбоев иккаламиз биргаликда таржима қилган жумла кўзга ташланди.

Буни кўргандан кейин нашриётда Эркин акага қойил қолмаган одам қолмади. Ҳар куни эрталаб иш кунимиз Иссиқкўл ҳангомаларидан бошланади. Шунақа ҳангомаларки, кунига икки-уч мартадан эшитсангиз ҳам, кулаверасиз. Мана, эсимда қолганларидан биттаси.

Эркин ака кўл бўйида, қирғоқдан унча узоқлашмай, бир ўзи чўмилаётган экан, кутилмаганда «Ёрдам беринглар, чўка-япман», деган овоз эшитилибди. Қараса, узоқ Сибириядан келган бир сўққабош хоним оёқ-қўлларини бараварига қимирлатиб, сувни шалоплатаётганмиш.

— Холажон, эшитмадингизми, кимдир чўкаётганмиш, — дебди Эркин ака бамайлихотир ён-атрофига қараб. Аёл жавоб бермабди. Эркин ака унга яқинлашиб, қайта сўраган экан, аёл ноз-карашма билан, сувда бироз сурилиб кетган чўмилиш либосларини намойишкорона тўғрилаб, шундай деган эмиш:

— Буважон, сизга хола бўлганимдан кўра шу жойда чўкиб кетганим афзал.

Яна биттаси. Бир кунни Эркин ака санатория атрофида яшайдиган ўзи тенгги аёллар билан гаплашиб қопти.

— Қирғизчани билмаганингдан кейин, гапни қовуштириш қийин бўларкан, — дейди бизларга. — Келинлар, яхшиси топишмоқ ўйнаймиз, дедим. Маъкул кўришиб, ўзингиз бошланг, дейишди. — «Эркак кишининг танасидаги бешта аъзога дахлдор овқат», дегандим, бир соат бош қотириб ҳам топиша олмай, охири кўрғон беришди. — Ие, шуни ҳам билмайсизларми, «Беш бармоқ»-ку, десам, қойил қолишиб, ҳаммалари яна бир мартадан кўрғон беришди...

Яна биттаси. Бир кунни тунда Эркин аканинг уйқуси қочибди. Уёққа ағанабди, буёққа ағанабди, аммо ухлай олмабди. Чироқни ёқмай, аста коридорга чиқибди. Чиқса, ёпирай, шундай эшигининг олдида, қоп-қоронғи жойда... битта баҳайбат дев турган эмиш. Калласи хумдай. белли тўнкадай, қўли ё тўртта, ё олтига. Лекин, дев бўлса ҳам, бўйи одамларникидан баланд эмасмиш. Эркин ака аввалига кўрқиб, орқасига тисарилибди, кейин «Бу ҳойнаҳой девнинг боласи бўлса керак, озроқ пўписа қилай-чи», деб устига оқ мато тўшалган стулни пайпаслаб топибди. «Бор, таваккал, ўлсам ўлдим, қолсам — қаҳрамонга айланаман», дебди-да боши узра кўтариб, «Ё, йигит пири Шоҳимардон», дея девболанинг нақд калласини нишонга олган экан, ёпирай, ҳалиги махлуқ кутилмаганда «қочдик» деган одамча овоз чиқарибдию, шартта иккига бўлиниб, икки томонга қараб қочворибди. Билса, ҳеч қанақа девбола эмас, дам олаётган бир бола билан ҳамшира қиз қоронғуда бир-бирига қапишиб туришган экан...

Бундай ҳикоялар камида икки-уч ой давом этди.

— Санатория раҳбари ўзимнинг жияним экан, ҳар йили ўн-ўн беш кишини бемалол жўнатишим мумкин, — деб ҳамманинг ичини қизитиб қўяди Эркин ака.

Кейинроқ бу суратлар ўзимизнинг «Роҳат» кўлида олинганини сезиб қолдик, аммо ҳанузгача бу тўғрида бировга чурқ этмаганмиз. Иложи бўлса, сиз ҳам шундай қилинг. Шундай гўзал ҳангомаларга раҳмингиз келсин-да...



## ОШҚОЗОННИ ЧАЛҒИТИБ ТУРАЙЛИК...

Саксонинчи йиллари кузда ҳамма пахта теримига жалб этиларди, жумладан, ноширлар ҳам. Бўка ёки Пскентдаги хўжаликларга бориб, пахта теришнинг ҳам ўзига яраша завқи бор эди. Пахта даласига етиб борилгач, бирикки соат ишлаб-ишламай, дастурхон ёзилиб, ҳамма уйдан олиб келган сомса, ош, норин, қовурдоқ, бошқа егулик-ичкиликларини ўртага қўяр, ажойиб зиёфат бўларди. Эркин аканинг: «Ҳой биродарлар, шошилманглар, бу таомлар дўхтурдан ўтганми-ўтмаганми, истеъмоқ қилса бўладими-бўлмайдими, аввал аниқлаш керак, кейин бемалол еяверасизлар», — дейдиган одати бор эди. Шунга кўра, ҳаммасидан оз-оздан еб кўриб, кейин бизларга рухсат берарди.

Бир гал ҳисоб-китоб бўлимида ишлайдиган ўрис ва бошқазабон аёллар дудланган чўчқа гўшти олиб келишган экан, Эркин акани мот қилмоқчи бўлиб:

— Қани, буни бир текшириб кўринг-чи, истеъмоқга яроқлими-йўқми, — деб сўраб қолишди. Бу гапни эшитиб, ҳамма чувиллай кетди:

— Аввал Эркин Сиддиқов еб кўрсин, мазаси яхши, айнамаган бўлса, биз ҳам еймиз...

Эркин ака ёғни қўлига олди, ости-устига синчиклаб қаради, ҳидлади ва хурсанд бўлиб деди:

— Мана буни ёғ деса бўлади. Зотдор ота чўчқанинг ёғи. Минг дардга даво. Бир тўйиб еган одам чиллада ҳам бемалол кўйнакчан юраверади. Менимча, буни емай турганимиз маъқул. Ҳали замон, раҳбарлар келиб, «Ҳормангларар!», дейиши, табелчидан ким қанча терганини суриштириши аниқ. Ана ўшанда: «Бор бўлинглар, келинглар, дастурхонга марҳамат», деймиз-да, олдиларига қўямиз. «Очопатлар, олиб келган таомларини битта қўймай еб тугатишибди», дейишмасин тағин. Қарабсизки, олам гулисон. Ҳозирча мана бу сомса-помса, қовурдоқ-совурдоқ, норин-поринларни еб, ошқозонни чалғитиб турайлик. Қани, олдик...

## ТАҚАЧИГА ҚАРАБ ЧАЛИНГЛАР...

Эркин ака кичик қизларини узатганларида тўйга Сафед-булонлик улфатлари меҳмон бўлиб келишди. Тошкент тўйларида битта карнай, битта сурнай, ёнида ноғора чалинади. Меҳмонлар ўзлари билан бирваракайига тўртта карнайчи олиб келишибди. Эшик олдига қатор тизилишиб, роса бир соат тўхтовсиз чалишди. Маҳалладошлари: «Раҳмат, бироз дам олинглар, деворлар зириллаб кетаяпти, яна бир корҳол юз бермасин», дейишгунча тинимсиз «воҳа-ҳу-воҳа» қилиб, қулоқларни қоматга келтиришди.

Қишлоқ тўйларидаги таомилга кўра, тўй эгалари карнайчиларнинг олдига бир-икки келиб, йўқлаб туришади. Йўқлов қанақа бўлишини биласиз. Бундан илҳомланган карнайчилар янада илҳом билан чалишади. Эрталабки ошда чалинаётган карнайнинг овози қўшни қишлоқларда ҳам бемалол эшитилади.



Эркин ака карнайчиларга мутлақо парво қилмади. Улар бўлса, баттар авжига чиқиб чалишди. Каргайнинг оғзини тўйбоши томонга қаратиб чунонан пуфлашдики, қўяверасиз. Охири Эркин ака уларнинг олдига келди ва... кутилмаганда танбеҳ бериб қолди:

— Бекорга тўй қилаётганим йўқ. Тақачи маҳалласида уч-тўртта оғайним бор, аввалги тўйда кўзимни шамғалаф қилиб, тўяна бермай суриб қолишган. Ушалар эшитсин, дейман-да. Карнайнинг оғзини менга эмас, Тақачи томонга буриб чалинглар...

Карнайчилар ноилож яна «воҳа-ҳу-воҳа»лай бошлашди.

## ҚАЙМОҚЧАЛИК ЮГУРТИРМАЙДИ...

Бир гал ҳамқишлоғим Тўлқин Матҳолиқов Тошкентга келганида, биргалашиб Эркин аканинг уйига бордик. Эркин ака Сафедбулонга биринчи марта шу йигитнинг тўйига борган эди. Ушанда қизиқ бир воқеа бўлган. Тўлқиннинг яқин қариндоши Рустам ака эрталаб нонуштага бир коса қаймоқ олиб келди. Эркин ака косани унинг қўлидан олди-ю, бир симиришда тугатиб, идишни қўли билан ялаб тозалаб қўйди. Нонушта қилаётган бир уй одам ҳангу манг бўлиб қолди: «Ўҳ, шунча қаймоқ меҳмонни роса югуртиради энди...».

Эркин ака Тўлқинни кўриб, хурсанд бўлиш ўрнига бошини сарак-сарак қила бошлади. Бунақа пайтда нима қилиш кераклигини яхши билганим учун, дарҳол сўрадим:

— Тинчликми Эркин ака?

— Э афсус, — деди у киши хижолат тортиб, — меҳмонга келар экансизлар, кеча келмайсизларми, бир қозон ош қилувдик, ортиб қолганини бугун эрталаб қўшниларга тарқатдик. Дастурхонга нима қўйишни билмай турибман.

— Хижолат бўлманг, яқинда овқатланувдик, — деди Тўлқин Эркин ака қитмирлик қилаётганини сезмай. Уйнинг эгасига айти шу гап керак эди.

— Э, шундай демайсизми, қани ичкарига.

Ичкарига кирдик. Дастурхон солинди, нон, қанд-қурс ва яна бир коса ачиброқ қолган қатиқ қўйилди.

— Қани Тўлқинбой, мана шу қатиқни ўтган ҳафта ўз қўлим билан ивитган эдим, сизга буюрган экан, олинг-чи, бир мазза қилинг...

Тўлқин қатикнинг таъмини кўрди-ю, афти буришиб кетди.  
— Олаверинг, бир симириб юборинг, — дея Эркин ака зинҳорлаб турибди.

— Сал ачиб қолибди, — деди Тўлқин соддалик қилиб,  
— яна югуртириб қолмасин...

Эркин ака дарҳол жавоб қайтарди:

— Кўрқманг, қаймоқчалик югуртирмайди. Бир ўлимдан қолгандим ўшанда...

## АРМОН

Бир гал Эркин ака билан у кишининг эски «Москвич»ида Бўка томонларга ўтдик. Машинани дала шийпонида қолдириб, ўзимиз пахта далаларини оралаб кетдик. Пахтакорлар билан учрашдик, суҳбатимиз роса қизиди. Қайтишда Тўйтепага етиб-етмай, бензин тугаб, йўлда қолиб кетдик. Қани энди бирортаси тўхтаб, озроқ бензин берса. Битта абжағи чиқиб кетган «Волга»ни тўхтатган эдик, ҳайдовчи йигит: «Акалар, юз грамм қон сўранглар, бераман, аммо бензин беролмайман, ўзим Тўйтепагача етаманми, йўқми», деб безиллади. Орадан бир соатларча ўтпач, йўлнинг ўртасига чиқиб, ҳай-ҳайлаб, битта «Жигули»ни аранг тўхтатдик. Бизга раҳми келдими, бир «баклашка» бензин берди. Эркин ака миннатдорлик билдирди:

— Раҳмат йигитлар, бензинимиз етарли эди, уриб кетишибди, ноинсофлар, — деди.

Йўлга тушдик. Бензинга сув аралашган эканми, машина йўтал тутган одамдай, силкиниб-силкиниб юра бошлади. Ҳар силкинганда бошимиз ойнага тегай дейди.

Имиллаб бораяпмиз. Ҳайдовчилар йўлни бўшат дегандай, асабга теккизиб сигнал чалишади. Битта «Мерседес» аввалига ёнғинни ўчирадиган машинага ўхшаб, хунук овоз чиқарди, сўнг бизни йўл четига суриб, визиллаб ўтиб кетди. Бу ҳам майли, йўлдаги балчиқ билан машинамизни бўяб ташлади. Ойнадан ҳеч нарса кўринмай қолди. Вазиятни юмшатиш учун:

— Инсофсиз ўғри экан, бир ҳўплам ҳам қолдирмабди-я, — дедим. Эркин ака аввалига индамади. Бироздан кейин сигарета тутатиб, бир-икки ичига тортди-да, кутилмаганда сўраб қолди:

— Самалётдан ҳам бензин ўғирласа бўлармикин, Аҳмаджон, нима дедингиз?

Умримда бунақа саволга дуч келмаганим учун жавоб қайтара олмай туриб қолдим. Гапни аканинг ўзи давом эттирди:

— Мумкин бўлганида, узоқ бир жойга учиб бориб, қайтишда йигирма литр бензин ўмарганимда борми, шу ярамас «Мерс»ни бир қувиб ўтиб, армондан чиқардим-да.

## ҚЎЙНИНГ ЖУНИНИ ОЛГАНМИСАН?

Эркин ака бир куни маҳаллада янги иш бошлаган сартарошхонага кириб соч олдирибди. Сартарошликни яқинда ўрганган шогирд бола Эркин аканинг ҳазилларидан ўзини йўқотиб, қўли қалтирай бошлабди.

— Уста бола, умрингда бирор марта қўйнинг жунини олганмисан, — сўрабди Эркин ака.

Сартарош нима дейишини билмай туриб қолибди.

— Мен сенга туянинг жунини олганмисан, деяётганим йўқ, ҳеч бўлмаса битта-яримта қўй-қўзининг жунини қирққанмисан, жун олиш қанақа бўлишини биласанми-йўқми, деб сўраяпман, — такрорлабди Эркин ака.

— Йўқ, олмаганман, — дебди сартарош ҳайрон бўлиб.

— Қўлинг қалтираётганидан ҳам билувдим, — дебди Эркин ака ҳафсаласи бир бўлиб.

## ИЛТИМОС

Орадан бир-икки ой ўтиб, Эркин ака яна ўша таниш сартарошнинг олдига келибди. Ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг, қулоғига аста шивирлабди:

— Укажон, анча қўлинг келиб қолган бўлса керак, сенга бир илтимосим бор, йўқ демассан-а?

— Майли ака, қўлимдан келса, бош устига, — дебди сартарош йигит.

— Сочимни кўриб турибсан, жингалак. Дўст-қадрдонлар: «Хў, жингалак соч», деб чақиришади. Сенга айтсам, жонимга тегиб кетди. Неча марта таг-туги билан олдириб ташладим.



Аммо фойдаси бўлмади. Сендан илтимосим, сочимга яхшилаб ишлов бериб, бир нималарингдан суриб бўлса ҳам, силлиқ қилиб беролмайсанми?

Сартарош бу гал ҳам нима дейишини билмай туриб қолибди.

— Яхшилаб ўйлаб кўр, иложини топсанг, айтарсан, — дебди Эркин ака. — Ҳар куни эрталаб ишга кетаётганимда шу ердан ўтаман, бир ишора қилсанг, чопқиллаб келаман.

Маҳалладошларининг айтишича, орадан анча йиллар ўтса ҳам, сартарош йигит Эркин акани узоқдан кўриб қолса, ишора қила олмай, ўзини четга олиб юрган экан...

## БУЗИЛГАН МАҚОЛ

Бир гал юқоридан комиссия келиб, нашриёт ходимларини аттестациядан ўтказишди. Комсомол марказқўмида ишлайдиган ёш-ёш йигитчалар ўттиз-қирқ йиллик иш тажрибасига эга ижодий ходимларни жиддий саволга тутишди. Эркин Миробидов: «Комсомол яхши ташкилот, аммо менинг қилар ишим таҳрир қилиш, бўш вақтларимда таржима ҳам қилиб тураман», — деб комиссия аъзоларига ўзбек тилига ўгирган бир неча китобларини кўрсатган эди, шу билан қутулди. Навбат Эркин Сиддиқовга келди.

— Хўш, ўртоқ Сиддиқов, сиз нима иш қиласиз? — деб сўради комиссия аъзоларидан бири.

— Мақол йиғаман, — деди Эркин ака гапни қисқа қилиб.

— Қанақа мақол? — ҳайрон бўлишди текширувчилар.

— Халқ мақоллари-да, қаерда ўқисам, эшитсам, дарҳол ёзиб оламан, ҳозиргача ўттиз мингга яқинини тўплаб, нашрга тайёрлаб қўйибман...

— Халқда борини ёзиб нима қиласиз, ундан кўра ўзингиз мақол ёзганингиз маъқул эмасми? — танбеҳ берди комиссия раиси.

— Асли шундай қилсам бўларкан, шунча мақолни тўплаб, мана энди, чиқара олмай, бошим қотиб ётибди, — деди Эркин ака афсуслангандай бўлиб.

— Нега чиқара олмайсиз, кимдир тўсқинлик қилаяптими? — энсаси қотиб сўрашди ундан.

— Ҳе йўқ, тўсқинлик қилишмаяпти. Аммо баъзи мақолларнинг муаммоли томонлари бор, сизларга қандай тушунтирсам экан, ҳалиги... ҳар хил одобсиз сўзлар ҳам ишлатилган-да. Масалан...

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Масалан, шундай мақол бор: «Ўтирувдим ғамсиз, эчким туғди думсиз». Катта муҳаррирлар: «Бу мақолни нашр этиб бўлмайди», дейишмоқда. Уларнинг айтишича, мен мақолни бузган эмишман...

Комиссия раиси ўйланиб туриб қолди. Кейин шеригига аста шивирлади:

— По-моему, яхши мақол, нимаси бузилган экан...

## ЎЗИМИЗНИНГ РАЪНОХОН БОР-КУ...

Бир гап комсомол марказқўми нашриёт ходимларининг йиллик ижодий режасини сўраб қолди. Бундан сал аввалроқ Эркин ака баъзи ўтмай ётган китобларни тарғиб қилиш учун Бухоро ва Навоий вилоятларига бориб келган эди. Шунинг учунми, режага «Ёш қорақўлчилар ҳаётидан туркум очерклар ёзаман», деб ёзиб қўйди. Комсомол раҳбарларига бу гап маъқул келиб, зудлик билан бўлажак тўпламнинг номи, ҳажми ва мазмунини рус тилида ёзиб беришимизни талаб қилишди. Уша пайтлари нашр этилиши режалаштирилган ҳар бир китоб Москва тасдиғидан ўтиши шарт эди.

Ўйлаб-ўйлаб, «Олтин барра», деган ном топдик. Ҳажми беш босма табоқ. Мазмуни: «Бу тўпламда чўпон таёғини ерда қолдирмаган, ота касбини улуглаган, табиат инжиқликларига қарамай, олис яйловларда чўпонлик қилаётган ёш йигит-қизларнинг фидокорона меҳнати ҳақида ҳикоя қилинади».

Кўплашиб бу маълумотларни рус тилига таржима қилдик. Китобнинг русча номи «Золотое руно» бўлди. Машинкада кўчириб, юқорига жўнатдик. Орадан бир ой ўтиб, комсомолнинг катта бир йиғилишида маърузачи кутилмаганда шундай деб қолса бўладими: «Ёш гвардия» нашриётида ёш замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи «Золотая Раъно» сарлавҳали тўплам нашрга тайёрланмоқда...».

Бу гапни эшитиб ҳангу манг бўлиб қолдик. Қайси Раъно, ким ёзаяпти экан? Нашриётга келиб, юқорига йўллаган маълумотимизнинг нухасига қарасак, бошлаб «қовун» туширган эканмиз. Машинкачи қизлар «руно» сўзини тушунмай «рано» деб ёзишган, биз бўлсак, шошилишда дурустроқ ўқимай қўл қўйворган эканмиз...

— Энди нима бўлади? — бошлари қотиб қолди нашриёт раҳбарларининг.

Эркин ака хотиржам таклиф киритди:

— Нима бўларди, мана, ўзимизнинг Раъно Қамбаровани олайлик, ўттиз йилдан бери кичик муҳаррир бўлиб ишлайди, китоб техникасини сув қилиб ичиб юборган, қўли гул. Олтин деса ҳам бўлади. Узоққа бормай, шу Раънохон тўғрисида ёзаман-қўяман-да...



## ШҲҲЛИКЛАРИ ҚОЛМАГАН ҚИЗЛАР

Нашриётда ёшлар учун алоҳида таҳририят очилганида, хоналар етишмай, уларни вақтинча «Ёшлар уйи» меҳмонхонасига жойлаштиришга тўғри келди. Эркин ака табриклагани бориб, «Сизларга очиқ ҳавода кабоб пишириб берайми, тайёргарлигимни кўриб келганман», дебди. Бундай таклиф кимга ёқмайди, дейсиз, қизлар хурсанд бўлишибди.

Эркин ака икки кило қўй гўштини зиралаб, сихга тортиб келган экан, меҳмонхонанинг Анҳор томонидаги боғнинг бир чеккасига тош ўчоқ ясаб, бир зумда олов ёқиб юборибди. Кабоб айна пишган пайти шу атрофларни назорат қилиб юрган милиционер йигит келиб хархаша қилиб қолибди:

— Жамоат жойида бу нима қилганингиз, ҳозироқ оловни ўчиринг.

— Қўй гўшти ука, озроқ сабр қилинг, сизга ҳам етади, — дебди Эркин ака пинагини бузмай.

— Олов ёқишни бас қилинг деяпман сизга, акс ҳолда протокол тузишимга тўғри келади, — овозини баландлатибди милиционер йигит.



— Бозорники эмас, ўзим қўлда сўйганман, бироз сабр қилинг, бунақа кабобни умрингизда емагансиз...

— Нима яхши гапга тушунмайсизми? — посбоннинг жаҳли чиқиб, хуштагини чалибди.

— Э, тўхтанг ука, тушундим, ўзим яхшилаб зиралагандим-а. Зоминнинг зираси эди-я. Майли, ҳозир ўчираман, аммо сизга бир гапни айтиб қўяй, — дебди Эркин ака муҳим бир сирни ошкор қилмоқчи бўлаётгандай атрофга олазарак қараб.

— Уйланганмисиз?

— Ҳа, уйланганман, бунинг нима алоқаси бор?

— Фарзандингиз борми?

— Худо хоҳласа яқинда...

— Ҳа баракалла, — дебди Эркин ака хурсанд бўлиб, — бизда ҳам шу ташвиш. Қарамайсизми, битта эмас, иккита эмас, учта қизимизнинг кўнгли кабоб тусаб қолибди. Буни қаранг, эртага ҳамма иш менга қолиб кетади, буёғини ўйлашмайди. Илтимос қилиб қолишди, йўқ дейин десам, чақалоқларнинг қулоғи чаноқ бўлиб туғилса борми, мен айбдор бўлиб чиқаман. Ана унда кўрасиз томошани. Шунга...

— Хўб майли, — фақат тезроқ тугалланглар, бу ерда олов ёқиш мумкин эмас, — дебди милиционер йигит ҳайкал томонга ишора қилиб.

Шу пайт кабоб егани янги таҳририятнинг қизлари келиб қолишибди. Милиционер йигит кўрадики, фарзанд кўрадиган ёш келинчаклар эмас. Эркин акага ҳайрон бўлиб қараган экан, у киши:

— Мана, қизларимиз билан ҳам танишиб оладиган бўлдингиз, йигирма йилдан бери бирга ишлаймиз, аммо кўнгиллари ёш, шўхликлари ҳали ҳам қолмаган, — дермиш...

## АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК...

Нашриётда чойхона паловни қойиллатадиган уч киши бор эди — Эркин Миробидов, Эркин Сиддиқов ва Ғофиржон. Бирор муносабат билан ошхўрлик қилинадиган бўлса, шу уч кишига ишимиз тушарди. Миробидовнинг бозорга боришга тоқати йўқ, аммо Сиддиқов бозорлиқни ўзи қилмаса, ош дамламасди.

Бир гал ошга «эриш» навбати Ҳамид Жалоловга келди.

— Мана Эркинжон, сизни овора қилмай, ҳаммасини ўзим ест қилиб келдим, — деди Ҳамид ака пакетдаги харидларни кўрсатиб. — Бир ош ейлик...

Эркин ака гўшт-ёғ, тўғралган сабзи, зираворларни эринмай кўриб чиқди-ю, бош чайқади:

— Бўлмайди, Ҳамид Каримович, бу масаллиқдан ош эмас, шавла ҳам пишириб бўлмайди.

— Нега энди бўлмас экан, — ҳайрон бўлди Ҳамид ака. — Кўй ёғи, кўй гўшти бўлса, битта қази ҳам олганман...

Эркин ака аста тушунтира кетди:

— Ҳамид Каримович, бўлмаслиги шундаки, бозорлиқни яхши қилмагансиз. Мана, масалан, гўштни олайлик. Сиз олган бу гўштни «қабурғо» дейдилар, ошга эмас, шўрвага ишлатилади. Мана бу ярим кило думбадан ёғ чиқмайди, озроқ ич ёғи ҳам қўшиш керак эди. Қазининг қотганини олибсиз, кечгача қайнатсанг ҳам, ичига иссиқ ўтмайди. Янгиси қуриб кетган эканми? Энди сабзига келайлик, қайси қўлинг сингур тўғраган буни, қаранг, ҳар биттаси ўқлоғдай келади-я. И-и, шу ҳам пиёз бўлдими, кўкариб, ниш уриб ётибди-ку! Хўш, саримсоқ пиёз борми, вой, мунча майдасидан олдингиз, бўлмайди. Нўхатни ивителиганидан олинглар, деб сизларга минг марта айтганман. Мана бу зиравор денг, нима бало, қизил қалампирнинг ўрнига гишти майдалаб, сабзи уруғ билан аралаштириб қўйганми? Ошни бузади. Яна нима бор? Нон деганни орқасига қараб олинади, ака. Ҳаммаёғи тандирнинг кесаги. Мева қани, ёпирай, нок ўлгур музлатгичдан чиққан шекилли, халитдан қорайиб ётибди. Беҳи олиш, ҳойнаҳой, ёдингиздан чиққан, точно. Бунисига қаранг, ошкўк ҳам шунақа нимжон бўладими...

Ҳамид ака ҳамма гапни бир нима демай эшитиб турди, кейин ёнини кавлаб, бир даста пул олди-да, Эркин акага узатди:

— Эркинжон, узр, бир англашилмовчилик бўлибди, бошқа такрорланмайди. Мана бу пулга ўзингиз яхшилаб бозор қилинг, илтимос.

Эркин ака пулни истамагандай қўлига олди-да, апилтапил санай кетди. Етарли экан шекилли, кўзойнагини тўғрилаб, Ҳамид акани юпатди:

— Хўб бўлади, Ҳамид Каримович! Сиз сира ташвиш қилманг, худо хоҳласа ошни боплаймиз. Мана бу масаллиқларингиз ҳам қолиб кетмайди. Бир амаллаб, ошдан олдинги қайнатмага ишлатвораман, кайфчиликда ичилиб кетади. Дарвоқе, шисалар кўринмайди...

## КАМПИРНИНГ ҚАЙСАРЛИГИ...

Бу ўқиғанларингиздан Эркин аканинг бутун ҳаёти шумлик-қувликдан иборат экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. У кишининг ҳам ўзига яраша дарди, изтироби бўлар, аммо бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очмас эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам турмуш қийинчиликларини, энди айтса бўлаверади — бошига тушган ногаҳоний савдоларни кулги билан, ҳазил-ҳузул билан енгиб кетарди. Баъзан ҳатто нонга пул тополмай қоларди. Шундай пайтларда ҳам ўзини бу дунёдаги энг бахтли, энг омадли одам қилиб кўрсатарди. Узоқ йиллар бирга ишлаб, бирга юрт кезиб, у кишининг бирор бир одамни беҳуда хафа қилганини ёинки кўнглини атай чўктирганини эслай олмайман. Аксинча, дили изтироб алангасида қовурилиб турса ҳам, суҳбатдошига яхши кайфият бахш этсам дерди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига ишга ўтганидан кейин ҳам Эркин ака билан алоқамиз узилмади. Бир ҳафта кўришмасак, ё мен уларига ўтиб хабар оламан ё ўзлари ҳазил-ҳузул билан таҳририятга, баъзан эса Дархондаги уйимизга кириб келадилар.

Шанба кунларидан бирида уйда шунчаки ёзув-чизув қилиб ўтирган эдим, телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, Эркин ака. Дам олиш куни эмасми, шошилмай бир-биримиздан хол-аҳвол сўраган бўлдик, ҳазил-ҳузул қилдик. Гап орасида:

— Соат ўн иккиларда бир оғайнимиз боксёрлар чойхонасида ош қилаяпти, вақтингиз бўлса келинг, бир мириқамиз, фалончи-писмадончи дўстларимиз ҳам бўлишади, сиз яхши кўрадиган ичимликлардан олинган, дедим.

Эркин ака кутилмаганда узр айтиб қолди:

— Э, афсус, чойхона паловни роса соғингандим, аммо ярим соат— қирқ минутлик ишим чиқиб қолди, бўлмаса жон деб борардим-а...

— Нима иш экан? — қизиқсиниб сўрадим.

— Сизга қандай тушунтирсам экан, шу десангиз, она-мизни биласиз, ёшлари бир жойга бориб қолган, бугун эрталаб эски одатлари кўзгаб, қайсарлик қилиб туриб олдилар. — Ҳой онам, онажоним, қўйинг шу ишни, вақти эмас, десам кўнмадилар-кўнмадилар-да.

— Нима бўлди?

— Кўрмайсизми, ҳозиргина бандаликни бажо келтириб ўтирибдилар-а. Жағларини боғлаб, сизга телефон...

Бу гапдан ҳанг-манг бўлиб қолдим. Ишхонага қандай етиб келганимни билмайман. Жаноза вақтигача дўст-қадрдонларга кўнғироқ қилдим.

Тумонат одам тўпланди. Эркин ака онасининг қабрига тупроқ тортилаётганида йиғилганларга «Чўлпон» нашриётида чоп этилган «Мухтасар» китобидан биттадан тарқатиб чиқди. Дафн маросими тугаб, қабристондан чиқаётсак, юз ёшдан ошган нуроний оталари бир четдаги ўриндиқда ўзлари ёлғиз ғамгин бўлиб ўтирибдилар. Эркин ака югуриб бориб, тасалли берди:

— Ада, кўпам ғам чекаверманг, сўққабош бўлиб қолмассиз, худо хоҳласа бир йўлини топармиз.

Отанинг жавобини ўз қулоғим билан эшитдим:

— Ҳа, баччағар-а, сочи оқарса ҳам, ақли кирмади шу болани...

\* \* \*

Шу сатрларни қоғозга тушираётганимда яна бир воқеа ёдимга тушди. Нашриётда ишлаб юрган кезларимиз эди. Эркин ака бир кун ишхонага ўзига ўхшамаган ҳолда кириб келди. Одатига кўра, ҳаммамизни кулдирмоқчи бўладию, ўхшамайди. Билиб турибмиз-ки, нимадир бўлган.

Нима бўлганини эртасига эшитдик, болалардан бири сал шўхлик қилиб қўйибди. Зудлик билан беш минг сўм топиш керак экан. У пайтлари беш минг сўм деганингиз қулоққа ҳозирги беш минг доллардай эшитилар эди. Ошна-оғайни, таниш-билиш қилиб, икки кун деганда аранг тўрт ярим минг сўм тўпланди. Бундан ортиғининг иложи бўлмади. Эркин ака пулни халтага жойлаб, бизнинг қистовимиз билан уйга эртароқ қайтди.

Эртасига эрталаб хотиржам ишга келганини кўриб, демак иш битибди, дея ҳаммамиз хурсанд бўлдик. Аммо, иш қурғур битмаган экан.

Эркин ака пулни кўтариб уйга борса, маҳаллада бойваччалиги, қўли очиқлиги билан кўпчиликка таниш бўлиб қолган оғайниларидан бири кутиб ўтирган экан

— Эркин ака, — дебди у овозини пасайтириб, — биров эшитмасин, ўғлим қамалиб қолди, беш минг сўм топиб бермасангиз бўлмайди. Жон ака, йўқ деманг, биттаю битта ўғлим...

Эркин ака тўрт ярим минг сўм пулни қўшнининг олдига шундоқ қўйибди-да, яна узр ҳам сўрабди:

— Жон қўшни, мен дуракни кечиринг, уйда бори шу экан. Сиздек кимса пул сўраганда хўп демасам, мен ким деган одам бўлдим?

Алқисса, бойвачча қўшнининг ўғли қутулиб қолибди, аммо...

\* \* \*

Эркин ака раҳматли шунақа одам эди. У киши тўғрисида яна шунча ва яна шунча ёзиш мумкин. Ажабтовур ҳангомаларга гувоҳ бўлганлар битта мен эмас. У кишининг «қилмишлари»ни айтиб, ёзиб адо қилиб бўлмайди. Оталари бир юз олти ёшда, оналари юз ёшни қоралаб оламдан ўтишди. Шундай қувноқ, хушчақчақ, дили ва тили тоза одам камида, ҳеч бўлмаганда ота-оналари ёшига етсалар керак, деб юрардим. Афсуски, бундай бўлмади. Умрининг сўнгги кунларини шаҳар касалхоналаридан бирида ўтказди. Кўргани борсам, бош ҳақимдан тортиб кичик ҳамширагача, ёнларидаги беморлардан тортиб, келиб-кетувчиларгача, сал лофи билан айтсам, қоринларини ушлаб, бир-бирларини нуқиб, кўзларидан ёш оқиб кулиб ётишибди. Касалхона эмас, томошахона. Гурр-гурр кулги. Ўзининг бўлса аҳволлари танг...

Дафн маросимида дўстлардан бири «Митинг қиламиз, марҳум ҳақида бир-икки киши гапирсин» деган эди, шунинг ҳам иложи бўлмади. Эркин ака маҳалла мутасаддисига «Билиб қўйинг оқсоқол, анойилардан эмасман, ўзимни ўлганга со-ли-иб ётаман, бордию митинг қилсаларинг, тобутни ташлаб, кийимсиз Тахтапулга қараб қочаман, шарманда

бўласиз, ишдан кетишингиз мумкин», дея тайинлаб қўйган экан. Сўнгги манзилларига жимгина олиб бордик.

\* \* \*

Бу китобни асли Эркин ака ёзмоқчи эди. Бирга ишлаб юрган кезларимиз орамызда бўлиб ўтган ҳангомаларни қоғозга тушириб юрардим. Эркин ака «Майли, ёзинг, аммо мен ҳам ёзаман, қайсиниси яхши чиқса, ўшани чиқарамиз», дер эди, раҳматли. Афсуски, китоб ёзиш у кишига насиб этмади. Бордию ёзганларида, бундан кўра яхшироқ, мукамалроқ бўлармиди. Ва яна, бордию шундай бўлганда... юқоридаги баъзи ҳангомаларнинг қаҳрамони... ўзим бўлиб қолишим ҳам ҳеч гап эмасди...

*Қадрдон дўстимизнинг охирати обод бўлсин..*

## **ЭРКИН АКАДАН ҚОЛГАН ГАПЛАР**

*Эй укаҳон, ёш муаллифларнинг Маҳмуд мўйловнинг лағмонхонасида ёзиладиган «ис чиқарди» дастурхонига ўйлаб қўл узат. Қўлёзма режага кирмаган, муҳаррирдан ўтмаган, чиқиш-чиқмаслиги даргумон бўлса, бирор бир баҳонани рўкач қилиб, ўзингни четга ол. Бордию қўлёзма босмахонага туширилган, муқоваси деярли тайёр бўлиб қолган бўлса, иштаҳа йўлини тўсма, «Яхши таом қолгунча ёмон қорин ёрилсин» шиори остида еганингча е, қолганини тугиб уйингга олиб кет.*

\* \* \*

*Укаҳоним, хонага ёш, ҳаваскор муаллиф кириб келдими, ўрнингдан туриб табассум билан кўриш, саломатлигини сўра, бир пиёла чой узат. Керак бўлса, бир томонга қийшайиб кетган бўйинбоғини тўғрилаб, костюмининг енгига тегиб қолган доғ-дуғни рўмолчанг билан тозалаб қўй. Уёқ-буёқдан гап очиб турсанг, ҳадемай тушлик пайти бўлади. Ҳаракатларинг зое кетмаслигига мен кафил.*

\* \* \*

*Укагинам, нашриётда директор, бош муҳаррир, бош бўғалтир, уларнинг ўринбосарлари каби юқори мартабали амалдорлар бор. Улар билан муомала қилишда, иззат-ҳурматларини жойинга қўйишда асло янглишма. Ҳар бирига алоҳида ёндош. Бири-*

нинг гапини иккинчисига еткизма, бирининг олдида иккинчисини зинҳор мақтама. Шу жойда палак ёзмоқчи бўлсанг, ўрта бўғин раҳбарлигига мансуб бир лавозим эгаси олдида ипакдек эшилишни канда қилма. Тақдирингни ҳал қилувчи бу зотни бўлим мудирини дейдилар. Бунини эътиборга олмаган қанчадан-қанча хотири фаромушлар муборак бошларини ҳаётнинг бошқа ковакларига суқишга мажбур бўлганлар.

\* \* \*

Олимларнинг фикрича, одамлар икки тоифага бўлинар эмиш — қарз сўровчилар ва қарз берувчилар. Бу гапга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Укагинам, билиб қўйки, яна бир тоифа бор. Улар қарз берувчига қарз олувчини чунонам кўпиртириб мақтайдиларки, ёнингда борини ёнингда йўғига қўшиб, икки қўллаб топшириб қўйганингни ўзинг ҳам билмай қоласан. Мана шу хавфли тоифадан эҳтиёт бўл.

\* \* \*

Қарз сўровчининг бир юзи, қарз бермагanning икки юзи қора, дейишади. Ўртада кафил турганининг юз-кўзи, бадани, қўл-оёғи эса қарзни қайтариш муддати яқинлашгани сари қорая бошлайди. Охири кўмирдан фарқи қолмайди.

\* \* \*

Бу дунёда меҳмондорчиликда бодом чақишдан ҳам роҳатбахш машғулот йўқ. Ягона шарт — бу иш билан кўпроқ меҳмонга борганда шуғулланган маъқул.

\* \* \*

Тўйга бозордан бодом харид қилишда янглишиб қолма. Бу — жуда нозик иш. Бир гал Эски Жўва бозоридан беш кило тошбодом харид қилдим. Меҳмонлар чақа олмай, роса уринишди. Тўйдан кейин тарозида тортиб кўрсам, нам тортиб қолган экан, роса олти кило чиқди. Шу бодом билан маҳалламизда яна икки киши қизини узатиб олди.

\* \* \*

Лағандаги ош яримламай турибоқ ошатишни бошлавор. Мундайроқ қилиб меҳмонга ошат, гуваладай қилиб ўзинг оша. Шу тариқа даврани икки бор айланиб чиқсанг, марра сеники.



# «ШУМ БОЛА» САНДИФИДАН



## БЕГОНА АЁЛ

Болишни ўмровга тортиб, «Оддий Мария»ни кўриб ётувдим. Айвонда бир нима тарақлаб кетди. Худди машиналар тўқнашгандай чийиллаган овоз келди. Э, манга нима, деб ётаурсам-ку, олам гулистон. Нима экан-а, деб бундай қараган эдим, пешонамни дераза раҳига уриб оддим. Бошим ёрилмади, аммо, қаттиқ урган эканман, кинодагидек эсхушимдан жудо бўлдим. Ё, тавба, жуда ғалати бўлар экан одам. Кимман, нимаман, қаердаман — билмайман. Худди асир тушган саллотдай анграйиб турган эдим, ташқаридан аёл кишининг шанғиллаган овози эшитилди:

— Дадаси, гўштга пул беринг, кўшнимиз буқасини сўйибди.

«Дадаси» ким экан, дея у ёқ бу ёққа алангладим, аммо ўзимдан бошқа ҳеч кимни кўрмадим. Сал ўтмай эшик очилиб, остонада аёл кўринди.

— Дадаси, сизга айтаяпман, сал қимирласангизчи, ҳали замон гўшт тугайди.

— Кечирасиз, — дедим унга ҳайрономуз тикилиб, — сиз... ҳалиги менга гапиряпсизми?

Кўриниши бинойидек бўлса ҳам, жа бобиллаган хотин экан, баттар шанғиллай кетди:

— Вой сизлаган тилларингизга... Сизга бўлмай ҳўкизнинг қулоғигами? Туринг ўрнингиздан, ана, Мария савил қолгур ҳам тугади.

— Сиз ўзи кимсиз, нега менга бунақа муомала қиляпсиз? — дедим ҳамон ўзимни босиб. Уйда хотиним шунақа деса борми, тилини шартта...

— Э, жинни-пинни бўлганмисиз? Жинниликка ҳам талант керак! Ё, белингиз яна кўсов тилаб қолдими? — Аёл паққос туюқиб кетди.

— Ҳов, билиб қўйинг, — дедим овозимни баландлатиб, — бунақа муомалага ўрганмаганман. Менга ўдағайлашга ҳаққингиз йўқ. Иннайкейин, мен ўзим қимман, қаердаман, айтиб беролмайсизми?

Сиз билан ади-бади айтишиб ўтиргандан кўра уйга кетсам бўлармиди...

Хотин киши бўлса ҳам, асаби чатоқ экан. «Қаердалигингизни айтиб берайми, «фалон» жойдасиз, билдингизми», деса бўладими.

— Э, оғзингизни юминг-е, шунақа ярамас сўзларни айтишга уялмайсизми, — дедим қизариб. — Ундан кўра, билсангиз, исминни айтинг.

— Исмингиз Қиём қуруқ, — деди у томдан тараша тушгандай.

— Ростданми? Бунақа совуқ исми умримда биринчи эшитишим. Аёл аввалига «Ҳа, исмингиз жисмингизга жуда мос», деди, кейин кўзларимга тикилиб қарадию бирданига бошини чангаллаб «Вой, шўрим», деб юборди,

— Тинчликми, опажон, — дедим шошиб. У мени шартта қучоқлаб олди. Нотаниш аёл қучоқласа одам ғалати бўлиб кетаркан. Уввос солиб йиғлаганча «ақлдан озибсиз, даласи. Ё худо, энди нима қиламан? Ҳаммасига манави манжалақи Мария сабабчи» дейди нукул.

Нима бўлаётганини тушунсам-да, бечорага раҳмим келиб кетди. Сал бўшашдим. Кўзларига тикилдим. Сочларини силадим. Қаршилиқ кўрсатмади.

— Танишиб олсак бўлармиди...

— Бемалол, — деди аёл худди шуни кутиб тургандай.

— Менинг исми нима эди?

— Қиём қуруқ.

— Сизникичи?

— Мария, Мария Лопес!

— Ажойиб исм экан. Бунақаси бизда камдан-кам учрайди.

— Шу кино савилни кўрманг, деб сизга неча бор айтдим. Мана оқибати, ғирт тентак бўлиб ўтирибсиз-а.

— Унчалик эмасдир.

— Унчалик ҳам гапми. Йигирма йиллик хотинингизман, ахир.

— Қўйиғ бунақа гапларни, одамни хижолат қилманг...

— Ана холос, ҳой, Қиёмхон ака, менга уйланганингизни, тўйимизни ҳам эслай олмайсизми?

— Қанақа тўй, Мария пес?

— Пес эмас, Ло-пес. Ҳай, тўй эсингиздан чиқибди дейлик, туғилган кунимда совға қилган сопол лаганингизни эсларсиз?

Энсам қотди. «Гапингиз рост бўлса, ўша лагани кўрсатинг», дедим. У чуқур уфф тортди.

— Дадам тўйимизга қўшган ғунажинни қиморга ютқазганингизда бошингизга уриб чилпарчин қилганман.

— Кўринишингиздан туппа-тузук аёлга ўхшайсиз, — дедим суҳбатга якун ясагандай бўлиб, — бир пиёла сув беринг, томоғим қақраб кетди.

Аёл кимнидир чақира бошлади.

— Ҳой, Тўхтамурад, баққа қара, дадангга сув олиб кел, бечора эсини йўқотиб ўтирибди.

Тўхтамурад ким бўлдийкин, деб турсам, новча бир бола тиржайиб сув кўтариб келяпти. Мулойимгина қилиб салом беришини айтмайсизми.

Қўлидан пиёлани олиб сувни ичдим. «Раҳмат ука, умрингдан барака топ», дедим. У «ваҳҳ-ваҳҳ», деб кулиб юборди.

— Ҳе, биродар, нимага куласан, — дедим.

— Дада, — дейди ишшайиб, — коммерческийга шим келибди. Пулдан чўзинг.

— Ҳой, менга қара, бола, — дедим жажлим чиқиб, — сан ўзи қанақа боласан, танимаган одамингдан пул сўрагани уялмайсанми? Онанг билан бўлса энди танишдик...

— Дада, нималар деяпсиз, қизиқчилик қиляпсизми, — у баттар хохолади.

— Қизиқчилик қилаётганим йўқ.

— Ие, дада...

— Дада дема, кўринган одамни дада деяверасанми?

— Мен сизнинг яккаю ягона ўғлингизман, Тўхтамурад Қиёмовичман.

— Тўхтамурад-пўхтамурадни танимайман. Сенлар мени анойи деб ўйлаяпсанларми? Шимга туширмоқчимисизлар? Йўқ, мен сизлар ўйлаган содда-сўтақлардан эмасман. Мен ҳеч кимни танимайман. Тамом-вассалом.

Бола бирдан жиддийлашди. Кейин онасига қараб:

— Ойи, ҳали бу киши менинг дадаммасмилар, — деб қолди-ку. — Унда мен кимнинг ўғлиман. Битта шимга деб туппа-тузук дадамдан ажралиб ўтирибман-а. Айтинг, мен ўзим кимман? Дадам ким? Айтмасангиз қўймайман.

Иккаласи шунақа шовқин кўтаришдики, қўшни аёллар югуриб чиқишди.

— Ҳой қўшнижонлар, шўрим қуриб қолди, — деди Мария Лопес, — эримнинг аҳволини кўринглар. Ялпайи-иб кино кўриб ётувдилар, бирданига шунақа бўлиб қолдилар.

— Ё, тавба, — деди ёшроғи жилпанглаб.

— Ҳеч кимни танимайдилар, ҳеч нимани эсламайдилар. Сўраб кўринглар-а, исмларини ҳам билмайдилар. Вой шўрим...

Ҳалиги жилпанглагани ўғри мушукдай олдимга келди.

— Қиёмиддин ака, тинчликми ўзи, қўшнингиз Олмахонни танирсиз?

— Сизни ўнгимда тугул тушимда ҳам кўрмаганман, — дедим қўрслик билан.

Олмахоннинг рангги қув оқариб кетди.

— Биттангиз «хотинингизман», дейсиз, биттангиз «қўшнингизман» дейсиз. Унда сиз ким бўласиз, балки ўйнашимдирсиз, — дедим шу чоққача жим турган бақалоғига.

У «Э, баттар бўлинглар-е», — деди-да чиқиб кетди. Мария Лопес қўшни хонага ўтиб аллакимга телефон қила бошлади. Олмахон кўзларини сузиб ёнимга яқинроқ келди.

— Шунақа томоша қўйиб бола-чақага масхара бўлгандан кўра ажрашиб қўя қолинглар...

— Қанақа томоша, қанақа ажралиш, нималар деяпсиз ўзи?

— Ҳали шунақами? Анави кунги гапларингиз эсингиздан чиқмагандир, ҳарқалай?

— Қайси гапларим?

— Белгийский палто.

— Мен ҳеч кимга ваъда-пада берган эмасман. Бошқа гапингиз бўлмаса, кечирасиз, бироз чўзилмоқчиман.

— Сиз эркаклар, ҳаммангиз бир гўрсиз...

Хонага Мария Лопес кириб келдию Олмахоннинг жағи тинди.

— Энди нима қиламиз, қўшни?

— Нима қилардингиз, дўхтирларга хабар беринг. Экст-расенс топиш керак. Ўқитиш керак, чилёсин қилиш керак. Ҳеч бўлмаса ўғлини эслаб қолар...

Кечга яқин экстрасенс келди. Стулга ўтқазиб атрофимда гир айланди, аллақандай алмойи-алжойи ҳаракатлар қилди. Ҳар замон-ҳар замонда бир нима сезяпсизми? — деб сўрайдди. — «Ҳа сезяпман», дейман.— «Нимани сезяпсиз?» — Оғзингиздан қўланса ҳид келяпти, иложи бўлсаю сал нарироқ турсангиз...»

Бечора кўп уринди. Аммо фойдаси бўлмади. Айтишича, аҳволим оғир эмиш. Кечга яқин узр сўраб шумшайиб чиқиб кетди.

Кўча тарафдан аллакимнинг бўғиқ овози келди:

— Мулла Қиём, ҳо мулла Қиём!

Қимирламай ётавердим. Кечадан бери «хотинингизман» деб бошимни қотираётган аёл ошхонадан туриб бақирди:

— Жинни бўлинг, эви билан бўлинг-да, ошга чақиришяпти. Қулоғингиз жойида шекилли.

Эс-хушимдан ажраган бўлсам-да қулоқ ҳақидаги таъна сал ботиб кетди. Шартта туриб ҳовлига чиқдим. Вой-вуй, ўзиям исқирт бир жой экан. Ҳовлига қараб бўлмайди. Эркак киши борми ўзи, — дейман ғашим келиб. Дарвозани очиб қарасам битта тасқара ишшайиб турибди. Ҳе, йўқ, бе йўқ, нима дейди денг:

— Ҳе, ўл-е, Қиём қуруқ, шу чоққача наҳс бостиб ётибсанми, тез бўл, ошдан кеч қоламиз.

— Менга қара тасқара, — дедим қошларимни чимириб, — нималар деб валдираяпсан; ҳозир катта холангни кўрсатиб қўяман, бориб бирга ош ейсанлар.

Тасқара кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Вой аблаҳ-ей, сен ҳали менга, маҳаллақўмга шу гапни айтаяпсанми, ҳе падарингга...

Мария Лопес чиқиб қолди. Тасқаранинг қулоғига бир нималар деб пичирлаган эди, у «Ие, шунақами?» дедию жуфтакни ростлади.

Уйга кирдик. Аввалига у менга тикилди. Кейин мен ҳам зимдан кўз қиримни ташладим. Ёмон эмас, бинойидек. Айлантирсаммикин-а? Таваккал, дедим-да хушомадга ўтдим.

— Чиройли экансиз...

Гапим ёқиб тушди шекилли, бирданига очилиб кетди:

— Сиз ҳам ёмон эмассиз...

— Эшикни ёпганмисиз, — дедим ҳаяжонимни зўрға босиб.

— Иккимиздан бошқа уйда ҳеч зот йўқ, ўғлим мактабда,  
— деди Мария Лопес ва ўзини бағримга отди.  
Бегона аёлни қучоқлаш ажиб лаззатли бўларкан-да...

## АЗИЗ НЕСИН ВА ҚАССОБ

«Олой» бозорига борсам, қассоб йигитлардан бири сабзавот растаси йўлагига Азиз Несиннинг ҳажвияларини ўқиб ўтирибди. Бирам ярашибди денг. Афтидан роса зўрини ўқияпти чоғи, пешонасига пешма-пеш қўнаётган пашшаларга парво ҳам қилмайди. Йўлак тор, одамлар туртиниб-суртиниб ўтишмоқда.

Аста эгилиб қарайман. Ҳа, эсладим, Несин домланинг сифат ҳақидаги машҳур ҳажвияси. Бир киши боласига туфли сотиб олади. Аммо икки кун кийиб-киймай чок-чокидан сўкилиб кетади. Боланинг отаси жанжал кўтариб пойафзал фабрикасига боради. Косиблар «Бизда нима гуноҳ, тери сифатсиз ишланган бўлса...» дейишади. Тери ишловчилар «Терининг ўзи сифатсиз-да, афандим» дея дард-ҳасратларини тўкиб солишади. Чорвадорлар «Сифатсиз озуқа билан сигир семиртириб бўлармиди» деб ўзларини оқлашади. Озуқачилар... Хуллас, гап айланиб келиб ўша — боласига туфли сотиб олган кишининг ўзига тақалади.

Мен ийманибгина «Қассобжон ука, китобчангизни шундоқ кўриб берсам майлими?» демоқчи эдим, кимдир орқа томондан ўшқириб қолди:

— Ҳой бола, йўлда ўтириб китоб ўқишга бало борми. Ҳе, топган жойингдан ўргилдим. Қоч йўлдан!

Ўгирилиб қарасам, шопмўйлов йигит, аравачага каллапоча, дум, туёқ, ичак-чавоқ юклаб аранг судраб келаяпти. Кўк пиёз сотаётган аёллардан бири унга жавоб қилди:

— Болага нега ўшқирасан? Бир чиройли ўқиб ўтирибди. Ундан кўра ўзингни бил, думни думбадан қиммат сотасан-ку?

— Тўғри айтдингиз овсин, — гапга аралашди нонвой кампир, — кеча битта тил оламан деб тилимни тишлаб қолдим.

Каллафуруш асабийлашиб, нонвойга захрини сочди:

— Кампиршо, сизга ким қўйибди гапиришни. Нонингизни еб бўлмайди. орқаси ғирт кесак.

— Бориб тандиримни кўрганингда шунақа демасдинг, — бўш келмади кампир, — бир ойга етмасдан увадаси чиқиб кетди. Инсофсизлар, лойини дурустроқ пишитмайди. Авваллари жунни аяшмасди.

— Э, қўйсаларингчи, — деди помидор артаётган талаба йигит мунозарага яқун ясамоқчи бўлиб.

— Аралашмаган битта сен қолувдинг, — жеркиди уни бодрингни пештахта устига «Катюша» усулида тераётган пўрим олибсотар, — помидорингни еган одам ичбуруғ бўлмай иложи йўқ.

— Ие, қизиқ гап қилдингиз-ку, ака, — деди помидорфуруш, — худди сизникини еса тойчоқдай кишнайдигандай.

— Керак бўлса кишнайди. Сенларга ўхшаб тарозидан, тошдан уриб қолмай донабай сотаяпман. Ҳали бирон ким — вой қорнимлаб келгани йўқ. Ёққан одам ейди, ёқмагани, ана — ўрик, гилос деганингиз тўлиб ётибди.

— Нима, ўрик дедингизми, — харидордан сабзининг пулини санаб олаётган давангир сотувчи хохолаб кулиб юборди. — Ўрик эмиш, тўрттагина еб кўринг-чи, зир югуртирмаса мен кафил.

Бу гап ўрикфурушга наша қилди:

— Э аҳо, оғизга қараб гап қилинг. Ўратепанинг ўрига-я. Сизни сабзингиз эмас — ичи пўк, ўртаси ёғоч, ошни пачоқ қилади.

— Ошни сабзи эмас, ошпаз пачоқ қилади, акамулло, — сабзифуруш ҳам бўш келмади. Ўзича хўб ўхшатиб пичинг қилдим, деб турган эди, нариги қаторда ош сузаётган аёл бирдан ҳужумга ўтди:

— Ие, ие, тўйғизганинг қорнига деганлари шу экан-да, а? Бунақа паловни уйдаги ойимтиллаларингиз ҳам қилолмайди. Раҳмат дейиш ўрнига...

— Сал оширвордингиз-да, келин, — мунозарани давом эттирди керам сотаётган отахон, — ёғини дурустроқ доғ қилиш керак...

— Ёғ ўзи шунақа-да, бобой, минг доғ қилинг, барибир, бурқсиб тутайверади.

— Гуручни тозалаш керак. Ҳар олганингда муштдай-муштдай тош чиқади. Кеча ош ейман деб битта тишимдан айрилдим. Ҳозир тиш қўйдиришнинг ўзи бўладими? Инсофсизлар, нархни роса оширворишган...



— Ну-ну, дяденка, зачем так, — деди карам танлаётган аёл. — Қиммат эмас, эртага поликлиникага боринг, келишилган нархда ўзим кўйиб қўяман...

— Э, ўргилдим-е, ўша келишилган нархларингдан...

Гапга алаҳсиб қассоб болани йўқотиб кўйдим. Қидирақидира сомсафурушларнииг олдидаи топдим. Кўлида ўша китоб, бошини кўтармай ўқиб ётибди. Олдига бориб:

— Ука, шу китобчани бир кўриб берсам майлими, — дедим. Бошини кўтармай жавоб қилди:

— Ҳалақит берманг, нариги растадан аранг қочиб келдим, Уқийдиган дурустроқ китоб йўқ. Ўзим ҳасипчилардан бир кунга олганман.

— Нега энди йўқ бўларкан, — дедим сал дадиллашиб, — бизда ҳажвчилар оз эмас. Мана, масалан...

— Кўйинг уларни, жуда эзмачуруқ бўлиб кетишган.

— Йўғ-е?

— Хўп деяверинг. Яқинда янги чиққан биттасининг ҳажвияларини ўқидим. Нуқул «Хўш-шш», деб бошлайди, гапни.

— Исмини билмайсизми? — дедим шошиб, аммо овозим ўзимга ҳам ёқмади.

— Исмиям жуда ҳалигиндақа...

Бу гап уёқ-буёғимдан ўтиб кетди. Жаҳл устида кўзимга нима кўринса харид қилиб, тўрхалтани тўлдирдим уйга жўнавордим.

## ХЎРАНДАНИНГ ҚОЗОНИ

Бозор биқинидаги «Бечиқит» хусусий ошхонаси мудири Олғир Олойи нима бўлдию кўчанинг муюлишидаги китоб дўконига кириб қолди. Пештахта устига териб ташланган китобу китобчалар, тўпламу тўпламчалар, турфа хил кўлланмаю йўлланмаларни обдан томоша қилди. Бир вақт десангиз, кўзи битта журналга ўхшаган, усти юпқа плёнка қоғоз билан ўраб кўйилган китобга тушди. Муқовасида, ёпирай, ширяланғоч... Шундоқ кўлини узатганини билади, сотувчи бола таппа босди.

— Томоша қилиш икки юз сўм!

Олғир Олойнинг жаҳли чиқди, икки юзи худди сомсапазникидек қизариб кетди.

— Хўб, ука, — деди ўзини босишга ҳаракат қилиб. — Аввал кўрай, ёқса...

— Аввал тўланг, кейин кўраверасиз, — деди сотувчи парво қилмай.

Олғир Олойи э, бор-е, деб чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди. Аммо ўйланиб қолди: «Индамай чиқиб кетсам, вой муттаҳам-ей, текинга кўрмоқчи бўлган экан-да, деб ўйлаши мумкин. Яхшиси, бир нима олай...»

Ошхона мудирини шу мулоҳазага бориб бир четда мусофирдай мунғайиб турган шеърини китобни, умрида шеър ўқимаган бўлса ҳам, сотиб олди. Пули куйди-да, ошхонага келиб у ер бу ерини варақлади: «Самар Қамар ўғли. «Чароғон чироқлар». Тақризчи — муаллифнинг ўзи. Муаллиф қоғозига муаллиф ҳисобидан босилди. Муаллиф белгилаган баҳода сотилди. Бадиий савияси учун муаллифнинг ўзи жавобгар...»

Олғир Олойи худди йўқотган нарсасини топиб олган боладай сапчиб ўрнидан туриб кетди ва бутун хонани тўлдириб «Э, хомкалла», деб юборди...

Эртасига эрталаб ошхона пештоқидаги «Кам харж билан кўп маҳсулот чиқарайлик» деган ёзув ёнида йирик-йирик ҳарфлар билан ёзилган шундай эълон пайдо бўлди: «Таомлар хўрандалар масаллиғидан тайёрланади. Хўранда қозонида пиширилади. Хўранда идишига сузилади. Таом сифати учун хўранданинг ўзи жавобгар...»

## ҲИСОБОТ

Маош бериладиган касса. «Пул саналаётганда халақит берманг», деган ёзув.

Ходимлар рўйхатга қўл қўйиб пул олмоқдалар. Улардан бири дасталанган бир ҳовуч пулни олиб салмоқлаб кўради. Бошини сарак-сарак қиладию, кадрдан узоқлашади.

Кассага Сўпиев яқинлашади.

— Ассалому алайкум, холажон, бой бўладиган кунимиз экан-да, а!

Сўпиев рўйхатда йўқ, унга пул ёзилмаган.

— Нега ёзилмаган? — жанжал кўтаради Сўпиев, — кечани кеча, кундузни кундуз демай ишласам нега ёзилмас экан?

— Мен қаёқдан билай, бошлиққа учрашинг, — дейди кассир аёл парво ҳам қилмай.

Сўпиев бошлиқ хонасига ҳаяжон билан кириб боради. Бошлиқ бош ҳисобчини чақиради.

— Хўш — дейди бошлиқ муғомбирона, — ўртоқ Сўпиевга нима учун маош ёзмадингиз?

— Ўртоқ Сўпиев уч кунлик командировкага кетиб ропароса ўн уч кунда қайтиб келди, — жавоб беради бош бухгалтер. — Топшириқ бажарилмаган. Бунинг устига...

— Нима, бунинг устига, — дейди бошлиқ.

— Мана ўртоқ Сўпиевнинг ҳисоботи. — Бош ҳисобчи шундай деб стол устига бир даста ҳужжатларни қўяди. Бошлиқ уларни кўра бошлайди.

— Ие, ўртоқ Сўпиев, ҳаммаси жарима бўлиб кетибди-ку? Сўпиев бирдан мулойимлашади.

— Энди, хўжайин, шунақа бўлиб қолди-да...

— Нима бўлиб қолди?

— Шу десангиз, шошилиб поезд паттасини унда қолдириб кетибман. Поездга паттасиз чиққансан, деб жарима солишди.

— Шунақа денг, унда мана буниси нима?

— Хўжайин, шу десангиз, бегона шаҳар эмасми, йўлдан шундоқ ўтаётган эдим, инспектор келиб, «Ўртоқ гражданин, йўл ҳаракати қондасини буздингиз», дея жарима солса бўладими?

— Шунақа денг, майли аммо мана бунисига баҳона олмасангиз керак?

— Э, хўжайин, нимасини айтасиз, омадинг бир кетмасин экан. Кечаси чой ичадиган одатим бор. Чой ичмасам бошим тарс ёрилиб кетади. Шу десангиз кечаси чой қайнатиб ичмоқчи бўлдим. Чойни қўйибману ухлаб қолибман. Озроқ ёнғин чиқиб десангиз... Йўқ, йўқ, катта талафот бўлгани йўқ. Барака топгур, ўт ўчирувчилари хўп азамат йигитлар экан, бирпасда тинчотишди-қўйишди. Бор будимни тўладим, қолганига тилхат ёзиб бордим.

— Хўп, бунисини ҳам тасодиф дейлик, ўртоқ Сўпиев, мана бунисига бало борми?

— Қайсиниси хўжайин? — Сўпиев ҳужжатни қўлига олади ва бирдан яйраб кетади.

— Э, хўжайин, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, маст эмас эдим. Ҳушим жойида эди. Бирдан танца бошланиб қолса

бўладими? Биттаси назаримда, мени таклиф қилгандай бўлди. Ўртага тушиб энди белига қўлимни қўйганимни биламан, барзанги хуштори ёнида экан, ҳе йўқ, бе йўқ, ҳақорат қилди. Қўлим билан тушунтирмоқчи эдим, у фаросатсиз тушунмай, юзимга тарсаки тортворди. Қараб туролмадим. Аммо хўжайин, бу ёғини қойил қилдим.

— Нимани қойил қилдинг, Сўпиев?

— Нимани бўларди, хўжайин, ўн кун станцияда кўмир туширдим. Виждонан ишладим. Баъзиларга ўхшаб ишдан қочмадим.

— Ҳой, Сўпиев, ҳаммаёқни расво қилибсан-ку. Ҳатто камандировка варақасига муҳр ҳам бостирмай келибсан-а?

— Э, хўжайин, шунисига келганда айбдорман. Бўйнимга оламан. Шошилиб Наманган поездига ўтираман деб, Қаршига кетворибман-да. Ўлай агар...

— А?..

## ҚўЛЛАМАСАНГ БЎЛМАЙДИ, ЖИЯН

### Чойхонада ёзилган мактуб

Ассалому алайкум, шумболахон ука! Замонлар бунақа бўлиб кетди, қийналмай, эсон-омон юрибсанми? Шартта бостириб борай десам, қуруқ боришга хижолат қиламан. Қўлтиғингга бир нима қистириб олмасанг уйингга киролмайсану бировникида бало борми дейдиган кимарса ҳар жойда топилади. Аммо ичим тарс ёрилиб кетай деяпти, ука. Сенга айтадиган гапларим бор. Йўқ, шикоят эмас, шу ёшга етиб биров томонга тош тугул кесак отмаганман. Худога шукур, демоқчи бўлсам, шарт-шурт айтаман, қулоқ солса солди, солмаса... ҳарқалай кўлимиз ҳали бутун, акашак эмас.

Ўйлай-ўйлай охири сенга мана шу саломномани ёздим. Энди ука, биз, ҳалигиндай, жа ёзарман-чизарманлардан эмасмиз. Ўқиган одам ҳўнг-ҳўнг йиғлайдиган ҳажвийчаларни сизлар ёзасизлар. Биз энди бир оми одам. Бошимдан ўтганларни мен айтай, сен эшит. Газитчиларнинг қалам ҳақиси ошибди дейишади, бир нимага яраб қолар...

Гапни бошидан бошлай. Ўқишни битириб туппа тузук мактабда ишлаб юрувдим. Ўзингдан чиққан балога, қайга

борай давога, деганларидай, бир девор қўшним Азимбой директор бўлиб келдию иш расво бўлди. Болага икки қўйма, яхши ўқит. Ўқимаса уйига бориб ота-онаси билан гаплаш, бўлмаса маош йўқ, деб зуғум қила бошлади. Ҳай, борсам борай дедим-да, тўғри межрайбаза каттаконининг уйига бордим. Битта зумрашаси бор. Бурнинг қани десанг, қулоғини кўрсатиб тураверади. Бориб ота-онасига шарт-шурт айтдим. Отаси тушунгандай бўлди. Аммо бир қирчанғи энаси боракан, бобиллаб кетди-ёв. Ёпирай, бунақасини кўрмаганман. Бир пас тишимни-тишимга қўйиб турдим. Қарасам, қўлини бигиз қилиб башарамга яқинлашиб қолди. Ҳой, мочағар, тўхта, деганимни биламан, эркакчасига бўралаб кетса бўладими. Эри базада ишлагани билан мўрт экан. Икки мушт едию хотинининг устига қулади. Кўринг энди ғалвани. Эр-хотин саккиз қулоч ариза ёзиб прокурорга боришибди. Ҳар икки кунда сўроқ бераман. Ярамаслар устимдан нима деб ёзишибди денг. Ўша куни эрининг оғзидаги тўртта тилла тиши йўқолган эмиш. Бу ҳам майли, хотинининг бўйида уч ойлик гумонаси бор экан, у ҳам... Қарасам иш чаппа кетадиган. Ҳой одамзод, тўртта тиш бўлса, майли тўлай, гумонасини ҳам тўғрилай, қўйинглар энди шу ғалвани, деб қанча ялиндим, бўлмади. Инсофсизлар икки йилни бўйнимга лаққа илишди. Фиди-биди қилиб, ўтирмадим. Аммо ғишт завутти иши оғир бўларкан. Бир кунга фалонта нўрма. Бажармай кўрчи, қаерда тураркинсан. Унинг устига, индамасам, бир-иккита олифтаси «бизнинг ҳисобга ҳам озроқ ташиб қўй», деб хўжайинчилик қилишяпти. Бир-икки кун индамадим. Қарасам бўлмайдиган. Бор-а дедим-да «хўжайин»лардан биттасини тагимга босиб, шошилмай озроқ эзғиладим. Ўзимниям анча-мунча жойим кўкарди, зато бошқа фиди-биди қилишмади.

Икки йилни ўтказиб келсам, директор бола ишга олмай-миз, қамалган одам болаларни бузади, дейди. Қўлим қичиб турибди, эски ҳунаримни ишга солворай дейману қўрқаман. Бу гал энди аяб ўтиришмайди. Аммо аламинг ичингда қолса ёмон бўларкан. У ер-бу ерда дериктирни кўрдим, дегунча, муштларим тугилиб кетади. Бир куни бизнинг ҳовлига кириб қолишди. Ичида битта серкаси ҳам бор. Серкани ушлаб секин ошхонага олиб ўтдим. Оғзига юз эллик

грамм арақ куйвордим. Шаллақи хотиндай бақирганича кўчага чиқиб кетди.

Бир маҳал десангиз, Азимбойнинг уйида қиёмат қойим бўлди-ёв. Яқинда қиз чиқарган эди, қудалар келишган экан, серка сволич кайф устида ўзини уйнинг тўрига урибди. Шохи қуда холанинг кўйлагига илиниб қолиб, бўпти тўпалон, бўпти тўпалон. Ука, бунақа мазза қилмаганман. Аммо, барибир билиб қолишди. Ўл дейман, болангга тарбия беролмасанг, дериктир бўлиб нима қиласан? Иккита ўғли чиқиб, кўлимни қайириб, бошим қолмади, белим қолмади, роса тепишди. Ажаб қилдим, хўб қилдим, серка ҳам гапми, энди буқага ичираман, ана ўшанда кўрасанлар, деб ётибман ерда.

Икки ҳафта кўчага чиқмадим. Кейин хотинни ёнимга қақирдим. Бери кел онаси, буёғини бир маслаҳат қилайлик, дейман. Кўрқа-писа келади. Кўлида ўқлоғ. Олдинги маслаҳатлардан юрак олдириб кўйган-да. «Хотин, шулар билан ғиди-бидилашиб ўтирмай, тинчгина тижоратга ўтиб қўя қолмаймизми, дейман. — Йўқ, дейди хотин, — бозорда жанжал чиқарсангиз сизни соғ кўйишмайди. — Бозорга ўзинг борсан, мен топиб келаман, сен сотасан», дейман.

Хуллас, ука, тижоратни бошлавордик. Кечқурун сумкани кўлтиқлаб секин вокзалга бораман. Андижонми, Наманганми, Самарқандми, дуч келганига ўтираман-да бориб унча-мунча нарса оламан: Келинингиз пуллайди. Бир ҳафтадан сўнг яна бораман. Мен сенга айтсам, ука, лаллайиб юраверган эканмиз. Ишнинг зўри бу ёқда экан. Бир йилга қолмай ўзимни ўнглаб олдим. Варанглатиб тўй қилдим, Азимбойнинг бўлса иши орқага кетиб, дериктирликдан тушди. Кўчада кўришиб қолсак, тирикчилигинг тузукми, ука, хизмат-пизмат йўқми деб атайлаб сўраб қўяман. Мушукдай мулойим бўлиб «йў-ў-қ», дейишдан нарига ўтолмайди.

Аммо, кўз тегди, ука. Одамнинг кўзи бомбадаи ёмон экан. Ўтган йили Самарқанддан келаётиб ишни ўзим расво қилдим. Нима бўлди дейсанми? Ярим кечада заҳар танг қилиб ташқарига чиқувдим. Қайтиб келиб жойимга ётай десам, битта маржа ўрнимда пишиллаб ухлаб ётибди. Э, бечора, патта ололмай жойсиз қолган экан-да, ҳа

майли, озроқ мизғиб олсин, дедим-да аста ёнига чўзилмоқчи бўлдим. Овозинг ўчгур бир бақирди денг. Бутун вагон оёққа турди. Янглишиб бошқа купега кириб қолган эканман. Тепа полкадаги сўлоқмон — эри экан, икки сумка нарсани хатлади, уйимиз обиска бўлди. Хуллас калом, аканг шўрликни шип-шийдам қилишди. Шу-шу поезд деса биқинимда оғриқ туради.

Ўшандан бери чойхонадаман. Шинавандаларга ош дамлайман. Ошпазнинг олдида тижоратчига йўл бўлсин. Ҳаммаси бўйнини эгиб келади: «Ака фалон соатга, ўн кишилик ош. Ака саккиз кишига димлама». Харажатни кўриб турибсан, бозорнинг дури шу ерда. Аммо, бу ерда ҳам сал-пал ғалва бўлиб тураркан. Ўтган ҳафта қарасам, биттаси ёғни қиздирмай гўштни ташлаяпти. Ука, бироз доғ бўлсин, ошингиз ширин бўлади, десам, сиз аралашманг, нима қилишни ўзим биламан, деса бўладими. Жаҳлим чиқиб кетди. «Хў бола, отанг тенгги одамман, нима деяпсан ўзи?» дедим. Сўкиндимми, сўкинмадимми, эслолмайман. Ҳалиги тирмизак, турган жойида, хў саниям... деворди. Кўл қичиди. Қозоннинг тепасида бир нима турган экан. Жаҳл устида башарасига қараб отвордим. Бир бонка туз унга тегмай, чекка қозондаги биқиллаб қайнаётган шавлага бориб тушди. Бўлди тўпалон, бўлди тўпалон. Икки ҳафта «отпусका» қилиб кеча ишга чиқдим. Ўрним қисқариб кетибди. Ҳозирча у ёқ-бу ёқни йиғиштириб, эшик олдида «келинг, келинг», қилиб турибман. Сал қўллавормасанг бўлмайди, жиян. Ҳарқалай, чойхона кўрган боласан. Унча-бунчага гапинг ўтади. Ишим юришиб кетса, мен ҳам қараб турмайман. Ош егинг келса тўппа-тўғри келаверасан. Биронтаси фиди-биди қилса, айтдимки, қўлимиз ҳар қалай акашак эмас.

Жавобингни кутувчи — тоғанг Қиёмиддин.

## ҚҰШНИЧИЛИК

Ниҳоят уй беришди. Тўққизинчи қаватдан. Лифт ҳали ишламас экан, жиян-пиянларни ишга солиб нарсаларни таший бошладик. Аммо бешинчи қават билан олтинчи қаватнинг ўртасига келганда ишқал чиқди.

Саккизинчи қаватдагилар бошқа уйга кўчиб ўтишаётган экан, каттакон шифонерлари бувамизга буваларидан қолган дода сандиқ билан дуч келиб қолди. Узоқ давом этмаган музокарадан сўнг, олтинчи қаватда ғала-ғовур бошланиб қолди. Тўққизинчи қаватга бизга қўшни бўлиб келатган консерватория ўқитувчиси «Лирика» пианиносини тўртта сиртқи бўлим талабаси, иккита мардикор билан аранг олиб чиқишаётган экан. Шифонер бешинчи қаватда, пианино тўртинчида, йўл беришнинг сира иложи йўқ. Битта эшикни тақиллатиб, «Қўшни беш минутга шифонеримизни киритиб турайлик», дейишганди, уй эгаси «Нима, менинг уйим сенларга «хранение»ми, кеча биттаси беш минутга деб «Стенка»сининг ярмини киритиб қўйганича дараги йўқ хотин ошхонада, мен бу ёқда, «Сотовый»да гаплашиб ётибмиз, дея ўдағайлаб берди. Бошқа эшикни тақиллатишганди, бир ит шунақа вангилладика, сичқоннинг ини минг тилло бўлиб кетди.

Бу орада маслаҳатчи кўпайди-ёв. Биттаси «Шифонерни саккизинчи қаватга олиб чиқиш керак» деса, бошқаси «Яхшиси кран чақирган маъкул» дейди.

Пешиндан кейин еттинчи қаватдан уй олган ёшгина йигит келиб қолдию мушқулумиз осонлашди. Барака топгур, анча инсофли экан, «майли, шифонерни бизникига киритиб туринглар, пианино ўтиб олсин» деб ҳаммамизни хурсанд қилди. Инқиллаб-синқиллаб аранг киритдик. Улар ҳам янги кўчиб келишган экан, жой тор, шошилишда шифонер қурмагурнинг бир қирраси тегиб кетиб, бурчакда омонат турган тошойна чил-чил бўлди. Йигит шаҳд билан бориб эшикни қулфлади.

— «Трюмо» расво бўлди. Тўйда хотинимнинг ўғай отаси совға қилганди, — деди у тантанавор оҳангда. Қуршовда қолганимизни шундагина тушундик.

Шифонернинг эгаси тилхат ёзиб ҳашарга келган жиянини гаровга қўйиб, бизни озод қилди. Бир-биримиз билан энди-



энди танишаётган қўшнилари энгил тортиб ташқарига чиқдик. Қарасак, пианино жойида йўқ. Учинчи қаватдаги бир қўшни бир ҳафта чалиб туриш шарти билан уйига олиб кириб кетибди.

Пастга энди тушган ҳам эдикки, катта «КамАЗ» машинасида янги қўшнилари келиб қолишди. Қўшничилик, қараб туриб бўлмас экан. Баҳайбат ёғоч каравотни аранг елкага олиб энди тўртинчи қаватга кўтарилгандик, юқоридан буйруқ оҳангида овоз келди:

— Пўшт, йўлни банд қилманглар, «Стенка»ни олиб тушяпмиз...

## ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ

— Биласизми, муҳаррир ука, кўпдан бери масала юзасидан бошимни қаттиқ қотириб келаман, — деб гап бошлади бош муҳаррир хонасига шахд билан кириб келган Асрорхўжа. Муҳаррир «а» дейишта улгурмаёқ стулга астойдил ўрнашиб олди-да, давом этди:

— Одамлар нима учун ичкиликка, кашандаликка, баъзи ҳолларда гиёҳвандликка берилади? Гап шундаки, сизлар бепарвосизлар, миқ этмай тураверасизлар. Одамлар бўлса ўпкасини заҳарлаб, жигарини ишдан чиқариб, ошқозонини бузиб, буйрақларига зўр келтириб, кўзларини хира тортириб, оёқларини...

— Кечирасиз, — деди муҳаррир ноқулай аҳволда, — сиз шу ҳақда мақола ёзмоқчимисиз?

— Сўзимни бўлманг-да, акаси, — деди Асрорхўжа норози оҳангда, олдингизга бир кепқоппиз, охиригача эшитсангиз бўлармиди.

— Хўш-хўш, қулоғим сизда.

— Ана бу бошқа гап, муҳаррир ука. Гапимни бўлган одамни ёмон кўраман. Гапни гапга улаб, энди силлиқлаб турганинда тарвуздай шартта бўлишворади. Тамом, фикринг камбағалнинг шавласидай ёйилади-кетади. Нима деяётгандим?

— Ёшлар тарбияси хусусида...

— Ҳа, тарбия хусусида. Қани айтингчи, ёшлар нима учун айниб кетишмоқда? Оғзидан она сути кетмаган боланинг лабида сигарет. Носвой отадиганлари қанча. Маҳалламизга

келин тушувди, тўйнинг эртасига куёв бола бир нима деган эканми, келин бола оғзидаги носни башарасига туфлабди. Бу қанақа бедодлик ўзи...

— Жуда хунук иш бўлибди-ку, — бу антиқа суҳбатнинг тезроқ тугашидан умидвор бўлиб турган муҳаррир масалага ойдинлик киритмоқчи бўлди, — мана шунақа ахлоқсизликларни қаламга олмоқчи экансиз-да? Шунақами? Фикрингизни тушундим?

— Кечирасиз, ука, муҳаррир бўлсангиз ҳам айтай — ҳеч балогоа тушунмадингиз. — Аҳрорхўжа энди очиқчасига ҳужумга ўтди. — Гап мақолада эмас. Нега шундай бўлаяпти, иллатнинг илдизи қаерда демоқчиман? Сизлар нега қара-а-б турибсизлар, илдизини нега қуритмайсизлар демоқчиман...

— Кечирасиз, — муҳаррирнинг пешонасидаги ажинлар янада бўртиб кетди, — сал оширвордингиз назаримда, биз... қара-а-аб ўтирганимиз йўқ. Ёзаяпмиз, танқид қиляпмиз, жамоатчилик фикрини уйғотяпмиз. Мана, яқинда...

— Гапни айлантиришга жа устаси паранглардан экансиз, — Асрорхўжа бурнини муҳаррирнинг бурнига яқинлаштирди. — Уйғотяпмиз? Нимани уйғотяпсиз? Мана мен, жон куйдириб олдингизга келдим. Иллатнинг илдизи қаерда, нега бонг урмаяпсизлар, масаланинг моҳиятини ўрганмаяпсизлар, илдизига болта урмаяпсизлар деяпман...

— Уряпмиз, вақти-вақти билан уриб турибмиз.

— Бунақа уриш кетмайди. Конкрет иш қилинг. Фикрингизни конкрет айтинг. Иллатнинг илдизини кўрсатинг.

— Хўп, ака хўп десам қутуламанми, — муҳаррир нима қилишини билмай довдираб қолди. — Сиз ёзинг, сабабларини конкрет кўрсатинг, босмасак, мана биз — конкрет номерд.

— Оғирроқ бўлинг. Гап босишдамас, бунақада ҳадемай асабингиз тўзғиб кетади.

— Жон ака, нима қил дейсиз, ўзи? Мақсадингиз нима?

— Ие, ҳали мақсадимни тушунганингиз йўқми? Мен, ахир куйиб-пишиб ёшларимизнинг тарбияси тўғрисида гапиряпман. Кашандалик, нашавандликка бепарво бўлмайлик, деяпман. Бундай иллатларни илдизлари қаерда, нима учун ёшлар...

— Тўхтаг, одамни қон қивордингиз-ку. Мақолангиз тайёр бўлса беринг, кўриб чиқайлик. Ёзмаган бўлсангиз ёзинг...

— Ёзинг? Кечирасиз, муҳаррирман деб дуч келган одамга буйруқ бераверар экансиз-да. Нима, мен югурдак мухбирингизманми?

— Жон ака...

— Нима жон ака? Битта гапимни охиригача эшитмайсиз. Оғзимни очишим билан, «э-э хўш-хўш»лайверсангиз, бунақада сиз билан гаплашиб бўладими?

— Хўб, ана сиз айтгандек бўла қолсин. Қулоғим сизда. — Муҳаррир шундай деди-да «Э, бор-е, оғзинг чарчагунча вайсайвермайсанми» дегандай, чойнакдаги чойни жўмрагидан хўриллатиб шимира бошлади. Бунни кўриб Асрорхўжага жон кирди

— Қани, айтингчи, жаноб муҳаррир, ичаётганингиз кўк чойми?

— Кўк чой.

— Доим ичасизми?

— Доим ичаман. Ҳар куни ичаман. Эрталаб ичаман. Пешинда ичаман. Кечаси ичаман.

— Бир кун ичмасангиз бошингиз оғрийдими?

— Оғрийди. Ғувлаб кетади. Ёрилишига сал қолади. Хўш...

— Сафарда ҳам «95» ни канда қилмайсиз?

— Қилмайман!

— Биласизми, сиз кимсиз — бориб турган нашавандсиз...

— Ие, ие, оғзингизга қараб гапиринг, ҳали мен сизга нашаванд бўлиб қолдимми?

— Худди ўзи-да. Мана исботи, эртаю кеч ичасизми — ичасиз, ичмасангиз турулмайсизми — турулмайсиз, бир кун ичмасангиз бошингиз ғувлайдими — ғувлайди. Бирор ёққа боргудек бўлсангиз, ёнингизда олиб юрасизми — юрасиз. Босиб-босиб ичиб кайфини сурасизми — сурасиз. Сиз...

— Мен...

— Ҳақиқий нашавандсиз. Мана энди топдим.

— Нимани топдингиз?

— Ёзмоқчи бўлган одамимни-да.

— Ҳали мен ҳақимда ёзмоқчимисиз?

— Именно шундоқ. Хўп, хайр.

Асрорхўжа солдатлардай ғоз юриш қилиб хонадан чиқиб кетди.

— Ҳой, ака... Тўхтанг... Ака...

Муҳаррир бўшашиб ўтириб қолди. Қўнғироқ тугмачасини босиши билан эшикда котибанинг боши кўринди:

— Қодир Қиёмович, чойни аччиқроқ дамлайверайми?...

## ОБУНА

Бугун анча барвақт турдим. Чироқни ёққан эдим, «па-пақ, биззг» деган овоз чиқдию лампочка куйди. Электр ишларига унча тушунавермайман, нонуштадан кейин уй-жойдан фойдаланиш корхонасига қўнғироқ қилдим. Гўшак шангиллаб гап-гапга қовушмади. Аранг тушунтирдим. У томондагилар «Келинг, шу ерда ҳал қиламиз» дегандай бўлишди. Тушдан кейин борсам, бўлиққина жувон менга маъноли қараб турибди. Шунақа-шунақа, қисқа туташув бўлиб, лампочкамиз куйиб қолди, янгисига алмаштирсам, яна куйиб қолса-я, дедим.

Аёл янада маъноли табассум қилди.

— Ташвиш қилманг, йигитларимиз шу бугуноқ тўғрилаб беришади. Фақат...

Ишора тарнови қаяққа оғаетганини англадим-да, дедим:

— Унча-мунча ҳаражат бўлса, бемалол...

— Э йўқ, — эътироз билдирди жувон, — биласизми, бизда... ҳалиги, тартиб шунақа. Ҳозир обуна мавсуми эмасми, «Нурчилар овози» газетамизга обуна бўлишингиз керак. Биз обуначиларга йил давомида беминнат, бунинг устига имтиёзли хизмат кўрсатамиз.

Кечқурун телевизорда футбол ўйини бор эди, тортишиб ўтирмай, шартта расмийлаштирдим-қўйдим. Монтер бола мен билан келиб лампочка патронини алмаштириб кетди.

Кечқурун футболни мириқиб томоша қилдик. Хотиним уй-жой бошқармасига борганимни эшитиб дарҳол мингирлашга тушди.

— Қизиқсиз-да, дадаси, борган экансиз, шундоққина нариги хонага кириб уй пулини ҳам тўлаб келсангиз-ку?

Эртасига эрталаб уйнинг пулини тўладим, бир йўла «Коммуналчи ҳақиқати»га обуна бўлдим. Ишхонага келиб, бу янгликдан хотинимни хабардор қилиб қўяй дея телефон рақамларини терсам, робот тўтиқушдай қайтариб ётибди: «Телефон пул тўланмаганлиги учун узиб қўйилган. Телефон...»

Бошлиққа маъруза ёзиб беришим керак, «АТС»га котибамни жўнатдим. Шу кетганча кечга яқин чарчаб-ҳориб кириб келди.

— Намунча, — дедим ансам қотиб, — «АТС» Қўйлиққа кўчиб кетибдими?

— Йўғ-э, — котиба ҳам бўш келмади, — одам тирбанд, ҳамма обуна бўлиб ётибди. Беўчир яқинлашиб бўлмайди...

— Қанақа обуна? — дейман кутилмаганда овозимни баландлатиб.

— Қанақа бўларди, «Уяли алоқа» ҳафтанома-сига-да. Уларда қоида шунақа экан, обуначиларга имтиёзли хизмат кўрсатилар экан. Мана, квитанцияси. Али Отаевич, кроссворд чиққан сонларини бериб турсиз-да, а?

Асосий янгиликни кечқурун уйимизда эшитдим. Келинимиз қишки кийимларни тозалатгани обориб, ўрисча ва инглизча чиқаётган «Химчистка сегодня» газетига обуна бўлибди. Майли, роса мириқиб ўқийдиган бўлдик.

Хурсанд бўлиб ўтирган эдим, хоним яна «лекция» бошлаб қолдилар:

— Дадажониси, эртага набираларингиз келар экан, гўштнинг таги кўриниб қолган. Қассобхонага бир кириб ўтасизда-а?

— Хўп, — дедим, — уч-тўрт кило лаҳм олсак етиб қолар.

Шундай дедиму бирданига афтим ўзгариб қолди. У ерда ҳам обуна давом этаётган бўлса-я?

## ҚЎШИМЧА ПЕРСОНАЖ

Пиеса ўқилган куннинг эртасигаёқ роллар тақсимланиб берилди. Бош ролни бош режиссёримизнинг бўлажак қайнонаси Холпош хола ўйнайдиган бўлдилар. Асар муаллифи, афтидан холамизни билади шекилли, сакраб ўрнидан турди.

— Ташвиш қилманг, — деди бош режиссёр унинг мана шундай сакраб туришини аввалдан билгандай. — Пиеса муаллифи сиз, спектаклни, мана, биз, қўямиз. Керак жойига қўшамиз, керакмас жойини олиб ташлаймиз. Чўзамиз, ямаймиз, ўзгартирамиз. Хулласки, буёғини бизга қўйиб беринг.

Холпош холанинг оёқлари бир вақтлар спектакл айна авжига келганда нарвондан қулаб лат еган. Ўшандан бери бизда қанақа асар қўйилмасин, сценарий у кишининг оёқларига мослаштирилади: холамиз сўрига ёнбошлаб оладиларда, бемалол бош ролни ўйнайверадилар. Бу гал ҳам худди шундоқ бўладиган бўлди.

Иккинчи кўринишда бош қаҳрамон бўй етиб қолган наби-раларига шилқимлик қилиб, солиқ инспекцияси ходими ниқобида келган талабани олдиларига солиб қувлашлари керак. Бош режиссёр бу масалани олдийгина ҳал қилди-қўйди: асарга қўшимча персонаж — Сарви холанинг ўғли киритилди. Хола ўтирган жойларида:

— Ҳой, ким бор, — деб қичқирадилар.

— Мана, биз бор-да, холажон, деб қўшнининг ўғли саҳнага кириб келади ва шилқим йигитни гир айлантириб қува бошлайди.

Учинчи кўринишда сценарий бўйича бош қаҳрамон дала шийпонидаги бодом дарахтига суяниб қўшиқ куйлаши керак. Холамизиинг бўлса овозлари чатоқ. Бош режиссёр бунинг ҳам йўлини топди. Ашула айтиладиган пайт яқинлашганида шийпон олдидан бир қиз ўтиб қолади. Сценарийга қўшимча киритилган бу персонаж бош қаҳрамоннииг илтимосига биноан бир жуфт шўх қўшиқ куйлаб, сўнг парда ортига аста ўтиб кетади.

— Ҳўп майли, — деди муаллиф бунисига ҳам рози бўлиб. — Аммо учинчи кўринишни нима қиламиз?

— Учинчи кўринишга нима қипти? — ҳайрон бўлиб сўради бош режиссёр.

— Бош қаҳрамон пешайвонда бадантарбия қилиши керак-ку, — куюниб деди муаллиф.

— Э, шу ҳам муаммо бўлдими, — кулиб юборди бош режиссёр, — саҳна очилганида қаҳрамонимиз бадантарбияни тугатиб, юз-қўлларини ювиб, ёнбошлаб ётган бўладилар. Битта қўшимча персонаж киритамиз...

— Томошабин бадантарбия тугаганини қаердан билади? Қўшимча персонаж саҳнага аста кириб келади-да, «Э, бадантарбияни ҳам тугатибсиз-да, холажон», дейди, тамом-вассалом.

Муаллиф кўнди. Аммо еттинчи кўринишга келганда оёқ тираб туриб олди. Бу кўринишда бош қаҳрамон қўшнисини Ҳожар хола билан даҳанаки жанг қилиши керак. Режиссёр

римизнинг бўлажак қайноналари бўлса, нафас йўллари шамоллаб, мана неча йилдирки шивирлаб гапиришдан нарига ўтолмайдилар. Овозларини ёнларидаги кишидан бошқа ҳеч ким эшитмайди.

Режиссёр, афтидан бу жойни ҳам аввалдан ўйлаб қўйган шекилли, пинак бузмай жавоб қилди:

— Демак, мана бундоқ: даҳанаки жанг саҳна ортида кечади. Саҳна очилганида бош қаҳрамон «жанг»ни тугатиб, сўрига ёнбошлаб турган бўлади.

Бу дунёда йўли топилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ экан. Ҳамма муаммо оппа-осон ҳал бўлиб кетди. Режиссёримизнинг тadbиркорлиги тўфайли спектаклни ўн киши эмас, йигирма тўрт киши ўйнайдиган бўлди. Артистлар етишмай (бунақаси анчадан бери бўлмаган эди) баъзиларга икки-учтадан рол тегди. Театримиз қоровули, асли актёру ичкиликка берилганидан режиссёрларнинг назаридан қолган Назаровга ҳам битта персонаж тегиб қолди. Оғзи қулоғида. Аммо...

Премьера куни ҳамма ўрнидан туриб ижрочиларни саҳнага чорлашганида қандоқ бўларкин? Ўйлайвериб бошим қотиб кетди, кеча кечқурун репетиция тугагач, бош режиссёримиз елкамга қоқиб деди:

— Э, соддаси тушмагур-ей, шуни ҳам билмайсизми? Ҳурмат маъносида бош қаҳрамонни саҳнага кўтариб чиқамиз.

— Шундайку-я, — дедим сал дудуқланиб, — аммо Холпош Холлиевани кўтариш масаласи...

— Ташвиш қилманг, — деди режиссёр, — беш минутга амаллаб кўтариб туришади...

## АЛВИДО, ХУРРАК

Мана ниҳоят, хуррак азобидан қутуладиган бўлди. Ёш оҳангаронлик олим бу борада узоқ изланар экан, ниҳоят хуррак балосидан қутилиш йўлини топди.

Хуррак — мухтасар айтганда, бемаза касаллик. Бу дардга мубтало бўлганлар хурракни гумбурлатиб ухлайверадилар, аммо ён-атрофда қиёмат қойим бўлади. Шунақа хурраклар борки, дераза ойналари дош бера олмайди. Битта сифатли хурракча бутун бир маҳаллага уйқу бермайди.

Хуррак овози ўзининг бетакрорлиги билан ҳам ажралиб туради. Тутун чиқазиш трубасига латта тиқиб қўйилган эски «Москвич» машинасининг бўғиқ патиллашига ёки жаҳон урушларида душман томонидан номардларча отилган снаряднинг бемаврид чийиллашига ўхшаш хурраклар бор. Шошқалоқ қассоб қўлида жон таслим қилаётган қўчқорнинг сўнги нафаси ёки кўпкари чопилавериб тош бўлиб кетган ерни ҳайдай олмай бўкираётган тракторнинг дардли ноласини тасаввур қиласизми? Ғат-ғат хуррак, ҳингир хуррак, кўрр-кўрр хуррак... Эҳ-ҳе, бу саноқни яна қанча давом эттириш мумкин. Бу дунёда ҳозир олти миллиард одам яшайди. Шунча одамнинг ичида бири иккинчисига айнан ўхшаш иккита одамни топа олмаганингиздек, иккита бир хил хурракчини ҳам топиб бўлмасиз. Бири хуррагини дағдағавоҳима билан бошлайди, иккинчиси ҳазинлатиб туриб жонингизни олади, учинчиси фирт шаллақининг ўзи ҳай, деганингиз сари авжига чиқади. Тўртинчиси бор — тингловчига қараб тўн бичади. Ана шуниси чатоқ.

Яқинда битта хуррак эшитдим — нақд «Ўхшайдику» ашуласининг мусиқаси: «Тапта татам — тутум-тутум, тапта татам — тутум-тутум...» ҳар замонда даромад ҳам қилиб қўяди: «О, ҳо-йй». У ёнбошидан бу ёнбошига ағдариб қўйсангиз, баттар авжига чиқади — бу ёғи энди «Андижон полкаси». Чидамай уйқу ҳолича ўтқазиб қўйдик. Эҳ, одам бошига ҳамма бало ўз қилмишидан келар экан. Ана хуррагу мана хуррак! Ўтирган жойида қўлини қўлига қўйиб, бошини қуйи солганча бир хуррак бошлади — бунақасини эшитмабсиз — дунёга келмабсиз: «Беқасам тўнлар кийиб, мунча мани куйдурасан. Ҳар замонда бир қараб...»

Хуллас, хуррак ҳақида ёзаман десангиз, тегирмоннинг новидан тушаётгандай қуйилиб келаверади. Хўш, оҳангаронлик олимнинг ихтироси нимадан иборат экан, деган ҳақли савол туғилади. Марҳамат, танишинг: олим томонидан яратилган мўъжазгина овоз ютгич уйқу олдидан бурун катакларига жойлаштириб қўйилади. У ичкаридан гумбурлаб келаётган хуррак овозини тамомила сўндиради. Эътиборли томони шундаки, мослама инсон вужудига, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, ёқимли хушбўй ҳид таратади. Хуррак қанчалар кучли бўлса, хуррак отилаётган хонанинг



ҳавоси шунчалар шаффоф бўлади. Мосламани айрим маърузалар чоғи ҳам бурун катагига жойлаштириб бемалол дам олавериш мумкин.

Олимнинг айтишича, янги мослама бир неча машҳур хурракчиларда синаб кўрилган ва мутахассисларнинг юксак баҳосига сазовор бўлган. Мухбиримизнинг «Хурракка қарши мосламани қачон ва қаердан сотиб олишимиз мумкин?» деган саволига, афсуски, олим бироз мужмал қайтарган. Унинг фикрича, мосламани сотувга чиқаришдан олдин баъзи муаммоларни ҳал қилиб олиш зарур эмиш.

Масалан, хуррак отиш даражаси ҳар кимда ҳар хил бўлганидек, бурунлар ҳам бир-бирига асло ўхшамайди. Бировга ундайроқ, бировга мундайроқ мослама керак. Шундай бурунлар борки, улар учун алоҳида размерли мослама тайёрланмаса, бўлмас. Демакки, мосламанинг размерга қараб унинг таннархини аниқлаш лозим бўлади.

Бу масала тез кунларда ижобий ҳал бўлади, деган умиддамиз.

Хуррак балосидан қутулганимиз ҳаммамизга қутлуғ бўлсин.

## СЮРПРИЗ

Янги йил арафасида маликаи муҳтарамамиз навбатдаги ташаббус билан чиқдилар:

— Эржон ака, бу йилги байрамни сал бошқачароқ кутиб олайлик, илтимо-ос.

— Масалан, қандоқ? — қизиқсиниб сўрадим мен.

— Мен Қорқиз, сиз Қорбобо бўлиб, бирорта дўстимизнинг уйига таппа бостириб борсак, ажойиб сюрприз бўларди-да.

Ўйлаб кўрсам, ёмон таклиф эмас. Қўлимда узундан-узоқ рўйхат, бозорма-бозор зир югуриб анча-мунча нарса харид қилишим керак. Пул етмаслиги аниқ, кеча улфатларга ҳотамтойлик қилворибман. Хонимнинг гапи кўнглимда чироқ ёқиб юборди. Мулойимгина «майли», дедим қувониб.

Хотин зоти уқувли бўлса яхши-да, бинойидек тайёргарлик кўриб қўйган экан, Янги йил кириб келишига чамаси икки соатлар қолганида болаларни овқатлантириб, совға-

саломини бериб, йўлга тушдик. Қаерга денг — келинойингизнинг яқин дугонаси, машхур тижоратчи Хирмонойникига! Дубайдан кеча қайтибди, байрам баҳона бир яйрайдиган бўлдик-да.

Кетяпмиз. Ясама соқол ўлгур кўчиб, гашимни келтиради. Таксичи бола ажабтовур шинаванда экан, қанча беришимизни сўрамади ҳам. Йўл-йўлакай қизиқ-қизиқ ҳангомалардан гапириб шунақа кулади, шунақа кулдирадими, машина рули кўлидан чиқиб кетадими, деб хавотирга тушаман. Бир маҳал қарасам, Янгиобод қолиб, Қўйлиқ томонга суряпти.

— Ҳой ука, ҳали кайфимиз ошгани йўқ, Янгиободга боришимиз керак, — дейман энсам қотиб. Аммо у парво қилмай:

— Энди акажон, битта эркалигимизни кўтарасиз-да, — дейди орқага ўгирилиб. — Сизлардан пул олган номард. Шу яқин жойда тураман. Битта акахонимизнинг туғилган кунлари. Олтмишга тўлдилар. Бирров кириб ўтамиз. Йўқ деманг, ака. Умрим бино бўлиб, бунақа хушсурат Қорбобони кўрмаганман. Қорқизга-ку гап йўқ. Кирамизу чиқамиз. Ана ундан кейин Янгиободнинг қаерига десангиз фзиллайтиб обориб кўяман. Жон ака...

— Майли, фақат тезроқ, яна Янги йилдан кеч қолиб кетмайлик, — дейишдан бошқа иложим қолмади.

Етиб келиб, таксичи бола олдинда, биз орқада, тўртинчи қаватга аста кўтарилди бошладик. Киравериш эшиги очиқ экан, ичкаридан гуррас-гуррас кулги эшитилди. Остонадан ҳатлашим билан соқол ўлгур яна осилиб қолса бўладими. Бир амаллаб тўғриладим. Кирдик. Ёпирай, худо урди мани. Не кўз билан кўрайки, уйнинг тўрида Мансурхон Маҳмудович виқор билан ўтирибдилар-да! Аъзойи баданимдан тер чиқиб кетди. Ичимдан ўтгани ўзимга маълум, ахир Мансурхон Маҳмудович — бошқармаимизнинг минг йиллик бошлиғи-ку. Икки кун аввал тобим йўқлигини айтиб, ишдан жавоб сўраган эдим. Кўзлари галати пирпираб «Сен бола, ҳақдингдан ошма, йил адоғида касал бўладиган ходимга тобим йўқ, бу гал майли, аммо яна бир марта шунақа хунар қилсанг, ковушингни тўғрилаб кўяман», дегандилар маънодор қилиб. Буёғи энди қандоқ бўлди?

Ҳеч гапдан хабари йўқ хотиним биқинимга туртишни бошлади:

— Бошланг, кеч қоламиз...

Нимани бошлашни билмайман. Қарасам, Мансурхон Маҳмудович негадир хижолат тортиб, ўзларини кўярга жой топа олмай турибдилар. Кўзлари сал бежоми-ей. У кишини бу ҳолатда асло кўрмаганман. Гўёки, айб қилган мен эмас — Мансурхон акам. Таваккал, дедим-да бошладим.

— Ҳурматли Мансурхон Маҳмудович! Сиздек улуғ раҳбаримизни муборак олтмиш ёшингиз билан аввало ўз номидан, бола-чақа, қўйингчи, бутун оиламиз номидан табриклайман...

Таксичи ёнимга келиб аста қулоғимга шивирлади:

— Нималар деб валдираяпсиз, қанақа оила, шогирдлар номидан табрикланг.

— Сиздан ҳамиша миннатдор шогирдларингиз номидан ҳам табриклайман... Мен сизни ходимларга меҳрибон, ғамхўр, олижаноб бир раҳбар сифатида жуда яхши биламан. Сиз шу чоққача бирорта ходимнинг кўнглини оғритмагансиз, бурнини қонатмагансиз. Хатоларимизни кечиргансиз, ҳозир ҳам ҳар биримизга, айниқса менга, оталарча йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқдасиз. Қачон ишимиз тушса, тўппа-тўғри олдингизга кирамиз. Шунча йил ишлаб «Йўқ» деган сўзингизни эшитмаганмиз. Минг раҳмат, Мансурхон Маҳмудович!..

Таксичи менга ўқрайиб қаради, оёғимни босиб, бир нима демоқчи бўлаётган эди, Мансурхон ака шартта тўхтатди:

— Фикрини бўлма, гапирсин.

Ана ундан кейин жўшиб кетдим.

— Муҳтарам Мансурхон Маҳмудович! Бизнинг бахтимиз шундаки, бошимизда сизга ўхшаган одамохун, қалби дарё, бағри кенг раҳбар бор. Сиз бор экансиз...

Мансурхон Маҳмудович ийиб кетиб, қўлидаги қадаҳи билан ёнимга келди. Азбаройи терлаб кетганимдан соқол ўлгур бутунлай кўчиб тушди. Мансурхон акам уни бир амаллаб жойига ёпиштириб, аста қулоғимга шивирладилар:

— Хижолат бўлманг ука, ҳозир қўшимча даромад топишнинг уят жойи йўқ. Кейин... у кунги гапларимга парво қилманг. Худо хоҳласа, яхши ниятлар бор ҳали...

Мен ахлоқ гапни шу жойда тўхтатсам-ку, олам гулистон эди-я. Бир бошласам, ўзимни тўхтата олмайдиган ярамас

одатим бор. Бу гал ҳам шу одатим кўзиб қолди. Ҳамду санони давом эттирдим. Нима дебман денг:

— Сиз меҳрибон раҳбар бўлиш билан бирга, оилапарвар, оиласевар инсон ҳамсиз. Жамилахон кеннойим билан уч ўғил, уч қиз, ўн олти набирани тарбиялаб, ювиб-тараб, вояга етказдингиз. Бугун улар...

Мансурхон Маҳмудович негадир шолғомдай қизариб кетди. Бас қил, дегандай, биқинимга туртиб қўйдилар. Турткининг маъносини тушунмай, тўрда салобат тўкиб ўтирган келинойимга қараб мақтовни янада оширдим:

— Ҳурматли Жамила Мажидовна, Мансурхон акам эришган ютуқларда шахсан сизнинг ҳам катта ҳиссангиз бор...

Гапимнинг давоми оғзимда қолди. Таксичи бола биқинимга дурустгина мушт туширди. Бу ҳам майли, Мансурхон Маҳмудович «Ҳой аблаҳ, нималар деб валдираяпсан ўзингдан ўзинг?» десалар бўладими. Меҳмонлар бир-бирларига олазарақ қарай бошладилар. Жамила кеннойимнинг ранги докадек оқариб кетди, ўрнидан даст турди-да, «Вот как», деб Мансурхон акамнинг юзига пиёладаги ароқни сепиб юборди. Гала-ғовурда бошлиғимизнинг «Зиночка, успокойся, бу бола ҳазиллашаяпти, сени кулдирмоқчи», деган гапларини эшитдим кўзим мошдек очилди. Менга қараб эса «Айб ўзимда, сен ярамасни аллақачон ҳайдашим керак эди», дедилар. Мана буни қовун тушириш деса бўлади.

Ташқарига қандай чиққанимизни билмайман. Таксичига ҳам қарамай, дуч келган машинани тўхтатиб Янгиободга йўл олдик. Ана, Ҳирмонойнинг ҳовлиси. Ў-ҳў, ўзиям ҳовлимисан ҳовли бўлибди-да. Дарвозани тақиллатиб ётибмиз, биров овоз берайин демайди. Охири, қоровулсифат бир одам чиқди.

— Ҳирмоной уйдадилар?

— Йўқлар, поччам билан Қорбобо-Қорқиз бўлиб, Машҳура деганникига янги йил кутгани кетишди...

— Қайси Машҳура? — ҳайрон бўлиб сўради хотиним.

— Насияга мол олиб, пулини чўзиб юрадиган Машҳура писмиқ-да, — деди қоровул менга тикилиб қарар экан.

Хотинга бир ўқрайган эдим, довдираб қизарганича ўзини оқлашга тушди:

— Бекорни айтибди, бир тийин қарзим қолган эмас.

«Менга билдирмай, нима ишлар қилиб юрибсан», дейишга оғиз жуфтлагандим, ичкаридан курант овози эшитилиб, хо-

тинимнинг жонига оро кирди-ю, «Адажониси, Янги йилингиз кутлуғ бўлсин», дея ўзини бағримга отди.

Хуллас, Янги йилни Хирмонойнинг дарвозаси ёнида кутиб олдик. У ёқда Хирмоной ҳам дарвозамизнинг олдида эри билан ачомлашиб тургандир-ов...

## АСАБИНГИЗНИ АСРАНГ...

Эрталаб телевизорнинг қулоғини бурасам, вақтни беҳуда ўтказмаслик, арзимаган нарсага асабни бузмаслик тўғрисида кўрсатув намойиш этилаётган экан. Қани, кўрайчи, дедим-да, диванга астойдил ёнбошладим.

Бошловчи қиз ҳайҳотдай залнинг бир томонини тўлдириб турган ёш йигит-қизларга савол ташлади:

— Баъзилар арзимаган, фойдаси йўқ ишлар билан ҳам машғул бўлишади, сал нарсага жаҳл қилиб, асабларини бузишади. Маҳалламизда яшайдиган бир одам бор, ўзига мутлақо даҳли бўлмаган ишларга ҳам аралашиб, куюнчаклик қилиб юради. «Ҳой, отахон, нима қиласиз асабингизни бузиб», десангиз, баттар тортишади. Мана оқибати — касалхонага тушиб қолди. Хўш, сизлар бу масалага қандай қарайсизлар.

Кўпчилик кўлини кўтарди.

— Умримда бировнинг ишига аралашмаганман, — деди сочлари ўсиб елкасига тушиб турган йигит. — Менга нима, дейман-да, ўтиб кетавераман.

— Тўғри қиласиз, — унинг гапини маъқуллади ёш қизча, — ҳозир бировнинг ташвишини қиладиган замон эмас. Ҳамма аравасини ўзи тортиши керак.

Кўрсатувда қатнашаётган жиккаккина олим кўзойнагини тўғрилаб олди-да, баҳсни давом эттирди.

— Инсоннинг емирилган асаб толалари қайта тикланмайди. Бир киши, масалан, арзимаган бир нарсадан хафа бўлиб, асабини бузса, ўртача бир миллион донга асаб толаси ишдан чиқади. Ана энди ўйлаб кўрайлик. Дуч келган нарсага эътибор бериб, асабимизни ҳуда-беҳудага бузаверсак, оқибати нима бўлади? Афсуски, бунга кўплар жиддий эътибор беришмайди.

Олий ўқув юртида сабоқ берадиган ўрта яшар фан номзоди гапни иқтисодга бурди.

— Юқорида айтилган гапларга қўшиламан. Аммо, кўпчилик бир нарсага эътибор бермаяпти. Бу — вақт масаласи. Агар биз дуч келган муаммо устида бош қотираверсак, қимматли вақтимизни йўқотамиз. Бугун вақт деганлари олтиндан ҳам, асабдан ҳам қиммат...

Шу жойга келганда асабим дош бермади. Ўзимча ғудрана бошлаган эдим, ошхонадан хотиним, назаримда у ҳам бир нимадан асабийлашаётган эди, чиқиб келди.

— Ҳа, хотинжон, тинчликми?

— Ялпайиб ётишингизни қаранг, соат ўн бўляпти. Соқол қурғурни қачон оласизу қачон ишга борасиз? — деди у телевизорни шарақлатиб ўчирар экан.

— Тушунмайсан-да, хотин, — дедим овозимни сал баландлатиб. — Эҳ, шунақа бемаза кўрсатув бўлдики, дод деворинг келади. Қаердаги гапларни гапиришади-я. Ё тавба, бошқа ишлари қолмаганми дейман-да...

— Бемаза бўлса, нега кўрасиз асабингизни бузиб, — хотинимнинг кайфияти баттар ёмонлашди.

— Бузсам ўзимникини бузаман, сеникини эмас, — дедим хужумга ўтиб.

— Эрталабдан асабимга тегманг, — деди у қошларини чимириб.

— Ўзинг тегма, — дедим бобиллаб.

— Сизга ўзи гап уқдириб бўлармиди, — деди у кўзига ёш олиб.

— Нима? Ҳали мен гап уқмас бўлиб қолдимми. Мана сенга, — дедиму...

Бошланди. Аниқроғи, ўзим бошладим. Худди кечагидай, анча-мунча нарса чил-чил бўлди. Ё тавба, эрталаб бир яхши турган эдим. Нима бўлди ўзи?...

## РАДДИЯ ТАЛАБ ҚИЛАМАН

Ҳурматли чойхона катталари!

Салом-алик қилиб ўтиришга вақтим йўқ, гапнинг пўст калласини айтиб қўя қолай. Битта тирмизак шоир газитта мени ҳажвия қилиб чиқибди. Ҳажвия эмас, рўмон-пўмон қилса ҳам қарши эмасман, аммо тўғриси янги ёзсин-да. Нима қилади, ёлғон-яшиқни аралаштириб. Мана, точний фактлар.

Ҳажвияда «Мирзабой шу чоққача беш марта уйланган, беш жойда бола-чақаси бор, биттасидан ҳам хабар олмайди», дебди. Бекор гап. Биринчидан, беш марта эмас, тўрт марта. Иккинчидан, бор-йўғи учта хотиндан фарзанд кўрганман, холос. Иккитаси шу ишни ҳам тузукрок эплай олмаган. «Ичиб маст бўлиб, қўшниси Тўланбойнинг бошига устма-уст мушт солди, олтита тишини синдирди» деган гап ҳам фирт ёлғон. Билмаса, нима қилади ёзиб? Боксёр бўлсамки, устма-уст мушт туширсам, бунақа усулни билмайман. Мўлжаллаб туриб, битта солганман, шилқ этиб тушган. Вассалом. Иннайкейин, олтита эмас, атиги тўртта тиши кетган, холос.

Бу ҳам майли, аммо охирги гапи нақд уёғ-буёғимдан ўтиб кетди: «Ҳалиям тавбасига таянмай, қўшнисига тиш қайраб юрибди...» Фаросати борми ўзи, тўрт мучалим соғ, муштраим, оёқларим омон бўлса, тишимни қайраб нима қиламан? Нима, мен уни емоқчимидим?

Хуллас, шу тўғрида кичикроқ раддия эълон қилиб, бу бемаза шоирни тартибга чақиритишнинг илтимос қиламан. Ё бўлмаса, ўша ёлғончи шоирнинг уй манзилини ёзиб беринглар, иссиғида ўзим гаплашиб қўя қолай. Ўзиям шу бола билан бир гаплашгим келяпти, бир гаплашгим келяпти...

## ЎЛМА, ОШҚОЗОН

Ҳамир қорадиган тоғора борми, келинг, шуни бир тўлдирайлик. Қандай қилиб, дейсизми? Қандай қилиб бўларди, кўпчилик қандай тўлдирса, биз ҳам шундай тўлдирамиз-да. Маъқулми, қани, бошладик бўлмаса.

Ҳўш, тоғорага дастлаб бир пиёла минерал сув ёки муздек компот қуямиз. Устига бир бурда патирни майдалаб ташлаймиз. Ундан кейинги бурдаларни қаймоқ ёки мураббога булаб соламиз. Устидан бир пиёла иссиқ чой тўкамиз. «Олой» бозорида ангишвонага ўхшаш бонкачаларда сотилган газаклардан бир-икки қошиқ оламиз-да, уларни ҳам тоғорачага ағдарамиз, устидан бир пиёла арақ ёки коняк қуямиз. Озроқ яхна гўшт, икки япроқ қази, бир бўлак тил, бир бўлак колбаса, пишлоқ, бир-икки дона сомсани ҳам

навбати билан тоғорага ташлаймиз. Устига бир пиёла чой қуямиз. Бир бўлак товуқ гўшти, уч-тўрт қошиқ «Олиб е» салатидан босамиз.

Қарабсизки, аралашмамиз тобора қаппайиб бораверади. Аммо биз тўхтамаймиз. Шу жойга келганимизда бизга яна бир-икки пиёла арақ, минерал сув, тузланган бодринг, сузма, сарёғ билан балиқ увилдириғи керак бўлади. Уларни тоғорага пешма-пеш босганимиздан кейин устига яна бир-икки пиёла арақ тўкамиз, бир бокал пивони сепворамиз ва аста аралаштирамиз.

Шу жойга келганда бироз танаффус эълон қиламиз. Сигарета тутатиб, тутунини қоришмамизга қараб пуфлаймиз. Танаффус тугаши билан тоғорага яна бир пиёла арақ тўкамиз. Устига бир коса шўрва ёки хоҳлаган бошқа бир суюқ овқатни жилжиратиб қуямиз. Яна араққа навбат келади. Арақни яхшилаб қуйганимиздан кейин бир ликопча норин ҳам эшилиб-тўлғониб тоғорага тушади. Устини арақ билан ҳўллаймиз. Бундан кейинги жараён тахминан шундай кечади:

- бир пиёла арақ, бир жуфт манти, бир карж тарвуз,
- бир пиёла арақ, тўрт кесим ҳасип, бир карж тарвуз,
- бир пиёла арақ, иккита кабоб, бир фужер минерал сув,
- бир пиёла арақ, бир ошам ош,
- бир пиёла арақ, яна бир ошам ош,
- бир пиёла арақ, бир карж тарвуз,
- бир пиёла арақ, бир карж тарвуз,
- бир пиёла арақ...
- Э, тўхтанг-тўхтанг, тоғора тўлиб кетди-ку.
- Тўлди дейсизми?
- Тўлиши ҳам гапми, бижғиб кетди. Сассиғига чидаб бўлмаяпти.
- Чидаб бўлмаяптими? Э, ўлма ошқозон!



## «ОШХОНАНИНГ МУШУГИ» — БРАЗИЛИЯДА...

Лотин Амриқоси санъаткорларига қойил! Кино деганларини лағмон чўзгандай шунақа чўзишар эканки, таъми тахирроқ бўлса ҳам, эр-хотин, бола-чақа, жиян-пиян чўзилишиб кўраверар экансан. Битта мухлис азбаройи қойил қолганидан ё жонидан тўйганидан мана бундоқ шиғир ҳам ёзган:

**Шу кино деб хотинимдан, уйимдан кечдим,  
Қўни-қўшним, бола-чақа, тўйимдан кечдим,  
Тун уйқумдан, эрталаб иш жойимдан кечдим,  
Қойил, Лотин Амриқосин санъаткорлари!**

Қойил қоласан-да. Декорация-пекорация деб бошни қотириб ўтирмай, бир-иккита диван, телефон аппарати, уч-тўртта қаҳва идиш бўлса кино деганингиз суратга олинаверар экан. Яна шуниси яхши эканки, бундай киноларни сериямасерия кўрсангиз ҳам, икки-уч ойда бир томоша қилиб қўйсангиз ҳам мазмунини тушунаверар экансиз. Бизнинг кинолар бўлса жуда расво, кутилмаганда хотинингиз чой узатиб қолса борми, унга қўл чўзаман деб қанча воқеадан қолиб кетасиз.

Яқинда бразилияликларнинг «Бехосият мерос» филмини томоша қилиб ўтириб, бехосдан «Ана, қаранглар, ушланглар» деб юборибман. Эргаш ака Каримов ўйнаган «Ошхонанинг мушуги» телеминиатюрасидаги Жанеттани эслайсизми, филмда ана шу жононни кўриб қолдим-да. Бу Жанеттаси тушмагур, Эргаш акамнинг «пишти»дан кейин қаёққа ғойиб бўлди экан-а, деб юрардим ўзим ҳам. Э, қойил-е, Бразилияга сурворган экан.

Нима бўлди, денг? Битта тоғни урса талқон қиворадиган барзанги каравотда худди отасининг фазендасида яйраётгандай ялпайиб ётган эди, қаердандир бир шилқим «лампа шиша» пайдо бўлдию йигит бечоранинг бўйнига осила кетди. Хавотир оладиган жойи йўқ эди, осилса осилибди-да, бироз шўхлик қилади, иннайкейин чарчаб ёнига ёнбошлайди, деб турсам, режиссёри тушмагур анча қув экан, воқеалар ривожини бутунлай бошқача қилиб юборди. Яъниким иккалаларининг нафас олишлари бир маромга келганида...

телефон жиринглаб қолди. Уйимизда эмас, кинода. Бизники уч ойдан бери миқ этмайди. Ҳай, чалғимайлик. Ошиқ-маъшуқларнинг хатти-ҳаракатлари энди бир-бирига мос тушаётганида телефон жиринглаб қолса бўладими. Барзанги энсаси қотиб гаштакни кўтарди — бошқа шаҳардаги бошқа бир маъшуқаси экан, эртага олдинга бораман, иккаламиз уйда ёлғиз қоламиз, ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз, деб телефонда бўлса ҳам суйкала бошлади. Буёқда ёнидагиси осилишни қўймайди. Уйнинг ичи исиб кетди, деб ечинганига бало борми. Ўзи ечингани етмай, бечора барзангини ҳам шу ишга даъват қилиб ётибди.

Барзанги бунақа ҳолатга авваллари тушмаган эканми, шошиб, гапини йўқотиб қўйди. Ёнидаги шилқимга «Сал нари тур, шошмасанг-чи» деворса бўладими? Ўл, сўтак дедим ичимда. Қўнғироқ қилаётган ойимтилласи гапини эшитиб қолди шекилли, қисди-басга олди-ку: «Ёнингда ким бор, кимга айтаяпсан, бирортасини илаштирдингми, бориб сочини битта-лаб юламан, кўрсатиб қўяман у мегажинга...» Кетди.

Барзанги ишни расво қилиб қўйишига бир баҳя қолганини сезди чоғи, дарҳол ўзини қўлга олди. «Хавотир олма, жоним, буми, ҳалиги, анови... қўшнимизнинг мушуги», деди. Эргаш ақага ўхшаб бир оғиз «пишт» деб қўйса-ку олам гулистон-а. Мана сизга, тилни билмасликнинг оқибати.

Дарвоқе, «пишт» дегани бразилияликларнинг тилида нима дейилар экан-а, деб уйда бор луғатларнинг ҳаммасини титкилаб чиқдим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, уларнинг «пишт»и биздаги «чаппа» сўзига тўғри келар экан. Баъзан иш чаппасидан кетганда мушуклар жонга оро кириши шундан экан-да. Қойилмисиз?...

### **Пивохўрлар нима дейди?**

Кўк чойни мириқиб симираётган чойхўрлардан бири муҳаррирдан қайтган шеърларини устма-уст тахлар экан, ўтган жума олтинчи саҳифада хабари босилган ёш чойхўрдан сўради:

— Кексалар ичадиган пиво чиққанмиш. Ёшлар ҳам ичса бўлармикин?

— Йўғ-е, номи нима экан?

— «Қариганда».

— Э, соддаси тушмагур-ей, «Қариганда» эмас, «Қарағанда». Гизиллаб бориб иккита олиб кел, қанақа ичилишини ўзим кўрсатаман.

\* \* \*

— Қўшним Мамарайим пиво дўкони очиб роса бойиб кетди-да.

— Ростданми?

— Ие, нега ишонмайсиз, пивоҳўрлар эрта азондан навбатга туришибди. Барака топгур, эпчил бола-да. Кеча биттаси айтиб берди, пивони гапиртириб сотаётганмиш...

— Ол-а. Гапиртириб эмас, кўпиртириб сотаётган. Шунанга қилмаса бой бўлармиди.

\* \* \*

— «Қибрай» пивосининг «Олмалиқ» пивосидан нима фарқи бор? — ажабланиб сўради ҳаваскор чойхўрлардан бири.

— Фарқи йўқ, — деди бошқа бир ҳаваскор, — пиво келгунча томоқни ҳўллаб турса бўлади.

\* \* \*

— Бир вақтлар «Бешёғоч» деган пиво бўларди, заводи бузилдими, ҳеч қаердан топиб бўлмай қолди, — деди тажрибали пивошунос чойни устма-уст қайтарар экан.

— Жуда зарилми, — ажабланиб сўради шогирд бола.

— Шунини ҳам билмайсанми, «Сауна»га кириб тошга селсанг, ана роҳату мана роҳат!

\* \* \*

— Султонхўжа «Пуллик ҳожатхона қурдим, ишим юришиб кетди», деб роса мақтаниб юрган эди, кеча кўрсам, попуги анча пасайиб қолибди...

— Ҳа, бечоранинг қўли энди ошга етганида олғирлар ишнинг пачавасини чиқаришди.

— Нима бўлди?

— Тадбиркорлар ўртасида рақобат кучли экан. Пиво дўконини нариги маҳаллага кўчириб кетишди.

\* \* \*

— Газетада ўзим ўқидим, — ҳовлиқиб деди икки ҳафтадан бери чойни насияга ичаётган чўққисоқол чойхўр, — Орол кўлининг бир бўлаги шўрланиб... пивога айланиб қолганмиш.

— Ростданми? — ишонқирамай сўради жамоатчилик асосида чой ташиб юрган шогирд болалардан бири. — Ундоқ бўлса зудлик билан ўша кўлнинг тўрт тарафини ўрикзорга айлангириш керак.

— Нега энди?

— Шунча пивони шўрданаксиз ичиб бўлармиди, ака?

\* \* \*

— Ҳой, чойхоначи ука, дамлаган чойингдан пивонинг ҳиди келяпти-ку! — аччиқланиб деди ҳаваскор шоир.

— Босилмаган бир даста шеърларингизни ўқиб, ижодингизга мослаб дамладим, — бўш келмади чойхоначи. — Коньякнинг ҳиди келишига ҳали уч-тўрт қовун пишиғи бор, чамамда...

\* \* \*

— Пивонинг ўткирини уйда ичган маъкул экан, — деди ҳаваскорларнинг шеърый машқларига обзор ёзиб юрадиган ёш танқидчи.

— Нега энди уйда? — эътироз билдиришди бир неча чойхўрлар баб-бараварига.

— Кўча — кўча-да, — дея минғирлади танқидчи, — бир гап бўлса, зум ўтмай бутун шаҳар эшитади...

## АДАБИЙ ТЕСТЛАР

### Ёки байрам ҳазиллари

Савол:

— Ошиқларнинг йўлларин тўсманг деган шоир ким?

Жавоб:

— Нарзий, Восит Саъдулла, Фузулий, Асқар Ҳаким.

\* \* \*

Савол:

— Авжига минганда базм, чучкура бошлар бу зот?

Жавоб:

— Одил Ёқуб, Мирмуҳсин, Шарафилдинов Озод.

\* \* \*

Савол:

— Отабекдай икки ишқ орасида қолган бор —

Жавоб:

— Элбек, Ҳабиб Саъдулла, Гулханий, Зафар Диёр.

\* \* \*

Савол:

— Болакайнинг эрлигин шеърга солган, айтинг, ким?

Жавоб:

— Бобур, Рустам Мусурмон, Ҳабибий, Мустай Карим.

\* \* \*

Савол:

— Бир жавон китоб ёзиб кетмаган ҳамон бойиб? —

Жавоб:

— Навоий, Қамбар Ота, Турсунбой Адашбоев.

\* \* \*

Савол:

— Ҳар сатрида кангул бор, ҳар сатри кангулобод? —

Жавоб:

— Иқбол, Ҳамид Олимжон ё Икром Отамурод.

\* \* \*

Савол:

— Шакарқишлоқ таърифин куйлади у беармон —

Жавоб:

— Шўхий, Анвар Обиджон, Ҳабибий, Омон Матжон.

\* \* \*

Савол:

— Жунглиларда жин билан қилган у салом-алик? —

Жавоб:

— Сайёр, Дадахон Нурий, Сейданов, Тоҳир Малик!

\* \* \*

Савол:

— Ақлига Самарқанд бир қадам, деб ёзган ким?

Жавоб:

— Санжарали Имомов, Шекспир, Усмон Азим.

\* \* \*

Савол:

— Хотинларнинг гапидан пул ишлаган тadbиркор? —

Жавоб:

— Шиллер, Ҳайдар Муҳаммад, Бошбеков, Султон Жаббор.

\* \* \*

Савол:

— Камнамо, камсўз, камгап, боз яна камхарж, хўш? —

Жавоб:

— Муртазо, Маъруф Жалил... (қолганларининг ўрни бўш).

\* \* \*

Савол:

— Амрикон ҳовли қуриб, Дўрмонга бахш этмиш чирой?

Жавоб:

— Мирпўлат, Азим Суюн, Турсун Али, хорижли бой!

## ҚИЗ БОЛАНИ НОСГА ҮРГАТМАНГ!

*(Ҳаваскор мунажжимлар башорати)*

### **ҲАМАЛ**

**(21 март — 20 апрел)**

Енгил нонушта қилиб, ишга вақтли отланинг. Автобусда пулингизга эҳтиёт бўлинг. Ёш экан, мулойимгина экан, деб кўринган қирчанғига суйкалмаг. Шерикларингиз «Бугун тушликни қаерда қиламиз?» деб қолишса «Мен парҳездаман», дея жавобни қисқа қилинг. Ҳтган ҳафтадагидай «Шаршара»га судраб қолишса, қоринга ишора қилинг. «Биродарлар, сал озмасам бўлмайди», денг. Шимингизнинг чўнтагидан рўмолчангизни олаётганингизда пулингиз ҳадеб қўшилиб чиқавермасин. Пул сабилни ичкарироқда, масалан, пайпоқ ичида ўнг оёқ тўпиғида ёнбошлатиб сақлаган маъқул.

Пайшанба, жума кунлари тушликка умуман чиқманг. Эрталаб қазили палов егандай кўк чойни босиб-босиб ичингда, жойингизда михлангандай ўтираверинг. Қарабсизки, сизни эритиш «операцияси» бу гал ҳам барбод-да!

### **САВР**

**(21 апрел — 21 май)**

Бу ҳафта сиз учун бозор саргузаштларига бой бўлади. Мева-чевани душанба, сешанба кунлари наҳорда, ичкиликни чоршанба куни, гўшт, хусусан, калла-почани жума номоздан кейин харид қилганингиз маъқул. Ўзбошимчалик қилиб юрманг. Ҳтган ҳафта қудаларингиз олдида қизариб қолганингиз ёдингиздан чиқмасин. Бунақа ноқулай аҳволга бошқа тушмайин, десангиз, эринмай кутубхонага бориб эчки гўштининг ҳазми таом йўлларига таъсири тўғрисидаги диссертациялардан бир-иккитасини ўқиб чиқинг.

Шанба, якшанба кунлари бозорга, айниқса, гўшт дўконига бир ўзингиз борманг. Ўз ҳурматини биладиган бирорта меҳмон ёки иши анча юришиб қолган шогирдлар ҳамроҳ бўлишса, кўп яхши.

## **ЖАВЗО**

**(22 май — 21 июн)**

Ҳафта давомида омад деганлари сиз томонга бир-икки сигирқараш қилиб ўтади. Лаллайиб, шу имкониятни ҳам қўлдан бой берманг.

Нима қилиш керак? Душанбадан бошлаб раҳбарга саломни қуюқлаштиринг. Ҳар икки гапингиздан бири ул зоти табаррукнинг муборак номлари билан бошлансин. Олдиларига кириб қолсангиз, бир томонга ҳамиша қийшайиб, кўпинча тўнқарилиб турадиган бўйинбоғларини эринмай тўғриланг. Ҳар кирганингизда кўзларига қараб майин айтадиган, ўзингиз ерга қараб туриб ёқимли титроқ билан изҳор қиладиган ва... суҳбат сўнгида хонанинг у ёқ-бу ёғига бир қараб олиб, қулоқларига аста шивирлайдиган гапингиз бўлсин. Тақдирингизни айни мана шу шивир-шивир ҳал қилади. Омад деганлари шу жойда нокаслик қилмаса бўлгани.

## **САРАТОН**

**(22 июн — 23 июл)**

Чоршанбагача арзигулик бирор воқеа содир бўлмайди. Пайшанба куни алоқ-чалоқ, бировга айтиб бўлмайдиган тушлар кўриб чиқасиз. Алаҳсираб кимнидир чақирасиз, кимгадир ялинасиз. «Жоним, жоним» деган жойингизда ҳаммаси тугайди. Ўқлоғ зарбидан ҳосил бўлган ғуррани уч кун эҳтиёт қилсангиз, ўз-ўзидан сўрилиб кетади.

## **АСАД**

**(24 июл — 23 август)**

Ҳафта ичида молиявий, оилавий масалалар бироз мураккаблашади. Бунга йўл қўймаслик учун хотинга зинҳор «Овқатта нега гўшт солмадинг?» дея ўшқирманг, «Оҳ-оҳ, бунақа мазали таомни анчадан бери емаган эдим», денг-да паст овозда хўриллатиб, ора-сира гўштнинг қаттиқ жойини эзфилаётгандай бежирим чапиллатиб ичаверинг. Эртасига нонушта пайти «Хотин, кечаги овқати жонондан қолганмиди?» деб қўйсангиз яна яхши.

Ҳафта ўрталарида бу йил ҳам тестдан қулаган қизингизга қўшни маҳаллалик битта бемазадан совчи келиши мумкин. Бирдан тутақиб кетманг. Носдан отиб, ўзингизни босиб «Қизимиз ҳали ёш, бу йилча узатиш ниятимиз йўқ», денг. Бўлажак куёвнинг қисир аммаси «Берасиз, бермасангиз ҳам берасиз»,



деб туриб олса, ичкарига қараб, астойдил «Хотин, носни олиб чиқ!» денг. Шунда у, тайинлаб қўйганингиздек, «Дадаси, нос тугади», десин. Сиз жаҳл билан «Нега тугайди, нима бало, едиларингми?» дейсиз. Хотин ичкаридан туриб шанғиллайди: «Қиз болани носга ўргатманг, демаганмидим сизга...»

### **СУНБУЛА**

**(24 август — 21 сентябр)**

«ТТЗ» бозоридаги осма тарозиларга асло ишонманг. Улар «Олой» бозори тарозиларидан асло қолишмайди. Мева олсангиз, иложи бўлса донабай олинг. 60 дона картошка, 40 дона пиёз, 30 дона сабзи, йигирмата помидор, ўн бешта шафтолини санаб халтага солишдан эринманг. Тўғри, бироз эзмачуруклик қилган бўласиз, зато харидингизнинг ҳар бирдан бир кило-ярим кило ютиб турибсиз-да!

Сешанба, шанба кунлари маҳаллий пиводан асло истеъмол қилманг. Бир шиша ичсангиз, оғизни ростмана ҳолга келтириш учун уч почка «Орбит» керак бўлади. Так что, ўйлаб кўринг.

### **МЕЗОН**

**(22 сентябр — 23 октябр)**

Чоршанба куни пешинда улфатлар ҳалфана ошга судрашади. Бора кўрманг, ниятлари бузуқ. Ҳаммалари бирлашиб, аввалги икки ошнинг пулини ундиришмоқчи. Рас, тўламоқчи эмасмисиз — тўламанг. Охиригача турунг.

### **АҚРАБ**

**(24 октябр — 22 ноябр)**

Пайшанбани оила даврасида, жумани дўст-ёрон билан, шанба-якшанбани хўжайиннинг дала-боғида ҳашарда ўтказинг. Ҳашарга сўппайиб бир ўзингиз кириб борманг. Йўл бўйида ўтирган ишга чанқоқ йигитлардан иккитасини олволсангиз қандоқ яхши!

### **ҚАВС**

**(23 ноябр — 21 декабр)**

Ишдан бўшатишганига икки ой бўлдими, бўлди! Бошни кўрпага ўраб ётибсизми, ётибсиз. Яна бир ҳафта ётсангиз, осмон узилиб ерга тушмайди. Дўстлар омон бўлса, яна бирор жойга илинтириб қўйишар. Фақат янги жойда хўжайин билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинг. Туғилган кунда уйига таклиф қилса, ҳаммадан аввал ўртага тушиб, кўзингиз кет-

ган томонга қараб муқом қилаверманг. Шу муқом сабил қолгурда чалкашиб, шу кўйларга тушиб ўтирибсиз.

### **ЖАЪДИЙ**

**(22 декабр — 19 январ)**

Ичкилик деган касофат сизга қаттиқ ёпишди-да. Кечаги тўйда қилган жиннилигингиз ҳаммасидан ошиб тушди. Тепишга шавла қайнаб турган қозондан бошқа нимарса қуриб қолганмиди?

Жума кунни кечқурун сизни маҳалладан кўчириш масаласи муҳокамага кўйилади. Тўрт кун вақт бор, сўнги сўзга жиддий тайёргарлик кўринг. Олдинги гал уввос солиб йиғлаганингизда, бир-иккита шишадешларингизнинг кўнгли бузилиб кетганди. Бу гал, билмадик, ака, билмадик...

### **ДАЛВ**

**(20 январ — 19 феврал)**

Ёнимда ҳемири йўқ, деб қурумсоқлик қилаверманг. У ёқбу ёқни қоқиштиринг-да, қассобдан бир кило гўшт, бир кило думба, ярим кило жигар олиб тўғри уйга келинг. Кечаги тепкидан белини кўтара олмай ётган хотинни безовта қилмай, қозонни осиб, овқатга уннаворинг. Идиш-товоқнинг синиғини синиққа, бутунини бутунга ажратинг. Пилдираб энгил-енгил ҳаракатлар қилинг. Ҳар замон-ҳар замонда озроқ хиргойи қилиб кўйсангиз, яна яхши. Хотинингиз аввалига нима бўлаётганини тушунмайди. Кейин, нима бало, уйимизда ёт эркак юрибдими, даласи аразлаб кетганини қаердан билишдийкин-а, деб аста бошини кўтаради. Қарасанки, жаноблари мўлтайиб турибдилар...

### **ҲУТ**

**(20 феврал — 20 март)**

Кечирасиз. Биз сизга қассобдан гўшт-ёғ, думба-жигар олинг, дегандик. «Шунча харажатга бало борми, ярим кило «рагу» олсам бўлди-да», деб ким маслаҳат берди, ўзи? Ана ўшанинг олдига боринг. Тамом-вассалом!

## ТУХУМ БЎЛСА БАС

### Чойхона деворидаги ёзувлар

Семизликни қўй кўтаради, дейсизми? Биззи Мамат полвонни кўрсангиз, бу иш одамзотнинг ҳам қўлидан келишлигини билволардингиз.

\* \* \*

Мамат полвон бир шокоса шўрвага битта патирни бўктириб паққос туширди. Тўртта сомса, бир лаган мантини тинчитди. Шундан кейин билдики, бироз очиққан экан.

\* \* \*

Ҳали ўзига соқол чиқмай туриб кўсани мазах қилиш — ўта эҳтиётсизлик.

\* \* \*

Кулги — тиши борга ярашади, борида кулиб қолсинлар.

\* \* \*

Нега тиржаясан? Арпангни хом ўриб, кўмочингни куйдириб қўйдимми?

\* \* \*

Лаблар араздан эмас, бўёқнинг қалинлигидан чўччайди.

\* \* \*

У уста қадоқчи эди. Сениқ кўнгилларга баҳоли қудрат қадоқ соларди.

\* \* \*

Қорнида қўноқ айланмайди-ю, оғзидан шунча гап чиққанига ҳайронман.

\* \* \*

Дуруст йигитга ўхшайди: тигдор ҳам, дамдор ҳам эмас, гапи мағизли.

\* \* \*

Бош бир гап бўлар — дўппи ивимасин.

\* \* \*

Мамат полвоннинг таниш-билишларга берадиган ягона маслаҳати — қоқилсанг қоқилу, мункиб кетма — йиқилиб, қоринни шилишинг мумкин.

\* \* \*

Ёши қирқлар атрофида. Иягида битга ҳам туки йўқ, ҳали-вери битадиганга ҳам ўхшамайди.

\* \* \*

Бу одам товуққа ўхшайди — номи тухум бўлса бас, босаверади.

\* \* \*

Ичи қора, ранги заҳил, тили заҳар, бўйни узун, кўзи бежо, қўли эгри, писмиқ бир одам... Ҳай-ҳай, мен бошқа одамни гапиряпман.

\* \* \*

Қочсанг, энди йўлга кирган кучук ҳам қувишга тушади. Майли, шу бечора кучук ҳам бир хурсанд бўлсин, дея гоҳо қадамни тезлатамиз. Бу ҳам бир «Илми мураса»да, биродар.

\* \* \*

**Вақти зиқ, шунинг учунми, овқатни икки лунжида чайнайди.**

\* \* \*

**Бу ерларнинг эшиги сағал паст бўлади. Энгашиброқ кирасиз-да, ука.**

\* \* \*

**Бу уйда ҳамма нарса бисёр: машина, сауна, бассейн, телевизор, уяли телефон, емиш-ичиш... Фақат ҳаловат йўқ.**

\* \* \*

**Бу одамда фикрдан бошқа ҳамма нарса етарли: қиёфа, салобат, амал, ҳовли-жой, даромад, хушомад. Бир нима демай жим ўтирса, одамнинг ҳатто ҳаваси келади.**

\* \* \*

**Бу одамга Парвардигор гулдурак овоз берган. Тантанавор овоз! Пичирласа ҳам, шивирласа ҳам ва, ҳатто, имошора қилса ҳам овози гумбурлаб кетади. Бир гал қабристонда чор-атрофни жаранглатиб юборганини ўзим эшитганман. Хайриятки, шеър машқ қилмайди, йўқса «Гумбурий» деган тахаллус олиб роса гумбурлатарди-да...**

\* \* \*

**— Ака, жон ака, отдан тушганингизга йигирма йил бўлди. Келинг, одамчасига гаплашаврайлик...**

\* \* \*

**— Алло. Ассалому алайкум! Раҳмат, раҳмат. Э, яшанг, раҳмат. Худо хоҳласа, биргалашиб. Минг раҳмат. Йўқ, овора бўлманг. Тушлик айтиб кўйганмиз. Кечқурунми, иложим йўқ, яқин дўстимникида сабзи тўғрар. Майли, кейинроқ гаплашармиз. Нима? Ҳа, шеърларми? Бўлмайди, ака. Алло, бўлмайди деяпман. Нима? Ака, барибир бўш-да, шеърларингиз...**

\* \* \*

Бу одамнинг фикрича, мушт деганлари одамга муштлашиш учун берилган. Фикринг нотўғри, деб кўринг-чи.

\* \* \*

Мамат полвон ташвишдан қутулиш йўлини кўп ўйлади. Бошини боғлаб, калласини қотириб, кўзини юмиб ўйлади. Аммо хаёлига ҳеч нима келмади. Охири «Менга нима» дедию, яна ухлаб қолди.

\* \* \*

Қиз билан биринчи учрашувга бўлажак куёвнинг эрдан чиққан опаси, иккинчисига сўққабош аммаси, учинчисига ўғай онаси келди. Яна бир марта учрашув белгиланганида, улар, балки, кўришармидилар?..

\* \* \*

Қиз йигитнинг лаллайиб туришидан бир олам завқ оларди. — Аммамнинг бузоғи, деганлари шу бўлса керак-да.

\* \* \*

Нарсалар қаровсиз қолдирилмаганида, ўғри деганлари анқонинг уруғи бўлармиди...

\* \* \*

Бировнинг оти, бировнинг кийими, бировнинг ҳовли-жойи, бировнинг этиги... Буларнинг ҳаммасидан фойдаланиш мумкин. Аммо бировнинг ақли, бировнинг фикри, бировнинг фаросати билан иш тутиб бўлмайди.

\* \* \*

Фаразли ёлғон хамирга ўхшайди: юмшоқ, беозоргина. Аммо ҳаш-паш дегунча кўпчийди, тоғорадан ошиб чиқади ва... оширилган ёлғонга айланади.

\* \* \*

**Кутилмаган илтифотнинг учта хавfli панжаси бор:** бири оғизни мойлайди, иккинчиси холислик кўзини бойлайди, учинчиси кўнгилни лойлайди.

\* \* \*

**Бу одам жуда ёпишқоқ, худди елимнинг ўзи — иши пишса ҳам, пишмаса ҳам, бир ёпишиб кўради.**

\* \* \*

**Бу одам жуда нозик, хипча бел. Эшикдан ҳам, тешикдан ҳам бемалол ўтаверади.**

\* \* \*

**Бу китобни муаллифнинг бир ўзи ёзган, деб ўйлайсизми? Бўлмаган гап. Уни кўпчилик биргалашиб, навбатма-навбат ёзишган. Шунинг учун ҳам уни бир киши ўқиб тушуниши қийин, ҳашарлашиб ўқиш керак.**

\* \* \*

**Ҳаваскор мухбир муҳаррир қабулидан хурсанд бўлиб чиқди. «Ўзишни билган одам келиб турса бўладиган жой экан», хаёлидан ўтказди у.**

\* \* \*

**Муҳаррир мақолани аёвсиз қисқартирди. Мазмунга путур етгани йўқ, аксинча, айтилмоқчи бўлган гап кўпчиган ҳамирдай кўзга ташланадиган бўлди.**

— Қисқа ёзишга ҳаракат қилинг, қисқа ёзганларнинг умри узоқ бўлади, — насиҳат қилди муҳаррир бурни учиданилиниб турган кўзойнагини тўғрилар экан.

**Мақола муаллифи қисқа ёзилган мақолаларга тўланадиган қалам ҳақидан гап очмоқчи эди, аммо узоқ умр кўриш истаги ёлиб келиб, мамнун илжайиб кўйди, холос.**

\* \* \*

Ёш, сочлари тим қора профессор хўпасемиз, тепакал талаба ёнига келиб, чуқур хўрсинди.

\* \* \*

— Шу шеърларимни босиб ётмай тезроқ босиб чиқарсангиз кўп яхши бўларди-да, — деди ҳаваскор шоир муҳаррир билан хайрлашар экан.

— Босамиз, албатта босамиз, — деди муҳаррир хотиржамлик билан. — Ишимиз шу: маъқул келса босамиз, маъқул келмаса босиб ётамиз...

\* \* \*

— Шу мақолам чиқса, қалам ҳақиға қанча муддатга обуна бўлишим мумкин? — сўради муаллиф.

— Кечирасиз, — деди таҳририят ҳисобчиси афсус билан, — бизда бир ҳафталик обуна йўқ, назаримда.



## ҚЎШИҚДАГИ ЙИГИТЛАР, АХВОЛИНГИЗ ЧАТОҚМУ?

«Шум бола»хон ука!

Очигини айтсам, диққатим жуда ошган, носи тугаган мусофирдай бошимни қай кунжакка уришни билмай юрибман. Хаёлимга ҳар хил бўлмағур фикрлар келади, бировга айтгани истиҳола қиламан. Айтмасам бўлмайдиган масала, укахон. Ҳйлаб-Ҳйлаб сен билан озроқ «оғиз шипшиди» қилишни маъқул кўрдим.

Ёшинг ҳам бир жойга бориб қолди, кўпни кўрганлар қаторига қўшилсанг, биров бурнини жийирмайди. Қанчадан-қанча муаммоларни хамирдан қил суғургандай бежирим-бехаражат ҳал қилиб ташлаганингни биламиз. Эҳтимол, дўппинг тагидан бирорта жўяли гап чиқиб қолар.

Гапни лағмон чўзди қилмайин-да, мақсадга кўча қолай. Қани айт-чи, мундоқ бир ашула-пашула эшитиб турасанми? Ё чойхўрларинг билан ўралашиб, бунақанги зиёлинамоликка вақтинг бўлмайдими? «FM» деган қичиқ тўлқинлар чиққанлигидан хабаринг бўлса керак. Ана ўша тўлқинда янграётган қўшиқларни эшитганингда, омалекин, ёмонам мазза қилардинг-да.

Мен бўлсам, етти авлодидан ҳофиз тугул, хиргойипуруш ҳам чиқмагану, қўшиқ тингламасам тура олмайман. Битта бола **«азонда ҳам, пешинда ҳам, тушимда ҳам, ҳушимда ҳам»** деб ашула айтади-ку, мен ҳам қўйиб беришса, наҳор ошнинг ёғи доғ бўлмай туриб радионинг қулоғини бурайман, то кечгача ишим қулоқбурарлик. Эҳ, шумбола-хон, шунақа ашулалар чиққанки, эшитиб ёқангни ушлайсан, ушлайвериб ёқавайрон бўлиб кетасан.

Бир вақтлар **«Жонгинам, шартингни айт»** деган қўшиқ бўларди. **«Айт, машина олиб берайми, тилла тақинчоқми, дала ҳовлими ё мўйна ёқали белгия палтосими»** дея маъшуқаси олдида ўзини мардона тутган ошиқ йигитга, омалекин, ҳамма беш кетган эди, ўшанда. Кейинроқ **«Олма тўла саватингни ерга қўй...»** дея куйлай бошлашди. Ишлайвериб эзилиб кетма, мени десанг, қолган умринг роҳат-фароғатда ўтади, деган гап эди, бу асли. Эҳ, ўша ошиқ йигитлар, минг раҳмат ўшаларга.

Энди-чи? Эндиги ошиқлар мана, уч-тўрт йилдирки, хотинчаларининг ликиллаган шўх қошига ўсма қўйиб ўтиришибди-я.

Аввалига **«Биз не учун учрашдик қирқдан ошган-да...»** деган ашулани эшитиб ҳайрон қолдим. Қирчиллама қирқ ёшида севгилисининг висолига етса нима қипти? Аини муддао эмасми? 40 ёшидаки учрашувдан безиллаётимдими, бу ерда бир гап бўлиши мумкин-да...

Шунақа нохуш ўйларга бориб турсам, янги қўшиқ янграб қолди:

**«Майли, бошқа билан бахтли бўл, жоним...»**

Радио мурватини бошқа каналга бураман:

**«Тўйинг куни тўйиб йиғладим...»**

Бу ҳам ҳолва экан, мана бу қўшиқни эшит:

**«Мен бошқани қилмайман ҳавас,  
Тушларимга кириб турсанг бас...»**

Ёки:

**«Данғиллама ҳовлига**

**Келин бўлдинг, Гулҳаё**

**Келин либосидаёқ**

**Гулдай сўлдинг, Гулҳаё**

**Гулдай сўлма, Гулҳаё**

**Сени дейман доимо**

**Гулҳаё, Гулҳаё**

**Мени кечир жоним-о...»**

Ана энди, дўппини бошдан олиб бир ўйлаб кўрайлик. Демак, ошиқ йигитнинг севгилиси бугунги бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, данғиллама участка қурган бошқа бир йигитга турмушга чиқиб кетибди. Бола бечора тўй куни тўйиб-тўйиб йиғлабди. Онаси «Тўйга бормайсанми, ўғлим?» деса, «Боролмайман онажон, ор қиламан», деганмиш.

Нега боролмайди, нега ор қилади?

Бошқа бировга кўнгил қўйиб, йигитлик ғурурини оёқости қилган бевафони нега ҳануз «жоним» дейди? Ул алдоқчидан нега кечирим сўрайди? **«Тушларимга кириб турсанг бас...»** эмиш, бўйдоқ боланинг тушига ишониб бўладими?

Мана шунақа саволлар гирибонимдан олиб турганида, бир нарса сал ойдинлашгандай бўлди. Эшитиб кўргин-а:

**«Бошимга болишлар ботди, сен  
келмадинг...»**

Бу ярамас бола қаерларда тентираб юрибдийкин. Маъшуқа кутавериб тоқати тоқ бўлганидан кейин, бор-а, дейди-да, ёши ўтиброқ қолган бўлса-да, бир тужжорнинг этагидан тутади-кетади.

Лекин, гап шу ерга келганда, бошқа бир нозик (ўта нозик) масала ҳам чиқиб қолди.

Мана бу қўшиқларга эътибор берайлик:

**«... гап отишдан бошқасига ярамайсиз...»,  
«Чоршанбадан кейинга баҳонангиз кўп...»,  
«Айланади, тинмайди  
Тегирмоннинг парраги  
Оламни бузай дейди  
Ёргинамнинг хурраги...»**

Масала сал ойдинлашдимиз? Гап қўшиқлар қаҳрамони бўлмиш йигитларимизнинг соғлиғи устида бормоқда. Гап гапга уланиб Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақалаяпти-ку.

Инсоф билан айтганда, қийин-қийин — маъшуқага қийин. Ёр деганлари аллақаерларда сандироқлаб юрса, алламаҳалда уйга кириб келса, баҳона топаверса, гум тушиб ётаверса, хурракни отаверса, шу ҳам турмуш бўлдими?

Йигитлар ишончни йўқотишмоқда. Битта синглимиз анчадан бери **«қоп-қоп ваъдаларни бериб, кейин қочворадиган ёлғончиларга ишонма, кастумидан маҳкам тут»**, деб огоҳлантирмоқда. Худдики, кастум ёрдам берадигандай. Ечадию қочади номард, ўзини ушлаш керак.

Битта кўримлигина йигит **«Севиб қолишдан кўрқаман»** деб хиргойи қилиб ётибди. Тоғни урса ярмини қум, ярмини шағал, «крошқа» қилиб ташлайдиган азамат, бекордан бекорга, бунақанги кўрқоқ бўлиб қолмайди. Дўхтурга кўрса-тиш керак. Бошқа биттаси:

**«Чоршанбаю пайшанба, жума,  
Севдим нима, севмадим нима?..»**

дея масалани чувалаштириб ўтирибди. Ё, тавба, девор-гинг келади. Севгилиси бўйнига «юлдузлардан маржон тақиб қўйишга қодир, ой деса ойни олиб беришга тайёр» Алпомишлар қайда қолди?

Кимдир, «Нима деяпсиз мухбир ака, соппа-соғмиз, бизда ҳам ғурур бор, ор-номус бор», дея эътироз билдириши мумкин. Э, биродар, менга эътироз билдиргунча

**Ягонаман мен учун, Наргиз,  
Бошқасини демасман ҳаргиз,  
Турмуш қурсак, туғиб берасан  
Бешта ўғил, беш қақажон қиз...»**

деб, овозингни баралла қўйиб, етти маҳаллага эшиттириб қўшиқ куйламайсанми. Сўзида турадиган марду майдон эканлигингни гум-қарс исботлаб ташламайсанми?

Бундай деб, орани очиқ қилиш ўрнига айтаётган ашуларини қаранг:

**Ёрдан ўргулай,  
Қурбони бўлай.  
Айвончасида  
Чилла ўлтирай...**

Ана холос! Қўшиқнинг асл матнида «чилла» эмас, «жилла», яъни «бир зум, бир пас ўтирай» деган маъно бор эди-ку. Ошиқ бола уйга кирмай, айвончанинг ўзида қирқ кун «чилла»га ўтирмоқчимми? Эҳ, соддаси тушмагур-ей, уйнинг эшиги иккита бўлиши мумкин-ку, ахир.

Бугун бу гина-кудуратлар нозликкина, пардаликкина қилиб айтилаяпти. Эртага кўрасизлар, бу қақажонлар мана бунақанги ашуларани айтишдан ҳам тап тортишмайди:

**Шахрихоннинг сойида  
Сочимни ювиб олдим,  
Ёримга ёқойин деб,  
Майдалаб ўриб олдим.  
Сочларим майда-майда  
Айтинглар, ёрим қайда?  
Хуррак отса ҳам майли,  
Тошдай қотса ҳам майли,**

Бўлсин дейман ёнимда,  
Ёнимдамас жонимда.  
Баҳонаси ўтмайди,  
Билиб қўйсин у дайди.  
Бешик ётар ҳувиллаб,  
Умр ўтар шувиллаб.  
Бунни яхши билайлик,  
Конкрет иш қилайлик...

Хўш, бунга нима дейсиз, муҳтарам ошиқу беқарорлар? Ўйлашга фурсат етди. Бўшашиб, лаллайиб юраверманглар. Лапашангларнинг ҳолига вой. Шўх, шаддод қизларимиз кўзлари тийрак, ақли зийрак, қўллари чайир, бели бақувват, кўри-ниши бўла, ҳамёни тўла йигитларни ёқтиришади. Шунақа йигитларни учратиб қолишса, ҳатто безорилик қилишса ҳам «Яшанг, куёв», деб туришаверади. Негаки:

**«... нима қилай, ёқади шу йигитнинг озори...»**

Укахоним! Дилимдаги гапларни эринмай эшитганинг учун минг раҳмат.

Ҳарқалай, бўшашган бўлишса ҳам, йигитлар — ўзимизники.

Лекин, аҳвол бирмунча мураккаблигини бир оғиз қулоқ-ларига шипшиб қўйсанг, ёмон бўлмасди.

*Ҳурмат билан:  
куюнчак Оғанг.*

## МАМАТ ПОЛВОН

Бу дунёда салкам етмиш йил яшаб, қанча ёнбошлаб, қанча таомни сўнгги ошамигача еб Мамат полвон англаган яккаю ягона фалсафа шу бўлди: ошхонада чой ичиб кунни кеч қилгандан кўра чойхонада ош еб яйраган яхши.

\* \* \*

Мамат полвоннинг ўғилларига, набираларига қиладиган насиҳати битта — ит бўлганидан кейин акиллайди. Акилла-ди деб уриб ўлдирасанми? Олдига суяк ташлагин-да, йўлин-гда кетавер, хумпар.

\* \* \*

«Мамат полвон овқатни паққос туширди», деганидан кўра, «Йиллар давомида овқат Мамат полвонни паққос еди», дейиш тўғрироқ бўлади.

\* \* \*

Мамат полвоннинг ўзига ўзи қиладиган насихати: «Бўйнинг темирдан бўлса ҳам аввал уёқ-буёққа қара, сўнг аста чўз!»

\* \* \*

Мамат полвон қўшниларига баҳо берганда, бошқаларга ўхшаб у — бу деб ўтирмайди, гапнинг пўсткалласини айтади-кўяди: «Пастки кўшнимми, жа ипирисқи-да, сўраб чиқай десанг, дурустроқ белкураги ҳам йўқ. Болтасининг сопи қўлингни ўйиб ташлайди...»

\* \* \*

Мамат полвон қинидан суғурилган қиличдай қўшнисига ташланмоқчи бўлди. Аммо эски белоғриғи ёдига тушиб, шартта орқасига қайтворди...

\* \* \*

Бозор иқтисодиётига бизда биринчи бўлиб Мамат полвон ўтган: бозорда қўй сотса, ирим қилиб арқонини олиб қолади, қўй олса — арқони узунроғини танлайди.

## ШПАТЛЁВКА...

### Чойхона суҳбати

— Ялло опа, аввало хуш келибсиз. Радио тингловчиларимиз бир неча йилдан бери бизга тинимсиз қўнғироқ қилишиб «Ялло опамиз анчадан бери кўринмай қолдилар, қаерларда юрибди эканлар», дея холи-жонимизга қўйишмаётган эди, келганингиз зап иш бўлди-да...

— Ҳа, келганимдан ўзим ҳам хурсандман. Энди укажон, нимасини айтай, қўшиқчиликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бўлар экан. Яхши кўшиқ яратиш учун битта-иккита ҳомий камлик қилар экан. Қаранг, туппа-тузук

йилига уч-тўрттадан қўшиқ куйлаб юрган эдим. Кутилмаганда ҳомийларнинг иши чаппасидан кетди. Фирмани налоговой босди. Налоговой босса ёмон босар экан. Бунинг устига, оилали бўлганидан кейин фарзанд кўришни ҳам ўйлайсан-да. Катта қизим ҳадемай тўрт ёшга тўлади, кейингиси атак-чечак қилиб қолди.

— Э, шунақа денг, оналик гаштини суриб юрган экансиз-да.

— Шунақа, укажон. Болаларни боғчага бериб, саҳнага қайтай, қўшиқ айтишни унутвормайин, дея энди тайёргарлик кўра бошлаганимда, поччангиз қурилиш бошлаб юбордилар. Уста боқшнинг ўзи бўлмас экан. Ҳар куни уч маҳал овқат, денг. Бунинг устига, қурилиш материаллари бирам қиммат. Ҳали у бозорга борамиз, ҳали бу бозорга. Тинка-мадоринг қуриб кетар экан...

— Янглишмасам, бундан роппа-роса олти йил аввалги суҳбатимизда тижорат борасида ҳам ўзимни синаб кўрмоқчиман, деган эдингиз...

— Яхши эслатдингиз. Савдо-сотиққа ёшлигимдан қизиқман. Ота-онам, бобом савдогар ўтишган. Ота-она йўлини тутган асло кам бўлмайди, дейишади-ку, шуни ўйлаб яхши ниятда бир иш бошлаб қўйганмиз.

— Бирор маҳсулот ишлаб чиқарасизларми?

— Кир совун чиқарамиз. Хомашёни ёғ-мой комбинатидан оламиз. Билсангиз, бир арава ташвиш. Баъзан тўхтаб қолади. Ишчиларга маош беришимиз керак...

— Маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳаракат қилмадингларми?

— Ҳаракат қилдик. Шпатлёвка чиқариш арафасидамиз. Укажон, биласизми-йўқми, бизнинг шпатлёвка энг зўри бўлади. Самарқанднинг Жомидан мрамарнинг қириндисини олиб келамиз. Фурсатдан фойдаланиб, радиопингловчиларга айтиб қўймоқчиман — бизнинг «Хонанда-Ҳомий» корхонамизда ишлаб чиқариладиган шпатлёвкadan харид қилсангиз, асло ютқазмайсиз...

— Қўлингиздаги сумкани кўриб ҳайрон бўлиб турибман...

— Айтдим-ку, фирма очганингдан кейин икки оёғингни қўлингга олиб югурмасанг бўлмас экан. Эрталаб «Отчопар»га ўтувдим. Шпатлёвкага қўшадиган янги елим чиқибди. Бир вақтлар мен билан бирга қўшиқ куйлаб юрган хушовоз дугоналаримдан бири ишлаб чиқараётган экан. Намунага олдим. Қани, қўшиб кўрайликчи.

— Ялло опа, мухлисларингиз сизни таниқли киноактриса сифатида ҳам эшлашади. Аммо кейинги пайтларда кино экранларида ҳам кўринмай қолдингиз...

— Кинодаги биринчи ролимни яхши эслайман. Ўтган асрнинг охирлари эди. Бир куни таниқли кинорежиссёрлардан бири уйимизга меҳмон бўлиб келиб қолди. Мен меҳмонларга чой ташиб турдим. Шу сабаб бўлдими, дадажонимнинг илтимосларига биноан мени «Ҳовли» филмидаги кичик бир ролга таклиф этишди. Қўлимдан келганча маҳорат билан ўйнадим. Иккинчи ролим ҳам айти шунақа эди. Афсус, монтаж пайти қирқилиб кетибди.

— Яна қанақа роллар ижро этгансиз?

— Худо хоҳласа, шпатлёвкамиз ўтиб турса, кинога яна қайтиш ниятим бор.=

— Энди қўшиқчилигимиз муаммоларига ўтсак. Ҳозир сизга ўхшаган истеъдодли, хушовоз хонандалар жуда ҳам кўп. Айтингчи, ижодий рақобатдан қўрқмайсизми?

— Тўғриси айтсам, сал-пал қўрқаман. Мисол келтирадиган бўлсам, корхонамизда шпатлёвка ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлганимиздаёқ бу иш билан яна беш-олти киши шуғуллана бошлашди. Хушёр бўлмасанг, синдириб ташлашади.

— Мухлисларингизга янги қўшиқларингиздан бирини куйлаб берарсиз...

— Э, бозорда бақир-чақир қилаверганингдан кейин овозинг ҳам дағаллашиб кетар экан. Туппа-тузук одамлар кир совунни фарқига боришмайди-я.

— Мана, қизиқарли суҳбатимиз ҳам охирлаб қолди. Анъанавий савол — ижодий режаларингиз...

— Кўп бола туғиш ниятим йўқ. Ҳозирча шу иккита фарзандимни тарбиялаб вояга етказмоқчиман. Ишқилиб бозоримиз юриб турса бўлди. Шпатлёвкadan кейин яна бирор нарсага қўл урармиз.

— Раҳмат опа. Энди, азиз тингловчилар, хушовоз хонанда, миллий эстрадамининг умидли юлдузларидан бири Ялло Яшарова бир вақтлар зўр маҳорат билан ижро этган «Сени эслайман» қўшиғини эшиттиришга қўямиз. Ялло опамизга эса қўшиқчиликда, кинода ва, айниқса, тижорат ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз. Хайр, саломат бўлинглар. Эслатиб ўтамыз: яхши шпатлёвка уйнинг чиройи, жоннинг роҳати!



## ТҰҚИЛМАҒАН ТҰҚИМАЛАР

Эр кечки таомдан сўнг китоб ўқир, турмуш ўртоғи эса журнал варақлаб ўтиришарди. Бир пайт эр «Ё тавба, сира эшитмаган эканман», деб қолди.

— Нимани адаси? — қизиқсиниб сўради турмуш ўртоғи.

— Мана бу китобда ёзилишича, чиройли ва ақлли хотинлар ўта хавфли бўлар эмиш.

Хотин ороланиб деди:

— Қизиқ, унда наҳотки мен... ўта хавфли бўлсам?

— Асло! — эътироз билдирди эр. — Сиз чиройлисиз, холос.

\* \* \*

Гавжум бозорда бир тижоратчи ҳамёнини йўқотиб қўйди. Кўринган кишидан «Мабодо ҳамён топиб олмадингизми?» деб сўрай бошлади. Аравакашлик қилиб юрган ўспирин йигитлардан бири аввалига у бечорани бироз кузатиб турди-да, сўнг олдига келиб жиддий сўради:

— Ака, ҳамёнингизни йўқотиб қўйдингизми?

— Ҳа, йўқотдим.

— Ичида пули ҳам бўлса керак? — қизиқсинди аравакаш бола.

— Бўлганда қандоқ? Роппа-роса юз минг сўм эди-я.

— Мингталикмиди?

— Худди шундай, — суюниб кетди пулини йўқотган киши, — топиб олган бўлсангиз...

— Бели синмаган, яп-янги мингталиклар-а...

— Жон ука, юрагим қинидан чиқиб кетай деяпти...

— Суюнчиси борми?

— Топиб берган кишига нақд ўн минг сўм бераман.

— Ўн минг сўм?

— Бор, ана ўн беш минг сўм. Хўш?

— Эҳ, — деди аравакаш бола чуқур хўрсиниб. — Топиб олганимда борми, ўн беш кун мазза қилардим-а...

## ТУШЛИК НИМА БЎЛАДИ?

— Сизни овчи дейишади, шу тўғрими? — сўради доктор бемордан.

— Тўғри, ёввойи ўрдак, тустовуқ ови жону дилим.

— Яна нималар отасиз?

— Тўй-ҳашамларда бир шиша-ярим шиша отиб турамыз, ёмонроқ ётиб қолсак хуррак ҳам отамиз...

\* \* \*

— Бугун жуда очилиб кетибсизми, — деди ёш бемор томиридан дори юбориш учун билагини аста силаётган ҳамширага.

— Ҳар кунгидайман, — бамайлихотир жавоб қайтарди ҳамшира, — сиз бўлсангиз тузала бошладингиз.

\* \* \*

— Доктор, бир ҳафтадан бери нуқул товуқ шўрва ичман, бошқа таом истемол қилишга рухсат берсангиз.

— Марҳамат, эртадан бошлаб бемалол хўроз шўрва ичишингиз мумкин.

\* \* \*

— Бемор, мен сизга чекишни ташланг, дегандим-ку, офзингиздан сигаретанинг ҳиди келиб турибди.

— Ишонинг доктор, ростдан ҳам ташладим.

— Қачон ташладингиз?

— Палатага кириб келишингиз билан.

\* \* \*

— Доктор операция қанча давом этиши мумкин?

— Бир ярим-икки соатларга борса керак.

— Ие, унда тушлик нима бўлади?

\* \* \*

— Мана сизга уч хил дори, — деди врач беморга, — биттасини овқатдан олдин, биттасини овқат маҳали, мана бунисини эса овқатдан кейин ичасиз. Тушунарлими?

— Тушунарли, аммо бу дориларингиз етмаса керак?

— Нега энди?

— Ўзингиз айтганингиздек, мен оз-оздан кунига беш маҳал овқатланаман.

\* \* \*

— Бемор Бобоев, ўрнингизга ётинг. Сизга яна осма укол тайинлашибди.

— Шу дорини томирдан юбормай ичиворса бўлмайдимиз?

— Бўлади, аммо шундай қиммат дорининг ярми исроф бўлади-да...

## ЧОЙХОНА ГУРУНГЛАРИ

Хонанда Равшан Комилов «Озодани севаман...» қўшигини куйлашда давом этмоқда...

**Ёшлигимда севар эдим Озодани,**

**Севар эдим кўзи шаҳло Хонзодани.**

**Йиллар ўтди, бўйга етди наввораси,**

**Мен барибир шу кампирнинг оввораси.**

\* \* \*

«Наврўз» радиосида «Аёлнинг аврати очилган куни» радиодиффи шеър ўқилди...

**Ҳар қандай бўйдоқнинг очилар юзи,**

**Бир қизга уйланиб, эр бўлган куни.**

**Шеърнинг ҳам аврати очилиб кетди,**

**Аёлнинг аврати шеър бўлган куни.**

\* \* \*

Яқинда бир хонандамиз сўзлари асосан «Алло, алло»дан иборат бир қўшиқ куйлади...

**Алло, алло,**

**Алло, алло.**

**Пуфф, пуфф,**

**Эшитилмайди,**

**Нима бало,**

**Алло, алло.**

**Бу қўшиқдан**

**Нима маъно**

**Уқар уни**

**Тинглагано?**

**Алло, алло,**

**Пуфф, пуфф,**

**Э, ўргулдим,**

**Суф, суф...**

## ЯНГИ ЙИЛ ТОПИШМОҚЛАРИ

Ижоди авжида, «Давр»и бор, лекин,  
Бўйнини қийнайди битта муаммо —  
Узун бўйинлилар кирар тушига,  
Бўйни йўқ, бўйиндан гап очманг асло.  
КИМ?

\* \* \*

Ҳикоя ёзишни қўйди дўндириб,  
Жумлалар бақувват чунон, мағзи тўқ,  
Кайфият йўғида ёзганини-чи? —  
Ўқийсан, ўқийсан, «Моҳият»и йўқ.  
КИМ?

\* \* \*

Қурилиш азоби тушган бошига,  
Усталар ишламас, кўпи — вайсақи.  
Ҳовлининг энига қўшилиб кетган  
Собиқ «ЎЗА»чининг бир метр ҳақи.  
КИМ?

\* \* \*

Илҳоми келади «Мунаввар тонг»да,  
Азонлаб ишлайди, кундузлари — йўқ!  
Машина, ҳовли-жой, ҳаммаёқ бус-бут,  
Фақат, осмонида... юлдузлари йўқ!  
КИМ?

## САВОЛЛАР БОРМИ?

*Қирғиз хандалари*

### Ўзлари қувлаб келишади...

Қирғиз радиосидан сўрашибди:

— Бу имиллашимизда Американи қачон қувиб етаркинмиз-а?

— Ташвиш қилма, биродар, қарзимизни тўламасак, ўзлари қувлаб келишади, — жавоб берибди қирғиз радиоси.

### Ким кўп?

Қирғиз радиосидан яна сўрашибди:

— Бизда аёллар кўпми ё эркекларми?

— Ўйлаб кўриш керак, — дебди радио ходимлари, — бордию қизлар камайиб кетган бўлса, унда аёлларнинг сони ошган бўлади. Қизлар кўп бўлса, демак, эркеклар камайиб кетган.

### Гап чўмичда...

Қирғиз армиясига юқоридан текширувчилар келишибди.

— Солдатлар «Овқатлар сифатсиз, уч ойдан бери гўшти овқат еганимиз йўқ» деб шикоят ёзишган. Шунини текширгани келдик, — дейишибди текширувчилар.

Рота командири комиссия аъзоларини ошхонага бошлаб борибди. Ошпазлар шўрва сузишаётган экан.

— Қани, шу шўрвадан менга ҳам бир коса сузингчи, — дебди комиссия аъзоларидан бири.

— Марҳамат, — дебди ошпаз ва чўмични қўлига олиб бир коса шўрва сузибди. Шўрванинг ичига яримта товуқ гўшти солиб қўйибди.

— Энди шу шўрвадан солдатларга ҳам бизнинг олдимизда сузингчи, — дейишибди унга.

Ошпаз солдатларга шўрва сузиб, косаларига яримтадан товуқ сола бошлабди. Комиссия аъзолари шикоят тасдиқланмади, дея қайтиб кетишибди. Рота командири ошпазнинг олдида келиб:

— Менга қара, шунча товуқни қаердан топа қолдинг?  
— деб сўрабди ҳайрон бўлиб.

— Ўртоқ командир, омадимиз келиб қолди, — дебди ошпаз, — қозонга сув солаётсам қаёқдандир битта товуқ пайдо бўлиб қолди. Сўйиб, иккига бўлдим-да, яхшилаб пиширдим. Бир бўлагини комиссия аъзосининг қосасига солдим, иккинчи бўлагини чўмичга боғлаб қўйган эдим...

## «ШУМ БОЛА» ҲИКМАТЛАРИ

Думбаёғ — ошга ҳусн,  
Қора соч — бошга ҳусн.

\* \* \*

Ҳар ёзилган шеър бўлмас,  
Ҳар кўринган — эр бўлмас.

\* \* \*

Гоҳо бемаза таомни ҳам охиригача ейдилар.

\* \* \*

Шеърлик даражасига етмаган шеърни шеър деб кўтариб юриш — шерлик эмас!

\* \* \*

Насияга мол бермайдими, билингки, бу тужжорнинг отаси ҳам тужжор ўтган.

\* \* \*

Бозорда сабзи ўтмай ётган бўлса, бу ҳали ошнинг таназзули эмас!

\* \* \*

Ер чарчаса чарчасину  
Эр чарчамасин!

\* \* \*

Хуржун бўшми, демак девона — аразчи!

\* \* \*

Қизиққон одам қизариб-бўзариб гапиради, аммо унинг  
гаплари ҳеч кимни қизиқтирмайди.

\* \* \*

Бир-икки марта кўз чиқармаган одамнинг дурустроқ қош  
қўйишига ишониш қийин.

\* \* \*

Бермаснинг оши пишмас,  
Сахийнинг тоши — ҳил-ҳил!



## МУНДАРИЖА

<i>Анвар Обиджон. Иккинчи умр</i> .....	3
---	---

### *ЭРКИН СИДДИҚ НИМА ДЕЙДИ?*

Кўлик .....	6
Ош қани? .....	8
Менга қараманг... ..	9
Уч кишилик насиба .....	9
Ақли чўтка .....	10
Калта қўллик .....	11
Тўғри йўл .....	12
Солиштириб кўриш .....	12
Асал ошқовоқ .....	13
Тайёргарлик .....	14
Ҳисобмас... ..	15
Ибн Сино ҳикмати .....	16
Бурнимни авайлайман .....	18
Эчки гўшти .....	18
Тенг еганни... ..	20
Эркин Сиддиқов нечта одам? .....	21
Бир минутлик газета .....	23
Муаллифнинг илтимоси .....	23
Боласи билан .....	24
Сизни ва... ..	25
Шогирд .....	26
Ўзимники қачон чиқади? .....	27
Қоғози яхши, аммо... ..	29
Икки ярим йилгача хайр... ..	30
«Жабалапа» .....	32
Нос ўрашга... ..	33
Қирқ йилдан бери... ..	34
Носқовоқ .....	35
Ҳисобли дўст айрилмас... ..	36
Кўп яхши бўлди-да .....	37

Ўлгунча эмас, тўйгунча...	38
Миробидов шундай дейди...	39
Қалтис савол...	40
Тиллани топмагунча...	42
Гуваланинг баҳоси	43
Қорин кулги	44
Эсиз маҳалла...	47
Пиллапоя...	47
Садоқат белгиси	49
Дўппича ош	50
Лақиллатиш	50
Бақа гўшти	51
Чемпионнинг табриги	52
Мош ош	53
Коммунист чайқовчи	54
Фойдали сурбетлик	55
Қайтими керак эмас	55
Хотин йўғида	56
Суюқ бошлиқ	57
Янгилик	58
Шу ерда акам яшайди...	59
Ҳар эҳтимолдан...	60
«Баковушка»	60
Бизга тўғри келмайди	62
Баъзи ўқимаганлар...	63
Топшириққа биноан...	63
Керакли одамнинг фикри	64
Чумчуқлар бўйича мутахассис	65
Қанотли «танқидчи»лар	65
Афсусланарли ҳол	66
Адабиёт ва теннис	66
Чапанича улфатчилик	67
Тоғ ҳавосининг фойдаси	68
Ошнинг рецепти	68
Совға	69
Четдан келдим...	70
Девнинг боласи	70
Ошқозонни чалғитиб турайлик...	73
Тақачига қараб чалинглар	74
Қаймоқчалик югуртирмайди...	75
Армон	76
Қўйнинг жунини олганмисан?	77
Илтимос	77

Бузилган мақол .....	79
Ўзимизнинг Раънохон бор-ку .....	80
Шўхликлари қолмаган қизлар .....	81
Англашилмовчилик .....	82
Кампирнинг қайсарлиги .....	84
Эркин акадан қолган гаплар .....	88

### «ШУМ БОЛА» САНДИФИДАН

Бегона аёл .....	91
Азиз Несин ва қассоб .....	96
Хўранданинг қозони .....	98
Ҳисобот .....	99
Қўлласанг бўлмайди, жиян .....	101
Қўшничилик .....	105
Иллатнинг илдизи .....	106
Обуна .....	109
Қўшимча персонаж .....	110
Алвидо хуррак .....	112
Сюрприз .....	114
Асабингизни асранг .....	118
Раддия талаб қиламан .....	119
Ўлма, ошқозон! .....	120
«Ошхонанинг мушуги» — Бразилияда .....	122
Пивохўрлар нима дейди? .....	123
Адабий тестлар .....	126
Ёки байрам ҳазиллари .....	126
Қиз болани носга ўргатманг! .....	128
Тухум бўлса бас .....	132
Қўшиқдаги йигитлар, аҳволингиз чатоқму .....	138
Мамат полвон .....	142
Шпатлёвка .....	143
Тўқилмаган тўқималар .....	146
Тушлик нима бўлади? .....	147
Чойхона гурунглари .....	148
Янги йил топишмоқлари .....	150
Саволлар борми? .....	151
Ўзлари қувлаб келишади .....	151
Ким кўп? .....	151
Гап чўмижда .....	151
«Шум бола» ҳикматлари .....	152

*Адабий-бадий нашр*

**АҲМАДЖОН МЕЛИБОЕВ**

**ХОТИН ЙЎҒИДА**

Муҳаррир  
Гавҳар МИРЗАЕВА

Техник муҳаррир  
Елена ДЕМЧЕНКО

Мусахҳиҳ  
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишга 27.11.2007 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.  
Босма тобоғи 4,875. Шартли босма тобоғи 8,19.  
Адади 1000 нусха. Буюртма № 277.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:  
Нашр бўлими — 278-36-89; Маркетинг бўлими — 128-78-43  
факс — 173-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru